




Сулхоз
МҮМИНОВА

КОМЕТА

Гулноз МЎМИНОВА

KOMETA

Шеърлар



Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа
иждодий уйи – 2019



УЎК 821.512.133-1
КБК 84(5Ў)7
М 11

МЎМИНОВА Гулноз

**Комета /Шеърлар/ Г. Мўминова – Тошкент: Гафур
Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2019. – 392 б.**

УЎК 821.512.133-1
КБК 84(5Ў)7

© Гафур Ғулом
номидаги нашриёт-
матбаа ижодий уйи,
2019

ISBN 978-9943-5424-8-8





ТАҚДИМ

Гулноз кўнгилни тўлқинлантириб юборадиган най нолаларидай муҳаббат шеърлари, ишқ изҳорлари билан адабиётга кириб келган эди... Бугун унинг бу борадаги ижоди янаям тиниқлик, равонлик, жарангдорлик касб этаётгандай. Кўнгил торлари янада ингичка тортиб, таранглашгандай.

*Кулиб ўтолмадим – ғамдан уялдим,
Куйдим деёлмадим – шамдан уялдим.
Гарчи дардманд эдим, фарёд этмадим,
Сен-ла хушбахт ўтган дамдан уялдим.*

Шу тўртликни қайта-қайта ўқидим. Кўнгил ҳам, фикр ҳам шу қадар самимий бўладими?

“Куйдим деёлмадим – шамдан уялдим”.

– Гулноз, – дегим келади унга, кўклам ниҳолидай хипчагина, чиройли, ўйчан кўзли қизалоққа, жаннат чечакларидай тўрт фарзанднинг суюмли онасига, кўнглингни, шу кўклам жилғаларидай тоза туйғулар макон кўнглингни шу бокира, пок ҳолида асрагин!

Дунё яралибдики, Муҳаббат бор. Муҳаббат яшар экан, висолнинг хуш дамлари-ю ҳижрон изтироблари, аламлари инсонларга ҳамроҳ. Ки-



зиқ, Муҳаббат ўзининг фиғонлари, қайғулари билан ҳам гўзалми? Яъни у ошиғи ё маъшуқаси йўлида сўнгги чора – ўлимга-да тайёрлиги билан қудратлими?

Ҳижронномаларни кўчираётганда азал хат-тотларининг қўллари бежиз қалтирамаган, юраклари бежиз титрамаган. Ҳижрон найларининг нолалари аجدодларимиздан бизга, биздан эса биздан кейингиларга, кейингилардан-да кейин келаётганларга ўтиб бораверади.

Гулноз мана шу муқаддас мерос хирқасини ўзига яраштириб кийган. У мана шу меросхўрлик хизматини ўрнига қўйиб, жуда чиройли адо этаяпти.

Гулноз, қизалоғим, Румий ҳазратларининг тили билан айтганда “ишқдин чок эғнинг”, ишқдан чок, аммо покдин пок юрагингга Аллоҳдан қувват, қудрат тилайман. Чунки биз дунёдаги ҳар қандай юракларни, ҳар қандай қўрғонларни забт этганда, фақат ишқ билан, кучли, ўтли меҳру муҳаббат билан забт этамиз. Забт этиш, эгаллашнинг бошқа ҳалол йўли йўқ.

*Сени яхши кўраман.
Эҳтиром билан Ўзбекистон халқ шоири
Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА*



ЗАМИНГА ХИТОБ

Ярминг қоронғудир, ярмингда зиё,
Ярмингда сакинат, ярминг титраган.
Оҳ, Замин, баҳайбат олмасан гўё,
Лекин ярим палланг мудом қуртлаган.

Ярмингда киборлар сокин етаклаб,
Юрганида холдор кўппакларини,
Ярмингда чиллашир, рангпар гўдаклар
Йиқилар босганча этакларини.

Ярим осмонингга ёғду тўладир,
Ярминг талангувчи, ярминг талончи.
Ярминг нурга интиқ бўлиб ўладир,
Ярминг тўғрисўздир, ярминг ёлончи.

Ярминг мазлумларга уқубатхона,
Бунда тиллар соқов, сассиз қадамлар.
Ножинслар ҳуқуқи учун ярмингда
Намойишга чиқар телба одамлар.



Ярмингда хотинлар хўрланиб, мурғак
Гўдаклар очликдан ўлиб ётодур.
Ярмингда йиғилмас очилдастурхон
Уволу сарқитга тўлиб ётодур.

Ризқ ярмингда текин, ярмингда талош,
Валекин қайғуни кўришар баҳам.
Ярминг олов ичра тўлғонар юввош,
Уни ўчиролмас уммонларинг ҳам.

...Тап-тап ерга қулар куйган қушларинг,
Замин, қололмадинг уларни асраб.
Рост чиқди қачондир кўрган тушларинг –
Энди туққан боланг ярмиси Машраб.

13.06. 2017 йил





ЗОРРО НИҚОБИ

Қачондир ботирлар яшаган танҳо:
Тунлар – от устида, кундузи чоҳда.
Мазлум эл истаги бўлсин, деб бажо
Ёрлари кутганлар ғамда, фироқда.

Тақдир қавартирган икки елкага
Халоскорлик юкин ортган – ўшалар.
Хуррият етгунча ғариб ўлкага
Юзга қора ниқоб тортган – ўшалар.

Зорро камёб бўлган, узоқ кутганлар
Мазлумлар умрига фидо жонларни.
Бугун шунчалик кўп ниқоб тутганлар,
Таниб ололмайсан қахрамонларни.

“Мен Зорро!” – қичқирар кечаги сотқин,
“Мен Зорро!” – қичқирар ўғрибоши ҳам.
Жасорат деб билар эски қилиғин
Дўст уйига олов қўйган муттаҳам.



Кимдир чайқалади сурон ичинда,
“Мен Зорро!” – мадҳ этар гўё ўзини.
Гарчи ниқоби бор шу он юзида,
Элдан яширолмас бузуқ кўзини.

“Мен Зорро” – ғовурдан қулоқлар битар,
“Мен Зорро” – чийиллар қўрқоқ ҳам
ҳатто.

“Мм-ен ҳҳам Зоорро!” дея ғўдранар
кимдир...
Демак, соқовдан ҳам чиқибди садо.

Оломон шовқини етар фалакка –
Ҳеч кимнинг ҳеч кимдан кўнгли
тўлмайди.

Эскирган ниқобин уриб чўнтакка,
Зорро жим кузатар, биров билмайди.

17-18.05. 2017





ШЕРЛАР

Ҳисор этагида қайси бир замон
Пирлар ёққанида самоъ машъалин,
Қамишлар оралаб наърасиз, пинҳон
Шерлар чиқар экан тавоф қилгали.

Тоғлар шамолидан ўсиқ ёллари
Силкиниб, даврага боқаркан гирён,
Сукунат тилида арзи ҳолларин
Айтган чоғ юракда ёнаркан иймон.

Хўш, пирлар-чи?
Пирлар қамиш чайлада
Жону руҳ-ла тушиб зикри самоъга,
Энди тугилгандек бегуноҳ, тоза
Бўлиб қайтар экан ортга – дунёга.

Шерлар эса чайла деворларига
Суйкалиб ўтаркан навбатма-навбат.
Улар ҳам дунёнинг бедорларига
Халал бермасликка топаркан тоқат.



Тун ярмидан оғиб, толиққан пирлар
Уйқуга чўмаркан – дунё унутдай.
Гулхан атрофида ястаниб шерлар,
Чайлани қўриркан вафодор итдай.

Фақат кўринганда уфқда қуёш,
Тоғларга тушганда заррин нурлари,
Шерлар ҳам заминдан кўтаришиб бош,
Сўқмоқ томон солар экан йўлларин...

Чигал саволларга тўлмиш бу дунё,
Жавоб излаш учун қайтмасми пирлар?
Шитирламай қўйди қамишлар ҳам, ё
Қирилиб битдими иймонли шерлар?!

23.02.2014





ДОВОН ТОШЛАРИ

Китоб ва Самарқанд оралиғида
Довон бор, азалдан ётар ястаниб.
Нурли кўринади қуёш тиғида.
Сен довон тошларин қолгайсан таниб.

Туғдона сўз айтар ўз шевасида,
Метин елкасида йилларнинг юки.
Анави қоятош Нуҳ кемасига
Сизмай қолиб кетган жонзотдир балки!

Манов оппоқ тошни кўр, дўстим, қара –
У ҳам бизлар каби бедор эмасми,
Улуғбек бўйнига қилич тушганда
Ногоҳ учиб кетган дастор эмасми?

Хув даралар ёвдан олган ўчини
Шу юртнинг чин ўғли – эгаси бўлиб.
Анов қатор тошлар Али Қушчини
Румга кузатганлар эгачи бўлиб.

Билишимча, аскар бўлган манов тош –
Ёв кўксин мўлжаллаб, тортганда камон,
Даҳшатли оғриққа бир зум бериб дош,
Тиззалаган кўйи таслим этмиш жон.



Қорайган горлари оғзида тишлаб
Турар пирлар ечган муаззам сирни.
Шу тошлар онадай кўксига муштлаб
Ҳинд сори кузатган Мирзо Бобурни.

Осмон турар боқиб – кўзин олмагай,
Юксак тизмаларга киради суқи.
Чангалзорлар ичра бир зум тинмагай
Булбуллар чаҳ-чаҳи – шоирлар руҳи.

Хуллас, тасаввуринг озоддир бир дам,
Чексизлик қўйнида чекинмас хаёл.
Лекин ҳаддан ошсанг, ҳатто тошга ҳам
Оғир ботар экан, келаркан малол.

Инсонсан, билмайсан тошларнинг тилин,
Қисматинг агарчи шу йўлларга банд.
Темур боғларининг ҳавоси билан
Сени чорлайверар азим Самарқанд!

Елкангда мозийнинг зилдайин юки,
Олдга интиласан жонинг борича.
Ундан ўтиб олсанг, марра сеники –
Ҳислар довонидир Таҳтиқорача.

19.04.2014 йил.



МУТАНТЛАР

(Шоир дўстларимга)

*Улар кесиб ўтган Вақт чизигидан.
Зебо Мирзо*

Қачон кесиб ўтдик Вақт чизигидан,
Қачон бизни чирмаб улгурди Ҳаёт?
Учартошлар ёнган оли-и-с кечада
Бегона маконда уйғондик. Наҳот?!

Сўзсиз ҳайқирик-ла қалқдик оёққа,
Уйғонмоқ фурсати қақшатди жонни.
Товонимиз тегди илиқ тупроққа,
Кўрдик бош устида мовий осмонни.

Ёдимиз лавҳига қўйилди нуқта –
Ҳаёт шовқинлари таралган замон.
Ҳамма даврда ҳам халоскор кўкдан
Тушмаслигин англаб етгайми инсон?

Издиҳом ичида кезаркан, ногоҳ
Таниб қолажакмиз бир-биримизни.
Шунда... нигоҳларда ялт этар бир “оҳ”,
Тушуниб етамиз тақдиримизни.



Жисм қолипига ўзни урган рух,
Инсу жин қавмига қариндошлармиз.
Қонимизда оқар қадимий андуҳ –
Одам шаклин олган учартошлармиз!

Ногаҳон инисин ўлдириб қўйган
Қобилдан меросдир фарёдларимиз.
Довон отларидай – вақт ўтган сайин
Ичкарига ўсар қанотларимиз.

Демак, энди бизга учмоқлик – армон,
Тошдаги битикдай ўчмас бу дардлар.
Ҳеч қурса ўзини асрай олмаган
Шўрлик мутантлармиз, ҳорғин
мутантлар.

**Учартош-метеорит*

19.03.2017





САРАТОН ҚҰШИҒИ

Кўчалар куй тўқийди
Қадамлар товушидан,
Бул куйга мухлислар ҳам
Топилади бегумон,
Бахра олар саратон
Кўнгиллар совушидан,
Узлатнишин дилларга
Туйғулар қулар бежон.

Саратон – улкан тандир,
Куйдиради очунни.
Гўлаҳ ўтни аямас,
Кирпик куяр тафтидан,
Худонинг тандирида
Сингиб пишмоқ учунми
Тириклик патнисида
Ёнма-ёнмиз, афтидан...

Меҳр – асли мўрт банддир,
Бул кун тегмас нафи-да:
Саратон – улкан тандир,
Қуёш – олов рапида.

09.07.2017



ҚУШ БИЛАН СҰЗСИЗ СУХБАТ

Уясида хурпайган қушча,
Мени душман билма ўзингга.
Майли, ўйла: “Бу ҳам бир тушча”...
Чўп суқмайман мунчоқ кўзингга.

Менинг уям пастроқда – унда
Ором олар кундуз ўйлари.
Элас-элас эшитиларми
Қўшиқларим, кулгим, куйларим?

Мен ҳам битта тункезар қушман,
Бир замонлар қанот етмаган.
Ҳеч битта қуш дайри фанодан
Зўр парвозсиз ўтиб кетмагай.

Ҳа, руҳимда учмоқ умиди,
Шубҳаланма, бу – менинг ростим.
Илк ва сўнгги парвозим чоғи
Қанотингни силкиб қўй, дўстим.

09.07.2017



Кундуз – менинг такаббур дўстим,
Қадамлари дадил ва илдам.
Қулоғига етмайди сўзим,
Етиб юрмоқ қийиндир бирам.

Оқшом – менинг ҳорғин дугонам,
Ўхшаш менга шу бир жиҳатдан:
Такаббур дўст хаёли билан
Ўтиб кетар зарур бекатдан.

16.07.2017





ҒОРДАГИ СУХБАТ

Овдан қайтиб келған учта одамхўр
Улкан ғор оғзига тошни суришиб,
Ўлжа зўр бўлди, деб қилганча шукур,
Ўлтирар дўстона суҳбат қуришиб.

Бири дер туртганча боғлиқ ўлжасин:
“Мен бекатдан тутдим манов учарни.
Кўрдимки, бўзлатиб қари аёлни
Ҳамёнин – бор будин олиб қочарди”.

Иккинчиси дейди қалтираб дир-дир
Ётган ўлжасига боққанча қиё:
“Қўшни деворидан шаҳват-ла назар
Солган малъунларга тўлибди дунё”.

Учинчиси айтар: “Менинг қўлимга
Тушгани ёмонроқ, айтгум ростини.
Зиёфатини еб, сарпосин кийиб,
Ўз ~~қўли~~ сотиб қўйди дўстини”.





Баҳайбат бошларин эгиб уччови,
Анча вақт хаёлга толиб ўтирар.
Сўнгра ёшроғига кекса бирови
Одамхўр тилида ғамнок ўкирар:

“Касаллари юқиб қолса-чи? Дарров
Тошни сур, уларни ҳайдагин, жиян.
Ҳозирча сиримиз билмасин биров,
Биз бугундан бошлаб вегетариан”.

16.07.2017





Биз сен билан ҳамон икки қутбмиз –
Сен томон – оппоқдир, бизда қаролик.
Гарчанд кўп йўлларни бирга ўтибмиз,
Ҳамон ўртамизда олис оралиқ.

Сен – кўклам, мағрурсан, минг бор
йиғлатиб,
Афсус қилмайдирсан, ўкинмайдирсан.
Мен эса кузакман, биргина сўздан
Хазон япроғидек тўкилгайдирман.

Сен шодон борасан умр йўлида –
Бўйнингда қувончли кунлар шодаси.
Мен эса турибман, ҳамон қўлимда
Ярми ичилмаган қайғу бодаси.

Сенинг кузларингда кулар ғунчалар,
Менинг баҳоримда йиғлайди хазон.
Қалбинг ишқ ўтидек қайноқ шунчалар,
Менинг юрагимда мангу қаҳратон.

Изтироб чекишдан мен ҳам чарчадим,
Сен озор бермоқдан наҳот толмасанг?
Айтгил, ҳаётингда қандай қолайин,
Сен мени ўзингдан асрай олмасанг?

22.11.2006 йил.





* * *

Вале озурдамиз озор ичинда,
Вале пажмурдамиз баҳор ичинда,
Бу кўнгил то ҳануз хуммор ичинда,
Биз-да ишқ ишидан ҳайрона келдик.

Хувиллаб ётибди дил боғларимиз,
“Хайр” демокқа шай дудокларимиз,
Қайғу қамал қилди қароғларимиз,
Гулдан яралгандик, хазона келдик.

Сен-да ишқ тилида бийрон сўзладинг,
Ёлғон сўзладинг-ай, ёлғон сўзладинг,
Изтиробга тушдим, ёмон бўзладим,
“Гилдан яралгандик, тўзона келдик”.

Биз кўнгулни ғамдан озод истадик,
Сукунат тилинда фарёд истадик,
Бедодлиғлар ичра имдод истадик,
Бугун “бахт йўқ” деган гумона келдик.





Биз ситамгар эдик – ситам қидирдик,
Ўша бир жуфт кўзни бенам қидирдик,
Бизам Наврўз эдик – Ажам қидирдик,
Байрамлар йиғлаган макона келдик.

Бизам осмонидан адашган моҳмиз,
Ҳасрат карвонлари талашган роҳмиз,
Юсуф қамчисини куйдирган “оҳ” миз –
Зулайҳо кўксида гирёна келдик,
Мастона келдиг-ай, мастона келдик,
Бизам обод эдик, вайрона келдик!

08.10.2006 йил.





Ўша кўҳна ҳисдан ҳамон адоман,
Ки ташна руҳингга меҳригиёман,
Фано баҳри томон оққан дарёман –
Ман санинг пойингда ўлмоқ истарам!

Висолми, ё “хайр” – видоми севги?
Ё бахтдан мангулик жудоми севги?
Ё Шомон, ё маъбуд – Худоми севги?
Ман санинг пойингда ўлмоқ истарам!

Ашкимдан кўкарган гуллар сўзласин,
Рашкимдан лол бўлган тиллар сўзласин,
Ишқимдан шоҳ бўлган қуллар сўзласин,
Ман санинг пойингда ўлмоқ истарам!

Ман-да гул хокидан барпо эдимми,
Кўнглинг жаннатида тубо эдимми?
Саҳролар талашган рўё эдимми –
Ман санинг пойингда ўлмоқ истарам!



Ки қисмат базмида соқийдур ғамлар,
Шодликлар ёлғондир, боқийдир ғамлар,
Кўзларимдан оят ўқийди ғамлар –
“Ман санинг пойингда ўлмоқ истарам!”

Бугун лабларимга видо жойланди,
Ҳеч кимса англамас садо жойланди,
Қисмат камонидан ярадор қалбнинг
Энг хилват ерига Худо жойланди!
Ман анинг пойида ўлмоқ истарам!
Ман анинг пойида ўлмоқ истарам!

27.11.2006 йил.





ДИЛ СИНИҚЛАРИ

(Тўртликлар туркуми)

1.

Руҳимда ҳам ишқдир, вужудимда – ишқ,
Осийлигимда, ҳам сужудимда – ишқ.
Ёр, манга қисматдан омонлиғ тила,
Ки манинг барбоду мавжудимда – ишқ.

2.

Ёраб, гулларимиз туроб ичинда,
Ҳама ободимиз хароб ичинда.
Бир дардкаш қидириб майга юзлансак,
Суратинг аксланар шароб ичинда.

3.

Гарчи шамолларда шитобимиз бор,
Бизнинг ҳам қисматга жавобимиз бор.
Чин ошиқлар каби сукутдадирмиз –
Гарчанд чақмоқларда хитобимиз бор.



4.

Эй дил, гул фаслида нолонлиғ нечун,
Қисмат саҳнасида ҳайронлиғ нечун?
Ошиқлик адоғи ҳалокат бўлса –
Омонлиғ нечундир, омонлиғ нечун?

5.

Ишқ сирри тугади – фошларга етди,
Ғаминг кўздан ўтди – қошларга етди.
Кўнглимни кўрсатсам, тўзғийди тоғлар –
Ҳажринг изтироби тошларга етди.

6.

Биз гулдирмиз, гулобимиз – ишқ,
Ўлсак, хоки туробимиз – ишқ.
Ваҳ, бу кўҳна дунё қасрида
Ободимиз, харобимиз – ишқ!

7.

Мудом юксакдасан, мудом пастдаман,
Дарду ғамларингга камарбастаман.
Ошиқлик қисматин мезонига боқ:
Сан – гулу япроқда, хору хасда – ман.





8.

Сен бир чексиз уммондирсан – мавжинг
менинг кўнглимдадир,
Энг дардли куйсан оламда – авжинг
менинг кўнглимдадир.
Ёра, исминг ҳайбатидан жон-жонимга
кирар титроқ,
Ишқ ояти Ўзингдирсан – шарҳинг
менинг кўнглимдадир.

9.

Ишқ биза ҳам бахт, ҳам балолиғ бўлди,
Қисматда қошингдай қаролиғ бўлди.
Биз Лайли – Мажнунга ҳавасмандмасдик,
Вале, тақдиримиз айролиғ бўлди.

10.

Бу йўлда гоҳ худ, гоҳ беҳудлиғ бордир,
Гоҳ омон, гоҳида нобудлиғ бордир.
Агар сабр этсанг, умр шомида
Ажал шаробидан хушнудлиғ бордир.





11.

Манга ибтидо керак, эй Ёр, охир
талабсан,
Бир дам ғамза истадинг – Санам соҳир
талабсан!
Ҳасратим ичга ютсам, мандин ўгирдинг
юзни,
Ҳамон зоҳир талабсан, ҳамон зоҳир
талабсан.

12.

Манам бир жилғадирман – ибтидом
Ўзингдурсан,
Бориб етажак жойим – интиҳом
Ўзингдурсан.
Ки ман-да кўнгли билан курашгувчи
ғозийман –
Интиқом Ўзингдурсан, интиқом
Ўзингдурсан!

13.

Сенга сўз йўқ – маю жом Сен биландур,
Дил дарсида имтиҳон Сен биландур.
Бу фанода халойиқ Сен-ла яккаш
Ҳам Маҳшарда издиҳом Сен биландур.



14.

Эй шаъм, “ёритгувчим, кўзим, исматим”,
Десам, кибру ҳаво пайдо қилурсан.
Ахир парвоналиғ манинг қисматим,
Сен нега “куйдим” деб ғавғо қилурсан?!

15.

Кавсар сувини кўз ёшимдан олдинг,
Гоҳ толеъ рангини қошимдан олдинг.
Тандан бунча айро туюлар жоним,
Қачон ишқ савдосин бошимдан олдинг?!

16.

Кулиб ўтолмадим – ғамдан уялдим,
Куйдим деёлмадим – шамдан уялдим.
Гарчи дардманд эдим, фарёд этмадим,
Сен-ла хушбахт ўтган дамдан уялдим.

17.

Ишқ шеваси турли, имло биттадир,
Ғам шомлари аро ялдо биттадир.
Магар Ҳақ талабсан, дунёни кузат:
Мажнун минг ирқда-ю, Лайло биттадир.



18.

Бу мунглиғ дил букун Ёра етишгай,
Гунг бир забон қадар зора етишгай.
“Қандоқ етишди” деб сўрмагил, англа:
Вужуд қафасини ёра етишгай.

19.

Теграмда айланар жаҳон суврати,
Дил тубинда Ёрнинг ниҳон суврати.
Маҳшар куни қандоқ бош кўтаргайман,
Бош устимда турса Жонон суврати?!

20.

Осийлигим тараҳхумингга боис,
Ожизлигим табассумингга боис.
Эй Худойим, наҳот манинг хайратим,
Ҳар заррада тажассумингга боис?

21.

Дедим: ишқ сирридан мудом хайронман:
Севгинг кўзада-ю, аксинг майдадур.
Деди: сир мангудир, ахир посбон – Ман,
Англа, дард қамишда, фиғон найдадур.



22.

Ошиқ айтар: “Найнинг навосидир ишқ”,
Гоҳ ғам водийсининг ҳавосидир ишқ.
Аввалда бу дарднинг боиси Ўзи,
Ҳам охирда унинг давосидир ишқ.

23.

Олам сокин тортиб қолди-ку бирдан,
Йиғиб олингандай жами оҳанг, сўз:
Боқ, қизғиш япроқлар хошиясида
“Видо” оятига тафсир битар Куз.

24.

Айт, қандайин таъриф мос келар сенга,
Қўрқоқсан, ғофилсан - асл нодонсан:
Ўнг қўли Халложни дорга тортганда,
Чап қўли кўз ёшин артган инсонсан.

25.

Олам шафақ рангин эслатар менга,
Хазонга бурканмиш жами қутблар.
Фасл атвориға мувофиқ – Сенга
“Хатти шикаста” да битдим мактублар.





Дунёдан беасос нолибмиз, ёрим –
Гоҳ дониш, гоҳида толибмиз, ёрим.
Фалак хўп даврон-ла сийламиш бизни:
Бедиллар баҳсида ғолибмиз, ёрим.

27.

Умрим оти ҳориди, излашдан сенга
 ТИМСОЛ –
 Жон қадар омонатсан, руҳ каби
 ПАРИШОНСАН.
 Гоҳида ошкорсан зарраи офтоб мисол,
 Гоҳи Қакнусбачадек ўт ичида пинҳонсан.

28.

Исмим чизгисини дилдан ўчирдинг,
Куйчи юрагимга сурма ичирдинг.
Рангим заъфарони сабабми, билмам,
Умрим хонасини Кузга кўчирдинг.

29.

Охулар ўйнамас кўҳимда маним,
Тўрт унсур қоришди руҳимда маним.
Куз менинг дунёмдир, исботини кўр:
Хазонлар ҳилпирар туғимда маним.





30.

Бир кеч намозшомгул сўз қотди менга:
“Ғалат муҳр солмиш чехрангга йиғи”.
Гулгинам, нимасин айтайин сенга,
Бу йиғи муҳримас, шафақ яллиғи.

31.

Мен норизо эдим исмимдан,
Ҳаммасини тўғрилади Вақт.
У қолмади бир зум изимдан:
Энди менинг исмим – ИТОАТ.

32.

Шафқат қилгин, ёпма оғзимни,
Ўзинг айтгин, нега йиғламай?
Бир оҳ тирнаб ётар бўғзимни:
“Қамиш эдим – бўлолмадим най!”

33.

Умрим қайиғини вақт денгизиди
Адаштира бир кун қисмат шамоли,
Осон топажакман йўлни, агарда
Елканим бўлолса онам рўмоли.





34.

Сенга юрагимни очдим-да – кеттим,
Умрингга қувонч, ғам сочдим-да – кеттим.
Дунёнгда насибам бир лаҳза эди:
Шу лаҳза ҳурмати қочдим-да кеттим.

35.

Аё дил, қирқ йилки кулфатим сенсан,
Ки ғам меҳробига рағбатим сенсан.
Айролиқ жомидан майлар узатсам,
Сира қайтармаган улфатим сенсан!


36.

Ул неки яратса – якто яратти,
Кечани кундуздан зебо яратти.
Кўнглимга исмингни экиб уруғдай,
“Кун” деди – бир ажиб Тубо яратти.

37.

Чўққи тонгда янги тушини
Чизганида уфққа яна,
Мовий, сариқ, ол, яшил ранглар
Ва мўйқалам қилар тантана.





38.

Замин – жавҳар сепилган дала,
Ҳозирламиш энг Буюк Деҳқон.
Маҳшар куни унажак унда:
Тавба, Иқрор, Савоб, Пушаймон.

39.

Қалбимга тўсиқсиз ўтар гумонлар,
Қайтиб тутмагайман адл отини.
Пийпалаб ўлдирса катта ёлғонлар
Ҳақиқатнинг ёлғиз зурриёдини.

40.

Шоир шеърларини отди гулханга,
Сўнг ботинмайгина ташлаб қўйди кўз:
Чирпаниб, ўзини уриб ҳар ёнга
Аланга тилида фарёд қилди Сўз.

41.

Ошиқ дилим найда маним,
Найистоним қайда маним?
Ерда нега гирён кезгум,
Ғамим бунча майда, маним?





ИСТАЮР

Навбаҳорим, чечакларинг мандан
шикоят истаюр:
“Минг йилдирким, осий эрди – энди
ҳидоят истаюр”.

Тиконларинг тавоф этсам олиб аста
товонимдан,
Тилга келгай, гумроҳлиғим айтиб ҳикоят
истаюр.

Ман бу ғамнинг мамнуниман, ман бу
дарднинг мафтуниман,
Ишқ оятин бир ўқиган такрор тиловат
истаюр.

Ким жамолингдан умидвор ошиқлара
қойилмасам,
Чин ошиқлик даъво қилиб, ғамдин
қаноат истаюр?!

Бу қисматда фидолиғ бор – гарчанд минг
бир жудолиғ бор,
Ишқ ғаввоси бул уммондин мудом
ҳалокат истаюр.



Эй дўст, мани висолингдин икки дунё
мосуво эт,
Магар дилим ғамдин кечиб, бир бор
ҳаловат истаюр.

Эй ёр, тамуғ алангасин бир учқуни
дилимдадур,
Фалак дунё бозорида ўт-ла тижорат
истаюр.

Эй дўст, Санинг ишқинг майдур, манам
бир умидвор соқий,
Кўнгул бу майдин маст ўлуб, бир бор
ҳижолат истаюр.

Эй ёр, Санинг жамолинг – шаъм,
оташининг қиёси йўқ,
Ҳар парвона ўз жониға лойиқ ҳарорат
истаюр.

Аё Гулноз, ошиқ аҳлин пандиға қулоқ
осмагил,
Ҳар йўловчи ишқ манзилин ўзича
ғорат истаюр.

04.04.2007 й.



Эй дил, ғам ризқини ол – ғаниматдир айрилик,
Ки маҳзун тийнатынгга фазилатдир айрилик.

Нечук ғалат ошиқсан – мудом васл тиларсан,
Хаста руҳимга даво азиятдир айрилик.

Билсанг, умр дайрина висоллар йўл сололмас,
То кўнгил ҳарби учун Панипатдир айрилик.

Гоҳи бетоқат бўлсам, юракдан садо етгай:
“Заруратдир айрилик, заруратдир айрилик!”

“Куйдим” деб даъво қилсанг – чин ошиқ
эмасдирсан,
То сен учун заҳмату риёзатдир айрилик.

Бу маккор дунёсининг бор ҳикмати саробдир,
Мен англадим – энг азим ҳақиқатдир айрилик.

Фалак кулса бошингда, хитоб айтгилки,
Гулноз:
“Ишқ эътиқоддир манга, тариқатдир
айрилик!”

5.05.2007.





* * *

Шўх фасллар ичра маним диёрим йўққа
ўхшайдир,

Ки, йўл қошидаман гирён – қарорим
йўққа ўхшайдир.

“Унут” деган сайин кўнгил баландроқ
айтар исмингни,
Ёра, кўнгилдан ҳам ёмон ағёрим йўққа
ўхшайдир.

Магар сандин келар бўлса, манга
ғамнинг малоли йўқ,
Маним ҳам ғамлара ҳеч бир малолим
йўққа ўхшайдир.

Манам гулман, парво этмай хазон
селига отгайсан,
Ё бағринг тош, ё қўрқмайсан – уволим
йўққа ўхшайдир.





Ёр, ҳасратинг селобидан ўтмоққа етмиш
ғайратим,
Вале умрингга кирмоққа мадорим
йўққа ўхшайдир.

Сан манинг маҳзунлигимни топмассан
ўзга чехрадин –
Бу дунёсида маним ҳам такрорим йўққа
ўхшайдир.

Аё Гулноз, “кетмагил” деб оёқ остингда
йўл йиғлар,
Бу оламда фақат ёра даркорим йўққа
ўхшайдир.

19.02.08.





МЕҲРОҶга

Сочингдан жаннатнинг ҳиди келади,
Бир томчи ёшингга арзир минг олам.
Унга яна кўпроқ инонмоғим-чун,
Худо менга сени берганми, болам?!

Гоҳида ҳасратнинг йўллари узун,
Адоқсиз туюлар ғамнинг нағмаси...
Сен эса самога кўзларинг тикиб,
Чарх урган қушларга келар ҳавасинг.

Тирикликнинг қаттол тўфонларида,
Гоҳида чайқалиб кетади олам.
Сен мени йўқотиб қўйишдан қўрққин –
Қўлларимдан маҳкам ушлагин, болам.

Сен менинг жонимга қадалган ниҳол,
Ўсавергин мудом яшнаб, гуркираб...
Дардкашим, кўзимда томчилар кўрсанг,
Узун киприкларинг кетар пиррираб.



Кўзларингдан менга боқар кенг фазо –
Асли ҳаёт ўзи сабрми, болам?
Йиғиларинг менга берилган жазо,
Қувончларинг чексиз ажрми, болам?

Жонимда куй каби янграр овозинг,
Худойимдан келган хушхабар – болам!
Сен мен билан Ҳаёт ўртасидаги
Энг азиз риштасан, беҳабар болам!

Фақат... даҳри дуннинг тўфонларида
Гоҳида чайқалиб кетади олам.
Ўшанда сен мени йўқотиб қўйма,
Қўлларимдан маҳкам ушлагин, болам!

03.04.2007 й.





Иқрорман – сен бугун ғолибсан, Нафрат,
Баланд кўтаравер зафар туғини!
Юзимга сўз билан урилган фурсат,
Кўнглимдан юлқидинг бору йўғимни.
Юзландим хотира дайрига томон,
Надомат тикандек ботди кўзимга.
Тангридан ўтиндим: “Ишқдан ал-амон!”
Ва илк бора шафқат сўрдим Ўзимга.
Кўксим қафасида ингранди бир қуш,
Туғаб бормоқдадир ишқим – баётим.
Дунёнинг ноаён ўйинларида
Арзон туюлмоқда менга ҳаётим!
Мен кўкдан адоқсиз сахро истадим –
Томиримда оқди Лайло жунуни.
Истасангиз, мана, кўнглимни шарҳланг,
Сиз, эй, ишқ илмининг аҳли фунуни!
Ростдан ҳам ғолибсан, нафрат, кирақол,
Дарвоза очмоқда юрак – муз шаҳрим.
Фақат... ҳали сенга кўниколмаган
Шу ожиз Одамга келади раҳмим...

13.03.2007 й.



Гоҳи қаро соч узра
Қоринг кўрингай, ёрим.
Ман гулдан умид этсам,
Хоринг кўрингай, ёрим.

Гоҳ дардинг ўтиб жондан,
Йўл солсам чор томона.
Чайқалиб йўл бошида
Доринг кўрингай, ёрим.

Минг заррага бўл мени,
Сўнг “кун” де – бутун бўлай.
Сен ахир шафқатлисан,
Золим кўринган ёрим!

Билмам, асли азалдан,
Ишқ йўли заҳматмидир –
Ман ҳаловат истасам,
Коринг кўрингай, ёрим.

То рўзи Маҳшар қадар
Ғаминг баҳринда сузсам,
”Ажрини ол” деб йўғу
Боринг кўрингай, ёрим!

30.05.07.





Сан ҳам манинг каби маҳзунмидинг, ёр,
Ё сароб дамлара мафтунмидинг, ёр,
Исминг эслолмадим, Мажнунмидинг, ёр,
Ман каби Лайлони топа олмассан.

Тилингни куйдирган розлар ўтгайдир,
Умрингдан не куйлар, созлар ўтгайдир,
Йўлингдан не гуллар, нозлар ўтгайдир,
Ман каби адони топа олмассан.

Дунёга қўл силтаб қўярсан бир дам,
Шодумон лаҳзалар туюлар пурғам,
Бемор кунларингга излайсан малҳам –
Бир меҳригиёни топа олмассан.

Сезмассан, не гуллар гулобдир, ёрим,
Дил гоҳ обод, гоҳи харобдир, ёрим,
Ман бош урсам, ҳар тош меҳробдир,
ёрим,
Сан мансиз Худони топа олмассан.

30.05.07.



Ёра, Юсуф ётган чоҳингни кўрсат,
Кеча Лайло юрмиш йўллар қайдадир?
Чин ошиқ бўлмоққа етгайми фурсат,
Ишқдан бино бўлмиш ғуллар қайдадир?

Жунун саҳросини телбавор кездим,
Айт, қайда, Мажнуннинг қонли излари?
Бир зум фарёд этсам – димоққа етгай
Халлож гулханининг соҳир ислари!

Дунёнгда бир ўзим қолгандай танҳо,
Гоҳ ҳамроз истарман йўлиққан тошдан.
“Ишқ” дея маломат топган Зулайҳо
Манга сабоқ берар бутун бардошдан.

Гоҳ кўнгил заҳматдан қочмоқни истар –
Йўқ менга кўнглимдан чўнгроқ бир
ғаним.

Ёрижон, руҳимни кўк томон қистар
ҳар дам юракдаги ҳажр гулхани.





Мани тупроқсан деб маломат этма,
Бу йўлда гоҳи нур, гоҳ обим бордир.
Боқ, ман-да ошиқман, то Маҳшаргача
Минг Қақнус улғаяр туробим бордир.

Етмиш томиримда ишқнинг жунуни –
Манам гоҳида шоҳ, гоҳида қулман!
Ман-да ошиқдурман, Халлож хокини
Макон қилиб ўсган бир нафис гулман.

Минг йилдир, ғамларинг ошиғиман, ёр,
Ғулларинг севғувчи, ишқинг асири!
Аммо бугун руҳим висол истаюр,
Қўйиб юбор мени, дунё занжири!

29.05.07.





Сени сокин севдим – умринг боғида
Бир япроқ оҳиста шитирлагандай...
Исмингни авайлаб айтдим, гўёки
Муқаддас бир сўзни шивирлагандай...

Ишонгин, мен сени ўзгача севдим,
Унутиб ғурурим, шону исматим.
Сен деб кўнглимга ҳам ачинмай қўйдим –
Изтиробга эрмак бўлди қисматим.

Мен шундай севдимки, гўё ҳар лаҳза
Ғам жомин соғиниб қақради лабим.
Севдимки – танимга туташди ларза
Самони соғинган дарахтлар каби.

Кўнглимга ёмғирдай ёгди бу севги,
Сўнг ёшга айланиб оқди кўзимдан.
Ва бир кун сирымни фош этиб қўйдим –
Исминг фарёд бўлиб чикди бўғзимдан!





Севдимки – айролик шамолларида
Маҳзун шовуллади умрим боғлари.
Ва бахт сарҳадига яқин боролмай
Маъюс қараб қолди баҳор чоғларим!

Бир лаҳза кўзингга қаролмади тик
Ҳасрат кундасига қўйилган бошим.
Хотирамда мудом бошларинг эгик,
Аламлар талашган ўн саккиз ёшим!

Совуқ, ҳиссиз кунлар ўтди ниҳоят
Кўзларимга жойлаб видо расмини.
Қўлларингга тутдим юрагим билан
Жонимга бирлашиб кетган исмингни...

Кетавер, ғамларинг қолар мен билан –
Қаро бир мавж каби сингиб кўзимга.
Исмингни шивирлаб айтажакман, ёр,
Унсиз фарёд яшар энди бўғзимда!

25.05.2007.





ИЗҲОР

Болам, сенга яхши она бўлмадим,
Мудом дардга туташ йўлларим билан.
Энди сени қандай дуо қилайин
Тарсаки туширган қўлларим билан.

Она, сен истаган фарзанд эмасман –
Меҳрнинг қиймати йўқ экан бунда.
Шафқатимни талош этиб юбордим –
Бугун осмон дилим ётар заминда.

Ман-да осийдурман, кечир, Худойим,
Ўзинг шу қисматни кўргансан раво.
Гоҳи озор етса бандаларингдан
Мен тўғри Ўзингга қилдим иддао!

Ахир гуноҳкорлик Ҳаводан мерос
Ва бу фитрат қадар етган бегумон.
Пойимдан ўзингни олиб қочма, Ер,
Бошимдан баландлаб кетмагин, Осмон...

3.06.2007



* * *

Воҳ, бу дун оташи мудроқ ёнадир,
Ишқ аҳли гоҳи жуфт, гоҳ тоқ ёнадир.

Гоҳ ўтсанг тийрамоҳ боғлари аро,
Хазон гулханида титроқ ёнадир.

Гофилдирсан, сенга дуч келганимда,
Кўзим юрагимдан кўпроқ ёнадир.

Қисмат тарозидир, икки паллали:
Гоҳ висол, гоҳида фироқ ёнадир.

Мани олов ичра кўрсанг не ажаб –
Ўт етса ҳаттоки тупроқ ёнадир.

16.10.2008 й.



Сенсиз тақдир измига риоят
истармидим?
Ё ўзимни ситамдан ҳимоят
истармидим?

Товонимни тиканмас, ўпиб турса
чечаклар,
Юсуф каби бир чоҳи риёзат истармидим?

То даҳр шамолининг тўзонлари ичраман,
Лайло каби бир гўзал ҳалокат
истармидим?

Ё магар жамолингни кўрмасам дун
сахнида,
Кўнгилни ғам селидан саломат
истармидим?





«Сан биздан эмассан» деб ғавғо
солмагил, эй дўст,
Ишқ аҳлидан бўлмасам, маломат
истармидим?!

Ишқинг бандидан озод этар бўлсанг
дилимни,
Ўшал ондаёқ рўзи қиёмат истармидим?

Ёра, йиғлаб юкиндим, бир умидвор
бандаман,
Гар қаҳрингдан қўрқмасам, шафоат
истармидим?

10.10.2008 й.





ҚУРБОНЖОН ДОДХОҲ МОНОЛОГИ

Кўзим дор оғочига
Тикканча келмоқдаман.
Кўз ёшимни юракка
Тўкканча келмоқдаман.

Ғаним, бугун ғолибсан,
Маккор кўзинг мендадир.
Бугун зафар сенда-ю
Зўр бир тўзим мендадир.

Дунёнинг не дорлари
Чайқалганди қасдимда...
Нетайки, бугун ўғлим
Турибди дор остида.

Болама, сени боққан
Кўкракларим зирқирар.
Танамнинг залворидан
Отим бели сирқирар.



Кўз олдимдан ўтади
Чақмоқ, чақноқ йилларинг.
Нега бошинг хам, яна
Титрамоқда қўлларинг?..

Ўғлоним, бошинг кўтар,
Ғам қўшмагин ғамимга.
Ҳатто ҳаётинг учун
Тиз чўкмасман ғанимга.

Чин ботирлар шунчаки,
Ўлмагайдир, ўғлоним.
Дунёнинг ками мудом
Тўлмагайдир, ўғлоним.

Отанг шаҳиддир, болам,
Аканг шаҳиддир, болам.
Шаҳидлик бизга мерос,
Кўзингдан кетсин алам.

...Ғанимнинг номард юзи
Қораяди тун каби.
Қай она ўғли билан
Ризолашган мен каби?



Берган сутим оқ бўлсин,
Кўзим дорда, ўғлоним.
Дунёнинг қирқ дорида
Хирқирайди қирқ жоним.

Энди руҳинг кезадир,
Ўйнаб ўсган боғингни.
Ўғлим, ҳатто жаллод ҳам
Эшитмагай “оҳ” ингни.

Отанг шаҳиддир, болам,
Аканг шаҳиддир, болам.
Шаҳидлик бизга шондир,
Кўзингдан кетсин алам.

Ўртамизда олис йўл,
Нажоткор – ёлғиз Худо!
Сен онангдан рози бўл,
Шаҳид болам, алвидо!

20.10.2008 йил.



Абри найсон кима нафдур, қатра ҳам, дур
ҳам бўлмаса,
Фалак тарозуси тенгми, тикан ҳам, гул ҳам
бўлмаса?

Сен ошиқлар диёрига қай юз ила
бородурсан,
Магар васл қувончидан жонингда мотам
бўлмаса?

Манам – осий, манам – гумроҳ, вале
маломат этмагил,
Ҳаво гуноҳ қилармиди магарки Одам
бўлмаса?

Олам аҳлини лол этиб, кўзим ёшини
артмасман –
Ким кўкламдан топгай хабар – гул узра
шабнам бўлмаса?



Кўнгил – жомда, шифо – майда, ҳам ҳасрат
шеваси – найда,
Қақнусга умид боғлама – дун узра гулхан
бўлмаса.

Баҳс этмасман, ошиқларинг гаҳе юлдуз
қадар бисёр,
Вале манга қиёс этма, манингдек пурғам
бўлмаса?

23.10.2008 йил.





ОТЕЛЛО МОНОЛОГИ

Саховатинг чексиздир, тақдир,
Бўш қўймайсан чўзилган қўлни.
Умр измингдадир, истасанг,
Алафга жуфт этасан гулни.

Дездемона тимсолида сен
Яратгансан покликни азал.
Кейин мендек қора ҳабашдан
Рашкка қўйдинг мангулик ҳайкал.

Бу гул менга насиб этмаса,
Айтгин, сира ранжирмидим мен?
Гоҳ бошимни муштлаб йиғлайман –
Бу толеъга арзирмидим мен?

Атрофимда изғиди фитна
Ва бир куни кўрсатди кучин.
Шунда севгилимни ўлдирдим
Гўёки бир рўмолча учун.



Мени “жоҳил” деган, эй инсон,
Бу аслида ғурур қомуси –
Мен ўлдириб суюклигимни
Асраб қолдим унинг номусин.

“Дездемона – рашкнинг қурбони...”
Ўзни зўрлаб кулдираман мен.
Ғуноҳим зўр, саҳнада уни
Ҳар куни бир ўлдираман мен.

Менинг севгим рашкиндир, унинг
Қатлидан ҳам келмайди кечгим.
Токи тирик экан Яголар
Севгидан бахт тополмас ҳеч ким.

Неча аср ўтар бошимдан,
Гоҳи қилич, гоҳ қамчи сермаб.
Эй сен, менинг содда набирам,
Севгилингга рўмолча берма!

5.11.2008 йил.



Абри найсонким, ёғмоқни ёр кўз ёшидан
ўрганмиш,
Яна тунким қаролиғни кўзу қошидан
ўрганмиш.

Ул ёрким, бу қаролиғлар ичра равон
юриб келгай,
Ё қисматнинг бу сиррини тун
хуффошидан ўрганмиш.

Ҳар лаҳза ичинда буду нобудлиғинг
пинҳон эрур,
Бу ҳикматни жунун аҳли ёр қарошидан
ўрганмиш.

Меҳрисиз ҳаёт йўқ, вале яқинлашсанг –
ўлим нақддур,
Бу янглиғ олов отмоқни ё қуёшидан
ўрганмиш.



Билким, бу олов олдида Намруд гулхани
хечдурур,
Улки гоҳи пинҳонидан, гоҳи фошидан
ўрганмиш.

Дайр аро гаҳе шодлик, гаҳе гамга
талабгорман,
Дил бу савдони ишқингнинг гулу
тошидан ўрганмиш.

“Ситам ғазнаси бўш қолмиш” дея хитоб
қилгай эдим,
Воҳким, ул ёр зулм сиррин яна бошидан
ўрганмиш.

Тиларсан, юз йил жафо қил, бир борки
“оҳ” урмас юрак,
Бу тоқатни Гулноз каби бир
дарддошидан ўрганмиш.

20.11.2008 йил.





Гофил ёра, бу дийдор ғамларинг
Синосидур,
Ҳам яна юзим оли ғамларинг хиносидур.

Кўнгил бу ишқ дайрида тилим-тилим
бўлди, ёр,
Ул энди кўнгил эмас, рашкингнинг
ғизосидур.

Яна ул ёр шавқида кўз оллинда қаролиғ,
Билмам бу тунмидур ё эгнинда
қабосидур?

Рангимдан заъфарон лол, дол хайрон
қоматимдан,
Сенга раъно шайдою, сарв қаддинг
адосидур.

Чун азал кўзу қошинг жонига офат эрур,
Ҳануз Гулноз бу фироқ юртининг
танҳосидур.





ИҚРОРЛИК

(“Фаришталар шахри” фильмидан кейин)

Билмайман... қай куни адашдим,
Дуч келдим бегона оташга...
Кўрдим. У жонсарақ, юракни
Тўхтовсиз ундарди яшашга.

Шу ондан ўзгарди ҳаммаси –
Энди ёт қисматим, баётим.
Оҳ... яна айтайин нимасин –
Тўзғиди фаришта ҳаётим!

Кездим мен Ернию фалакни
Қалбимга сиғмади ҳасратим.
(Инсонга айланмоқ учунми
Ўзимни Заминга ташладим.)

Шундан Ер эртаги бошланди-
Инсонни малакдай севдим мен.
Безавол умримда илк бора
Изтироб таъмини сездим мен.



Тугади азалий итоат –
Гўёки айланди хаёлга.
Тангрига қилмасдан ибодат
Боғландим бир фоний аёлга.

О, Танграм! Ҳар ишга қодирсан –
Жуфт этдинг байраму мотамим.
Инсонлик умримнинг тонгида
Сен олдинг севикли одамим.

Икки йўл қошида ҳайронман –
Қайсига боғлайин қисматим?
Энди мен шунчаки...инсонман –
Қалбимда фаришта ҳасрати...

11.05.2007 йил.



ГИНА

Умрингдан кетаман, йўқ ўзга чора –
Сўнгакларим қадар етиб борди ранж.
Айт, қачон Тангридан изн сўровдинг
Менинг ҳаётимдан тузмоққа шатранж?!

Айбимми мадорсиз қўлларим билан
Қайғу деворини йиқолмаганим?
Ва ёки кўнгилли асира каби
Умринг хонасидан чиқолмаганим?

Жавоб бер, сўзла, эй, умрин саҳнида
Гоҳи гул, гоҳ хазон рақси кўринган.
Менинг насибам йўқ меҳру раҳмингда,
Кўзингда жонимнинг акси кўринган!

Ахир дунёсида дард яккаш бўлса,
Не фарқи бор – куйган навоми, созми?
Фақат алам қилар шу ғамдан ўлсам –
Айт, бад эзилганлар дунёда озми?





Тийрамоҳнинг сўнгги кунлари қадар
Тўзғиб бўлдимикан бахт чодирлари?
Нечун энди сенга сўзларим малол,
Ўринсиз туюлар хавотирларим?

“Қол” десам, қўлини тортмоқда ҳаёт,
“Кел” десам, юзини ўгирган қазо.
Шундоқ ҳам англадим, сенинг
нафратинг –
Менга шу дунёда берилган жазо...
Кетаман...

31.05.2008 йил.



Ишқ десам, сочда қор йиғлар,
Оҳ урсам, бошда дор йиғлар.

Дил олган масрур жилмаяр,
Дил берган зор-зор йиғлар.

Маним куз умрима сиғмай,
Ўксиб-ўксиб баҳор йиғлар.

Гар ман “ишқ” савтидан чалсам,
Боқ, бағримда дутор йиғлар.

Ким дилида дарди ниҳон
Бўлган кас ошкор йиғлар.

Сендан кетмоқ осонми, ёр,
Йўл бошида қарор йиғлар...

16.01.2009 йил.





СОТҚИННИНГ ФАЛСАФАСИ

Элни сотдим, Ватанни сотдим,
Бу етмади, қўшдим виждонни.
Ит каби ёв пойида ётдим –
Ахир тирик қолиш осонми?

Шундан бери руҳим карахтдир
Ва ҳаётни сезмайди юрак.
Оёғимда кўринмас занжир,
Ялоғимда мужилган суяк.

19.01.2009 йил.





* * *

Қул севгиси каби беўхшов сукут
Юракни тимдалар, сиғмай лаҳзага.
Бир зумда руҳ карахт, хотира – унут
Ва бўм- бўш юрагим келар ларзага.

Сўнг бир сўз тош каби бўғзимга ботар,
Кўксимни ханжардай тилади бир сўз.
Шунда англагайман, тонг титраб отар,
Кун бўзлаб ботишин илғаяжак кўз.

Айт, бу вақт карвони қаёққа шошар,
Нечун бу тонгларда мубҳам тиниқлик?
Севгилим, ўзинг айт, қачон ярашар,
Руҳи юксакларга кўнгли синиқлик?

Тинглагил, фақат сен илғашинг мумкин,
Руҳим минқорида янграган сасни.
Бил, юрак шундайин қушки, истаса
Ҳар лаҳза парчалаб яшар қафасни!

27.01.2009 йил.





КЎЗИНГ РАХШОНИНИ КЎРГАЧ

Қуёш юзинда доғ пайдо, кўзинг
рахшонини кўргач,
Кўзинг рахшони куйгайдир, меҳр
пайғомини кўргач.

Меҳр пайғомина ҳожат борми эди ёр
олдида,
Ким сабр этар ёр олдида муҳаббат
жомини кўргач.

Муҳаббат жомидин гар сўз очар эсанг,
хушёр бўлғил,
Хушёрлиғ ҳам ғалат бўлғай гаҳи
ризвонини кўргач.

Гаҳи ризвондин бир сўзки етар бўлса,
қарорим йўқ,
Жон қандайин қарор топсин – энди
жононини кўргач!

То жонон шеваси ҳажру фироқдин
ўзгани билма,
Ҳажру фироқ ҳам лол қолур кўнглим
зиндонини кўргач.



Кўнглим зиндони олдида тамуғ гоҳи
хижил тортгай,
Дўзах ўти чекингаймиш “ошиқ”
унвонини кўргач.

То ишқ унвони кўксимда, сен томонга
бородурман,
Жон жонона шошилмасму амру
фармонини кўргач?

Чорла, ёр, амру фармонинг дарду
дилимни тўлдирсин,
Бу янглиғ дил била боргум ишқинг
осмонини кўргач.

Ишқинг осмон эрур гарчи, бугун
Заминга тушмишдур,
Балки ҳайрон бўлур Гулноз каби
нолонини кўргач.

То азалдин ишқ аҳлига нолонлиғлар
муносибдур –
Ким меҳрдин сўзлагайдир
номехрибонини кўргач.

25.01.2011 йил.



ПАЙДО

Ҳижронингдан нидо пайдо,
Хаёлингдан сафо пайдо.

Қаҳрингдан юз дард ҳосилу,
Меҳрингдан минг шифо пайдо.

Амрингдан ибтидо зоҳир,
Лутфингдан интиҳо пайдо.

“Шафқатингга насиб ўлсам”,
Дил ичра муддао пайдо.

Жамолинг акси васфидин
Тилимда илтижо пайдо.

Бу хаста дилга бўлсайди
Раҳматингдин даво пайдо.

Қудратингдан тақдир узра
Ҳам оқу, ҳам қаро пайдо.

Ишқинг заҳматидан магар
Ер юзинда қазо пайдо?!

27.01.2011 йил.



КЎЗЛАРИНГГА ИШОНГИН МЕНИ

Юрагингга ишонма мени,
Шафқатлидир юрагинг мудом.
Ташлаб кетмоқ истасам сени,
Мени қўйиб юборар осон.

Нафратингга ишонма мени,
Макрдандир маним бунёдим.
Уни ишққа айлантирмоққа
Кифоядир битта фарёдим.

Хаётингга ишонма мени,
Мени унга ишонма сира.
Тўзғиб кетар қуриган гулдай
Мендан қолган ҳамма хотира.

Кўзларингга ишонгин фақат,
Нигоҳингга дуч келсам бирдан,
Кишанига кўниккан қулдай
Оёқларим узилмас ердан...

Кўзларингга ишонгин мени...

28.01.2011 йил





ЛАҲЗА

Ҳозир бунёд бўлди бу лаҳза,
Шошма. Яшаб қолайлик унда.
Ботаётган қуёш сингари
Ғаниматлик уфулар ундан.

Шу лаҳзага жодир бариси,
Унда мавжуд шодлик ҳам, бахт ҳам.
Ҳамма соатларни бураб қўй,
Тўхтаб турсин югурик вақт ҳам.

Умримизни шу лаҳзага кўм,
Ғаддор ҳаёт қолсин уятга.
Ахир гоҳи алишмоқ мумкин
Бир лаҳзани... абадиятга.

28.01.2011 йил



ОЛОМОН

Муҳаммад чорласа “қошимга кел” деб,
Бутун оломонни лол этиб, бирдан
Дарахт қаршисига юриб борганмиш
Ҳамма илдизларин суғуриб ердан.

Мўъжиза сўрамиш яна оломон –
Асли ер гуноҳга макон бўлган жой.
Расул амр этса, узоқ куттирмай
Иккига ажралиб кетган эмиш ой.

Шубҳада қолармиш ғаним барибир
Ва бошлаб келармиш гувоҳларини.
Тилга кирган жасад сўзлаб берармиш
Тирик чоғидаги гуноҳларини...

Асрлар ўтади, бошқа пайғамбар
Энди туғилмагай– ҳақиқат аён.
Бунинг англаса-да, аммо барибир
Мўъжиза кутади ғофил оломон.

28.01.2011 йил



* * *

Февралнинг
Кўз ёшларидан
Сиёҳ ясади баҳор.
Яшаш завқин
Дарахтларга
Ёза бошлади баҳор.

Ер остида
Содир бўлди
Ғимир- ғимир, тўлғониш.
Ер устида
Бир сўз ҳоким,
Унинг исми –
Уйғониш.

Ўн олти ёш қиздай
Шўхчан
Зир югурди
Чор томон.
Сой юзининг
Муз пардасин





Синдирворди
Ногаҳон.

Сўнг уйингга борди,
Секин
Ойна оша қаради.
Қараб туриб
Шундоқ қизни
Кўрмаганинг ғалати.

29.01.2011 йил.





НАВОИЙ ҲАЙКАЛИ ПОЙИДА

Сочлари ҳурпайган йигитни Мажнун
Десалар, юзимда ловуллаб уят:
Гоҳо шакл ғолиб келиб қолганда
Чеккага чиқармиш шўрлик моҳият.

Ғозалар керакмас кўнгил қонидан,
Ул ошиқ дилларни бўлдик ўлдириб:
Лаблари, ёноғи алвон тусдаги
Лайлолар юришар кўча тўлдириб.

Ишқнинг ул азалий қоидалари
Аллақачон қайта тузилиб бўлган.
Севги билан ҳаё ўртасидаги
Искандар девори бузилиб бўлган.

Кўҳна табиатнинг кўксидан ҳамон
Олинмай турибди Баҳром отган ўқ.
Энди муҳаббатдан йиғлаган инсон,
Инсонни йиғлатар муҳаббат ҳам йўқ.



Шаксиз, башоратдир айтганларингиз,
Бизнинг замонларни қайдан биларсиз?
Балки қайтиб келиб, қуш тилин эмас,
Инсонлар лисонин дoston қиларсиз...

Энди ишқ жавҳари тошдек беқадр,
Ҳақиқат равшандир мисоли кундай:
Бугун Фарҳод тоғни йўниб турса ҳам,
Сув эмас, маъданлар қидирар ундан.

Беш юзу етмиш йил ўтмиш орадан,
Неча бор эврилиб, тикланмиш мезон.
Сизни ранжитади, аммо айтиш шарт:
Бугун дўст бўлолмас шоир ва султон.

Барини бирма-бир айтсам, нуроний
Бошингиз оғритар маним ҳасратим.
Меҳр сўраганлар жуда кўп, бироқ
Меҳр ноёб бўлиб қолди, Ҳазратим.

Ёрқин туслардадир либослар гарчи,
Юраклар қашшоғу, туйғулар – ғариб.
Шунинг учун ҳатто ҳайкалингизга
Қаролмаймиз бошни баланд кўтариб.

29.01.2011 йил.





МЕҲР

Ҳайронман,
Шунчалар
Нозик бўлсанг ҳам,
Юракни турасан
Тўлдириб.
Жуда ҳам нафиссан,
Қўлимга олсам,
Қўрқаман қўйишдан
Ўлдириб.

Қўйгил, инжилмагин,
Ранжитма мени,
Лаҳза ўтмай яна
Фикримдан қайтмай.
Сени ўзинг билган
Ўша одамга
Бериб юбораман
Ҳеч кимга айтмай.

29.01.2011 йил.



СЕВГИ ЎЛИМИ

Сен кечикдинг. Севгимиз ўлди.
Қара, дилда ётибди бежон.
Жуда маъсум эди-да ўзи,
Осонгина таслим этди жон.

Бизлар уни ёмон қийнадик,
Ўртамизда хўп ҳам толди у.
Гарчи эрта кетди ҳаётдан,
Бизларга бахт бера олди у.

Гар истасанг, совиб борётган
Пешонага бос сўнгги бор лаб.
Фақат ёлғон демагин уни,
Марҳумларни бўлмас ёмонлаб.

29.01.2011 йил.





РАШК

Хавотирга тушаман гоҳо,
Бирдан ўйчан тортса кўзларинг.
Кўзларимга, нигоҳларимга
Қалқиб чиқар шубҳа излари.

Билсанг, дилни тимдалаган рашк
Асли жуда безовта туйғу.
Наҳот, қачонлардир кўзларинг
Бўлган ўзга кўзларга кўзгу?

Умрингнинг сир қатида балки
Ўзга бир ишқ қиссаси бордир.
Сочларингга қўнган қировда
Яна кимнинг ҳиссаси бордир?

Жазавага солиб қалбимни
Кўзимда ўт ёқади бир куч.
Айтгин, баҳор чақмоғи каби
Ғазабингга ким бўлолди дуч?





“Меникими ўйингдаги рашк”,
Наҳот, бундай ўйламоқ хато?
Менинг севгим шунчалар қизғанч –
Рашк қиламан рашкингни ҳатто.

Шубҳаларим бездирар сени...
Мен ҳаммасин ўйлаб қўйганман.
Рашк риштасин битта учини
Муҳаббатга бойлаб қўйганман.
Мен шундайин айёрман, билсанг...

30.01.2011 йил.



КЕЧ КУЗ МАНЗАРАСИ

Яланг боғлар бўзлаб ётаркан
Баргларида бўлганча жудо.
Яна ёмгир томчиларидан
Покдил қўшин тузади Худо.

Жанг урҳоси янграйди– чақин
Олов излар тортади кўкка.
Ер ва осмон ораси яқин,
Ёмгир билан қоласан якка.

Яратганнинг шаффоф қўшинин
Пайқаб қолар заминнинг кўзи.
Ҳасрат аро ҳорғин ўксиниб
Куз ёмғирга тутуди юзин.

Оловни сув кесармиш азал–
Сокин тортиб қолар ҳамма ёқ.
Шаффоф қўшин чекинган маҳал
Яшил барғни туш кўради боғ.

03.11.2013 йил



ПЕЙЗАЖ

Тун–тўкилиб кетган сурмадон,
Борлиқ чўмар рангига унинг.
Кўкка қараб ўрлайди шу он
Яшалмаган кечалар хуни.

Қуюқлашиб борар сурмаранг,
Юлдузчалар кўринар ёрқин.
Дўмбираси сочмайди жаранг–
Лол қолади қари тол– оқин.

Кўзларингдан чиқади қочиб
Ёдда қолмас, оний тушчалар.
Қаердадир қувониб, шошиб
Ҳадик билан сайрар қушчалар.

03.11.2013 йил



ГУЛХАН

Кўзим– қалбим кўзгуси, токи
Юрагимни кўриб тургайсан.
Сен қалбимни ёқсанг, ҳаттоки
Кўзларимда гурлайди гулхан.

Менга аён, сен мағрур, кибор
Ва бепарво отарсан ханда.
Огоҳ этиб қўяй сўнгги бор:
Ёниб кетма сен бу гулханда.

02.11.2013 йил



АФСОНА

Анжир – шарқ гўзали, тўсар юзини
Қуюқ япроғини этиб пардалар.
Сўнг сув кўзгусида кўрмай ўзини
Зардалар қилади тунга, зардалар...

Эслайди, гулламоқ фаслинда у деб
Сирли нур тушганин олис самодан.
Хўрсиниб ёд олар, баргларин юлиб,
Тухфалар этганин Момо Ҳавога.

Унинг гуноҳидир шу оний шафқат–
Шуни деб гуллашдан қолмиш Мосуво.
У ерга тушганда англади фақат,
Бу аччиқ қисматга йўқ таскин, даво.

Сўнг узоқ соғинди жаннат гулларин,
Ўртаниб аламдан жону жаҳони.
Афсуски, берк эди қайтмоқ йўллари,
Қалбиға тугилди жаннат армони.



Шундан бери кўрмас гулларин анжир,
Кўз ёшин яширар қалин япроғи.
Самодан тушган чоғ сирли, кўкиш нур
Ёдига тушади Азал сабоғи!

Титраниб эслагай Момо Ҳавони...

04.11.2013 йил

КУЗ
(туркум)

Билсанг, юрагимга
кўп оғир ботди—
Ҳорғин кўзларингда
алам кўрганим.
Ўзинг айт, қачондир
учратганмидинг
Севги билан бахтнинг
бирга юрганин?

* * *

Хазонрезги тилида айтар
Донишманд куз ҳикмат сўзларин.
Мезонларга термулиб узоқ
Нимагадир келар бўзлагинг...

Аммо тошга дўниб фарёдинг
Тураверар бўғзингга ботиб.
Япроқ каби юлиб юракни
Юборолсанг аёвсиз отиб.

Яна сайёҳ қушлар ортидан
Хаёлларинг учар олисга.



Сен-чи мудом банди яшайсан
Юрагингни чулғаган ҳисга.

Боқиб ҳаёт- мамот расмига
Кўзинг лолдир, вужудинг карахт.
Парво қилма асло шаклингга,
Сен дарахтсан аслида, дарахт.

Япроқларинг сарғайиб борар
Ва рўйингдан ёғар ҳайронлик.
Шамолларин озод этмасин,
Сен кузакдан сўра омонлик...

* * *

Борлиғим бормоқда сарғариб.
Самовий ҳисларим– тупроқда.
Бир хаста, бир дилхун, бир ғариб
Куз келар мен томон, титроқда...

Кел, кузак, биз икки қисматдош
Ва бугун гул– ситам, бахт– ситам.
Кўзинг ҳам, рангинг ҳам заъфарон,
Жигаринг хастами сенинг ҳам?

* * *

Сунбуланинг сувлари мисол
Ҳисларингга инар тиниклик.



Кўзларингга сокин боқади
Куз шаклига кирган тириклик.

Туғиласан яна қайтадан
Боқиб бахтнинг энг улканига.
Армонларинг ёниб битгайдир
Куз боғларин зўр гулханида.

Энди равон тақдир йўллари,
Бор, ҳаётни севиб толмагин.
Хазонзорлар бағридан топгин
Бу боғларнинг сўнгги олмасин.

Куз– васл кўприги...
Унда учрашади Ҳаёт ва Мамот.
Ўтиб боришади
Бокмасдан бир-бировга.
Жиддий, сокин–
Бир қарашда
Ўхшамаслар ёвга.
Қадамидан қатъият ёғиб
Кетиб борар Мамот.
Бироқ қарайверар ортига
Қизиқувчан Ҳаёт...

15.10.2011 йил





ОЙПАРАСТ

Чексиз само бағридан
Ой имлар парисимон.
Ўтиб Ернинг баҳридан
Бораман ойга томон.

Тун бу – чўзилган қўлим,
Ҳам юмилган кўзимдир.
Сочларим тун руҳидай
Қоп-қора-ю узундир.

Ойни кўзгу деганнинг
Ёлғончидир барчаси.
Яқин борганим сайин
Ой бу – юрак парчаси.

Ой – кенг осмон юраги,
Менга кўп сабоғи бор.
Юрак бўлмаса агар,
Айтинг, нега доғи бор?





Қуёш ҳоритди мени,
Кундуздан бўлдим зада.
Исмим айтиб чақирманг
Шу мангулик лаҳзада.

Оҳ, етади, ортимдан
Келаверманг басма-бас.
Қисматим ўзим билан –
Ойпарастман, ойпараст!

16.06.2013





ЎҚ

Ғалатидир севги мезони:
Гоҳи ошиқ ўхшар сайёдга.
Ёйин таранг тортган овчининг
Ҳаракатин солади ёдга.

Севгинг сайёд қилди мени ҳам,
Қўлда камон, кўп юрдим дайдиб.
Бироқ сенга отган ўқларим
Келаверди ўзимга қайтиб.

Бу ҳаммаси тақдир ишлари,
Энди сенга эътирозим йўқ—
Сен қалбингни тутиб берган чоғ
Тополмадим бутунроқ бир ўқ!

27.03.2013 йил



ЧАҚИРГАЙМАН

Рух- телба, баҳорларда
Хазонни чақиргайман.
Қай дам ёшлидир кўзим,
Шул онни чақиргайман.

Висолмас, асли ҳажр
Ишққа қувват бўлармиш,
Лайло чодирин тикиб
Ҳижронни чақиргайман.

Рухим тинглаб ишқ дарсин
Қонимда оқар жунун,
Жазбада гир айланиб
Замонни чақиргайман.

Ёра, юрак дардини
Айтмоққа сўз тополмай,
Най деган лафзи ҳазин,
Нолонни чақиргайман.





Кўксим қафаси ичра
Гирёнадир жон қуши:
Симурғ қушлар излаган
Маконни чақиргайман.

Ишқ адоликдир, вале
Рухни поклайди, бир кун
“Сен-ла бирлашдик” дея
Ризвонни чақиргайман.

27.03.2013 йил



СЕНЛИ ТУШЛАР

Сенли тушларимни сувга айтмадим,
Сокин мавжларини қиймади кўзим.
Хавотирим сезиб тургандай гўё
Ўйноқ балиқчалар тўхтади бир зум.

Тупроққа айтмадим сенли тушларни,
Қўрқдимки, шул онда қўпади тўзон.
Бироқ амин эдим: ҳеч бир замонда
Ишқ сирин сақламоқ бўлмаган осон.

Ҳавога айтмадим сенли тушларни,
Истадим шу ҳолда– равон қолмоғин,
Яна тушда қўрқиб уйғонса кимдир
Кўкрагин тўлдириб нафас олмоғин.

Охир чорасини излаб топдим мен,
Сенли тушларимни айтдим оловга.
Само қадар ўрлаб, узо-о-қ ёнди, лек
Тушуна олмади сирли қаловга...
Сенли тушларимни айтдим оловга...

27.03.2013 йил




* * *

Билмам, нега ёнимдасан-у,
Юрагимда зилдай бир фироқ.
Тугаётган севги мисоли
Липиллайди эски тунчироқ.

Фироқ билан сирлашган кўзга
Бу кеч келмас ҳатто уйқу ҳам.
Совурилгач вақт шамолида
Тугармикан ҳар не туйғу ҳам?

Совуқ кулиб тикиламан жим
Ой нурида ёғду рақсига.
Тун париси бермайди таскин –
Беркинади олиб аксига.

Шеър ҳам ёзмай қўйувдим, билсанг,
Ўзинг эдинг ғамимга ҳамроз.
Энди дардкаш изласам гоҳо
Муздай кўксин тутади қоғоз.





Эй кўнгилни ҳувиллатиб, сўнг
Мендан кўнгли тўлмаган одам.
Маҳзун шеърдек ҳаётим аро
Қоғозчалик бўлмаган одам!

Келажакни ўйламай қўйдим,
Унутолмам ўтмишни бироқ...
Ҳисларимни англаган каби
Ўчиб қолар эски тунчироқ...

13.03.2013





МЕН ДАРАХТГА ЎХШАЙМАН...

Мен дарахтга ўхшайман бугун,
Атрофимда тўртта ёш ниҳол.
Шаббаларим билан тўсгайман,
Ногоҳ келса бир дайди шамол.

Бўронларнинг аччиқ совуғи
Ботиб борар экан бағирга.
Бир вақт мени шундай асраган
Икки дарахт келар хотирга.

Энди улар кексайган, юпун
Танларидан совуқ ўтгандир?
Боролмайман, ахир илдизим
Ер бағирлаб узок кетгандир...

Она тупроқ ва сув мазаси
Томиримдан кетмагай алҳол.
Япроқлари қувноқ шитирлаб
Хаёлимни бузар тўрт ниҳол.

Шохларида митти қушчалар
Чуғурлашиб туйишар ҳузур.
Ай олисда мени соғинган
Дарахтларим, минг бора узр...

26.02. 2013



ТОНГГИ ҲИСЛАР

Ёмғир ташна заминни
Сийлаб чиқди тун бўйи.
Юрак – хаста гўдагим
Йиғлаб чиқди тун бўйи.

Қани азал мезони,
Ким бу сирни этар фош:
Ёмғир ерга сингар-у,
Кўкни ғарқ этар кўз ёш?

Бу қандайин рутубат?
Бошдан учди ҳушларим.
Қамчи еган маҳбусдай
Чинқирди тун қушлари.

Тунги ёмғирдан нишон
Шуъла ўйнаган ҳалқоб.
Чайқалиб қора туман
Юзин кўрсатди офтоб.



Тоғ бошига тикди у
Заррин зафар туғини.
Тугади муҳораба,
Дилбандим, қўй йиғини.

Яна бир кун бошланди...

04.03.2013





ГИНА

Тонгларинг кафтида ашким шабнамдир,
Кетсам, умринг аро ҳадсиз мотамдир,
Севгим Зулайҳо-ю, кўнглим Хотамдир,
Суйсанг суйгуликман, куйсанг куйгулик.

Лаҳза сайин рӯё тутар ёбоним,
Жисмимдан ажралиб бормоқда жоним,
Тиканли ковушни сезмас товоним,
Суйсанг суйгуликман, куйсанг куйгулик.

Сенга ҳануз ётдир “ишқ” деган имло,
Ғофиллигинг бошга бўлди-ку бало!
Мени қавми томон имлади Лайло –
Суйсанг суйгуликман, куйсанг куйгулик.

Самандар сабр-ла сийлади мени,
Қақнус гулханида ийлади мени,
Охулар кучоқлаб йиғлади мени,
Суйсанг суйгуликман, куйсанг куйгулик.





Кўрдим, мудом шодсан – маҳзун эмассан,
Кўринмас занжирга маҳкум эмассан,
Мен Лайло бўлдим-у, Мажнун эмассан,
Суйсанг суйгуликман, куйсанг куйгулик.

Етар, ҳасратингни кўтар рўзимдан,
Энди нима бўлса кўргум ўзимдан,
Руҳим чимматини олди юзимдан –
Суйсанг суйгуликман, куйсанг куйгулик.

09.03.2013





ДУНЁ

Дунё – тезоқар дарё,
Оқиб боради шитоб.
Ҳар тўлқини – бир рўё,
Ҳар тўлқини – бир гирдоб.

Таги тўла чағир тош,
Урилганлар барбоддир.
Ўнг қирғоғи Тириклик,
Сўл қирғоғи Мамотдир.

Дунё – телбафеъл дарё,
Унда мудом ҳушёр бўл.
Боқсанг ҳамки чор томон
Топилмас халоскор қўл.

Айқириб оқар тинмай,
Синовдадир саботим.
Саватдаги гўдакдай
Оқар унда ҳаётим...
Оқиб борар ҳаётим...

16.06.2013





МУҲАББАТ

Сен – самовий фаришта,
Мен – ердаги гуноҳкор.
Билмам, бизни бу ришта
Қачон боғлади такрор?
Бахт камлик қилди бизга –
Битмади дил яраси.
Тор бўлди оҳимизга
Еру осмон ораси.
Ер сенга муносибмас –
Ҳар қадамда минг гуноҳ.
Мен кўкка учай десам,
Вужудим зилдай, эвоҳ...
Ночор: “Кетаман”, - дединг,
Бош силкидим: “Борақол”.
Ердан зериккан эдинг,
Кўкка боқардим беҳол.
Икки елканг устида
Олов кўринди шу пайт.
Қанотинг юрагимга
Урилганди қачон, айт!

16.06.2013



ОХУ

Қалбим оху эди, билмай недир банд,
Юрарди тоғма-тоғ, беғам ва озод.
Қай бир овчи қўли ташлади каманд,
Кейин банди этди уни умрбод.

Қалбим – ҳуркак оху, бўйсунмас эди
Таяниб ул нозик оёқларига.
Билмам, ўша овчи нималар деди
Энгашиб охумнинг қулоқларига.

Лаҳза сўнг борарди эргашиб ювош
Ўша ҳуркак оху, вафодор оху!
Итоаткор қулдай кўтармасди бош,
Мен бунга қандоғам чидардим, ёху?

Оҳ уриб чорладим: “Қайт, ортингга қайт”,
Югурдим, унмади бироқ йўлларим.
Кўзида сирли нур порлади шу пайт,
Оху сўйиб қолди овчи қўлларин.






Ўшанда жонимга солиб огриқлар,
Вужудимни янчиб таралди бир сас:
“Муҳаббат дегани қадрсиз эркдир,
Муҳаббат дегани қадрли қафас!”

Энди ўтмишдадир тоғ ва озодлик,
Юракда улардан қолган азиз ёд.
Алам қилар, оҳу йиғисини лек
Сира эшитмади бепарво сайёд.

29.12.2013 йил.





ҚИШ КЕЧАСИ

Аёз яна забтига олди –
Самовотда қотиб қолди Ой.
Юлдузлар ҳам кўздан йўқолди,
Хира булут тўсди ҳойнаҳой.

Замин сирли кўзгудир бу тун,
Синаб кўрсанг бўлар бахтингни.
Унга қараб кўрарсан бутун
Балки синган толеъ тахтини.

Бироқ ҳозир бу муҳим эмас,
Муҳими – шу рангпар гўзаллик.
Ялтираган, улкан муз қафас
Ой қалбига сололмас ҳадик:

Нуркўприкда тушиб самодан
Муз ойнага солганича дарз,
Шу кўзтаниш, шаффоф дунёда
Қорлар узра ёғду тушар рақс.

29.12.2013 йил.



ҚҰШИҚ

Кеча – юлдуз тўла жарангдор қўшиқ,
Мен уни тингладим кўзларим билан.
Кўзларим нурини оҳангга қўшиб
Мунгли бир навони яратди Олам.

Ўттиз олти йилки, тинмас бу наво,
Ўздан ўзга кимса беролмагай дош.
Энг баланд пардага чиққанда гоҳо,
Чап кўксимда кимдир кўтаради бош.

Кеча – зулмат тўла даҳшатли қўшиқ,
Уни кўк яратган, тан олсин энди.
Йўқ, унга умрни бўлмайди қўшиб –
Бундай оғир куйни тинглаб бўлмайди!

8.01.2014 йил.



Кўзларинг ойнадир – қорайтирилган,
Улар ичкарини пинҳон тутади.
Қизиқувчан юрак талпинар экан,
Шу ойнага қараб куним ўтади.

Кўзинг – кеча чўкиб кетган дарёдир,
Тунлардан чўчирман шу сабаб балки?
Ё севги кашф этган сирли дунёдир?
Бу саволга жавоб беролмам, токи

Қаршингга келгуси Қуёш бош эгиб,
Кўзингдан олади зулмат тўрини.
Ёруғ кўзларингни оламга тикиб,
Рангини билгайсан юрак кўрининг...

Ҳозирча...

Ҳозирча кўзларинг – қорамтир ойна,
Улар қалб дунёнгни сақлашади сир.
Ойналаринг қанча қорайтиб олма,
Қалбингни кашф этгум бир кун
барибир...

18.01.2014 йил.





СЕН

Кўзларимда қолган қўшиқ – сен,
Куйлаш учун бўзламоқ керак.
Эртақларда қолган ошиқ – сен,
Сени кўкдан изламоқ керак.

Димоғимга етган ҳаво – сен,
Билмам, қанча бера олгум дош.
Қалб дардига гарчи даво – сен,
Эй, умримни куйдирган Қуёш!

Лаҳза сайин отарсан олов,
Бу оловга лойиқ сув қайда?
Ёниб борар қўлимда ялов,
Ялов тутмоқ энди бефойда.

Сен – қўшиқсан, бўғзимда қолган,
Дилга етмай, беролмасман жон.
Тилагим бор Қодир Худодан:
Жонни куйинг олсин, ёрижон...

18.01.2014 йил.



Ришталарни боғлайди кеча,
Ечилади мудҳиш ғамтугун.
Тириласан яна нур ича
Ёришгайдир руҳинг шу бугун.

Қутулади кўнглинг қафасдан,
Бу тун эркдир унинг матлаби.
Сен бир кеча ҳукм сурарсан
Сеҳрланган малика каби.

Эртага-чи, тугар ҳаммаси,
Эртак мағлуб, малика – қашшоқ.
Вужуд – яна кўнгил қафаси,
Кеча – яна ғамдийда машшоқ.

Оҳанг бағринг этар садпора,
Сўнг бу куйдан қоларсан безиб.
Шу дам... сени қилмай овора
Ришталарни тонг ташлар узиб.

25.01.2014 йил.





ОЙБАРЧИННИНГ ПЕНЕЛОПАГА МАКТУБИ

Пенелопа, сен Барчини Юнонистоннинг,
Муҳаббатинг, нафратингга йўқ сира қиёс.
Эрлар қули бўлганида шухрату шоннинг
Итакани қўриқладинг ботирларга хос.

Эгачим, ҳижрон таъмини айрилган билар,
Тунларимиз сабил қолди, рўзимиз куйди.
Ёвлар элу, ёр номусин талашган маҳал
Бул дўзахга кўз ташлаган кўзимиз куйди.

Ёр келарми, келмасми деб узоқ ўйладинг,
Қалбинг мендек тўлиб кетди ҳислар
жангига.

Мен саҳрога, сен денгизга узоқ бўйладинг,
Оқибатда кўзинг кирмиш денгиз рангига.

Сен чағалай йўлларига тикканингда кўз,
Мен хабарчи ғоз йўлини пойладим такрор.
Минг дардимни бир “биюв”га солса
чанқовуз,
Бир дардингни қирқ оҳангда куйлади
чилтор.





Англадимки, ишқ дегани кулфатдан улги,
Ҳақиқатни англаган дам заминга тушдим.
Телемахинг душманларга бўлганда кулги,
Мен қалтироқ қўлим билан Ёдгорни
кучдим.

Номардлар кўз тикканида марднинг ёрига,
Фалак ҳам тош ёғдирмасмиш ёвнинг
бошидан.

Эл қочса ҳам, ўғил ярар она корига:
Ботир ўғли ботир бўлар бола ёшидан!

Боқсам, оловли денгиздай чайқалар саҳро,
Қисматимнинг уқубатдан каму кўсти йўқ.
Айёрликда тенги йўқмиш Одиссей, аммо
Алпомишнинг билагидан ўзга дўсти йўқ.

Умримизни талади бу хижрон, эгачим,
Кел, энди бахт боғларидан чечак терайлик.
Кел, иккимиз аёл эмас, бўлиб чегачи,
Бир-бировга кўнглимизни бутлаб
берайлик.

Пенелопа, сен Барчини Юнонистоннинг...

22.02.2014 йил.



ЯШИЛ ЕЛКАНЛАР

(туркум)

1

Қўйгил, юрак, қорлар кетган дам
Кўзёш тўкмоқ ахир нимаси?
Кўринмоқда, қарагин сен ҳам –
Дил уфқида умид кемаси.

Йўқ, шамолмас, тўлқиндир асли
Сочларингни чайқатиб ўтган.
Бу баҳордир – тириклик фасли,
Ташрифига безанди олам.

Баҳор, яна келтирдинг хушҳол
Зафарнинг энг улканларини.
Алвон елкан кутгандек Ассол,
Кутдим яшил елканларингни...

2

Ҳаволарда ажиб сезги,
Шамолларда ғалат титроқ.




Дарахтларни яшил севги
Уйғонишга ундар бу чоғ.

Қушчаларнинг сайроғида
Ҳазинлик йўқ, бордир қувонч.
Нур ўйнаган тонг чоғида
Боғ йўлин излар сандувоч.

Самога боқ, топиб роҳлар
Соғинч ила қушлар қайтар.
Улкан гулга дўниб боғлар,
Эртакмонанд тушлар қайтар.

Сўнг софлик кўрсатар кучин –
Юрак – парқу, вужуд енгил.
Дунёга гул сочмоқ учун
Ғулиқаҳқаҳ бўлар кўнгил.

Кўтаргайдир музаффар қалб
Табиатнинг зафар туғин.
Кенгликларда юрар яйраб
Тирикликнинг яшил руҳи.



*Бўёқ қуюлтириб турар рассомлар.
Омон Матжон.*

Баҳор, баҳор... Хушқад мусаввир –
Қўлларида ўйнар мўйқалам.
Бўёқларин қуюлтар бир-бир,
Ранг дарсига шайланди олам.

Изғириндан чўчимас баҳор,
Ахир ёш у, юраги қайноқ.
Ол рангларга қарамас зинҳор,
Танлагани – яшил, мовий, оқ.

Ўйғун этиб асл рангларни
У осмонни чизади аввал.
Тўлқинлардек шошар қўллари,
Укпар булут бўялган маҳал.

Чўққиларга бериб оқ тусин,
Сўнг мовийни олар қўлига.
Югуртирар, жилмайиб юзи
Нимяшилни ирмоқ йўлига.

Адирларга навбат келган чоғ
Рассом бир зум тўхтаб қолади.



Ўйламанг, бу ҳорғинлик, чарчоқ—
У ранг излаб ўйга толади.

Кейин жами иссиқ рангларни
Кафтларига олар тўлдириб.
Баҳор, баҳор, мусаввир баҳор,
Бармоғингни қўйма куйдириб!

4

Ишқ ҳидини таратар олма.
Анна Ахматова

Кўзёш ҳидин таратар ҳижрон,
Бахтдан анқир қувонч ифори.
Ёшлик иси гулдадир, ишон—
Унут бўлмас мудом хумори.

Жим, паришон сураp экан ўй,
Мен ботинмай сўрадим ёрдан:
“Бу нечук ҳол?”
У деди: “Хушбўй
Севги ҳиди келар баҳордан!

Севги ҳидин таратар баҳор,
Димоғингда синаб кўр бир бор”...

5

Кулгу яшар баҳор бағрида:
Март – жилмайиш, апрел – табассум.
У ҳали ёш, у норасида,
Улғайишин кутақол бир зум.

Шунда пари қизлар мисоли
Чунонам тез ўса бошлар у.
Хайрон этар сени камоли –
Чехрасида сеҳрли кулгу.

Гул шаклида улғаяр қувонч,
Март – жилмайиш, табассум – апрел.
Кўрмоқ бўлсанг, дил кўзини оч,
Уни фақат дил кўргуси, дил.

Баҳор ичра пинҳондир кулгу,
Шўх севинчлар сочади тинмай.
Ҳали сени лол этажак у:
Қаҳқаҳага айланади май,
Қаҳқаҳага айланади май...

6

Сархуш тебранади ҳислар денгизи,
Баҳор бўйларида дунё бўлар маст.



Замин осмонларда сезар-у ўзин,
Яқин келай дея, осмон тушар паст.

Мунглиғ бинафшани йиғлайди қучиб
Қизғалдоқ–нур тўла алвон рангли жом.
Баҳор шарафига, қирларга тушиб
Лола қадаҳида май ичар Ҳайём.

7

Чайқалади ифор денгизи –
Тўлқин узра бир яшил кема.
Унда дарға Қуёшнинг ўзи,
Қаршилашга шошади ҳамма.
Бу кеманинг номидир “Баҳор”,
Бунёд этмиш она Табиат.
Унга чиққан йўловчи такрор
Чиқмоқликни этармиш ният.

Шитоб билан сузиб борар у,
Қараб турсанг, дарахтлар–елкан.
Юракларга тушади ғулу:
Дарға буюк, кема ҳам улкан.

Кема ичра юрар югуриб
Чаққон дастёр – шабада–юнга.



Дарға уни сўзида туриб
Олиб чиқар яп-янги кунга.

Чайқалади ифор денгизи,
Гул денгизи, баҳор денгизи.
Зор дилларга дармон бўлди у,
Кимларгадир армон бўлди у...

8

Дил баҳорга бўлмоқда таслим,
Мағлублигим кулиб олдим тан.
Баҳор ғолиб, лек зафар тугин
Бошим узра даст кўтаргум ман.
Гўзал жангдир баҳор аслида:
Яшил қўшин чекинмас осон.
Ҳар йил шу пайт, севги фаслидан
Енгилишни соғинар инсон.

16-22.03.2014 йил





ҲОВУЗ ВА МАЖНУНТОЛ

Ҳовуз – паҳлавоннинг ҳовучи,
Унда сочин чаяр мажнунтол.
Кафтигача етиб соч учи
Ботир қалби титранар хушҳол.

Гўзалликка матонат паноҳ,
Гувоҳ бўлар макон ва замон:
Шу мажнунтол қуригунча то
Ҳовучини тортмас паҳлавон.

22.03.2014 йил



ШОИРА ВА ТУН

Нимхира ёруғлик таратади шаъм,
Соялар рақсига саҳнадир гилам.

Дераза ортида сирли овозлар,
Хона ичра шеърлар, тўзган қоғозлар.

Ташқарида шамол юрагин тиғлар,
Девор изтиробдан юборар йиғлаб.

Шаъм хира ёруғлик сочганча бу он,
Интизор кутади келишин меҳмон.

Етар сирли меҳмон қадами боққа–
Сиёхтус зулумот чўқар ҳар ёққа.

Зинада сирғалган чоғи бир йўла,
Ўзини кераксиз сезади шуъла.

Хонада жимжитлик, шаъм бўлар адо,
Меҳмон нақ эшикда бўлганда пайдо.

Шамоллар оҳидан киприклари нам,
Тун кириб келмоқда–занжи дувонам.

22.03.2014 йил



ЧИЛТОР

Най эмас у, билгани хазин,
Якранг наво, ярадор вола.
У ёд билар куйнинг минг хилин–
Бахту кулфат унда ҳавола.

Най бир бўзлаб, тинади–қайтар,
Бир жон ғамин куйлагай такрор.
Қирқ жонининг дардидан айтар:
Аёл қалби чилтордир, чилтор!

Тирикликнинг шўр дамларида
Чалар, қўли тор-ла бирлашиб.
Воҳ, тингласанг, оҳанглариға
Қирқ жон ғами кетмиш чирмашиб.

Тингла – фақат бера олсанг дош,
Ул ҳавойи, эртак эмасдир.
Қирқ жонининг дардига дарддош
Бўлолмаган эркак эмасдир!

16.03.2014 йил



ЭСКИ ДАФТАР

Бахтиёр эдим мен: кулгуларим шўх
Ва бегона эди қалбимга дардлар.
Ногаҳон юракка санчган каби ўқ,
Рўпарамдан чиқди кундалик дафтар.

Ўтган кунлар ёди келди қошимга
Маҳшарда марҳумлар ростлагандай қад.
Мен эса... шу сиймо ва шу ёшимда
Ёдмас, унутишни истайман фақат.

Нетайки, шафқатсиз фурсат шамоли
Аёвсиз титади умрим дафтарин.
Ногоҳ, кул яширган чўғлар мисоли
Фош бўлиб қолади маҳзун қайдларим...

Йўқ, мен хотиротга бўлмасман таслим—
Ожизман ўзимни енга олмасам!
Дафтарга тикилиб совуққон ва жим
Сўнг бор муқовадан олгайман бўса.

Таскин истамасман, чорламагин, бас,
Дилга ғулу солар ҳар қандай овоз.
Йўқ, бу ёнаётган юрагим эмас,
Дафтаримни ўтга ташладим холос.

23.03.2014 йил



ҲАР КҮНГИ ЭРТАК

Ёвқур эмас, ношуддир бу кас,
Тулпор эмас, қирчанғи оти.
Мажбурият совутин бир пас
Кийиб, ўзин сезади ботир.

Сермар ҳаёт қамчисин, хуркар
От, сўнг елар учиб кетгудек.
Рўзғор – аждар. Оғзи ўт пуркар
Қозон қайнатишга етгулик.

Қозон қайнар, кўнгил совийди,
От ҳорийди, толар чавандоз.
Умр – кўрпа, армон қавийди,
Бармоғига игна санчиб боз.

Туғаб қолар эртақ авжида,
Эркақ боқмас ҳамон ботиниб:
Турмуш деган ғорнинг оғзида
Маликамас, турар хотини.

12.04.2014 йил





“ИЛИАДА” ОҲАНГЛАРИ

(туркум)

Ҳомер, чиндан сўқир экансан...
Марина Цветаева

1. МУҚАДДИМА

Чақмоқ. Осмон овоз берди: “Ҳей!”
Оғриб кетди тоғнинг тизлари.
Тўлқинланар муаззам Эгей–
Соч ювмоқда Нерей қизлари.

Тақдирлардан тузади шатранж,
Сўнг тош сураар Зевс аёвсиз.
Ҳар юришда қувонч ёки ранж:
Кўп умрлар кетмоқда эссиз...

Силкинади Олимп шу лаҳза,
Елкасида урушлар юки.
Музаларнинг давраси ичра
Ўлтиради Ҳомер қўр тўкиб.





Бир ён севги, бир томонда рашк,
Бир ён гулшан, бир томон олов.
Бир ён кулгу, бир томонда ашк,
Дил ёнади кўзларда лов-лов.

Уруш, фироқ топарми барҳам?
Чувалади ўйлар, хаёллар.
Жуда қизиқ: икки ёнда ҳам
Кўзёш тўкар фақат аёллар.

Сув тубида портлайди бир сир,
Қўл чўзади тўлқин қирғоққа.
Денгиз бефарқ, унга барибир:
Пари қизлар сочин ювмоқда.

2.ИФЕГЕНИЯ

Ифегенияман, дунё – Авлидам,
Мендан лаҳза сайин тилар қурбонлик.
Қулаб тушгудайин маъбад лабида
Муаллақ тураман – ётдир инсонлик.

Орадан неча минг йил ўтди, мана
Хануз итоатда, ҳали ҳам жимман.
Урушлар тугади, сўнди тантана...
Мен ҳам ҳукмига ҳамон таслимман.





Ботирлар мен ҳақда “ух” ла эслагай
Қисматим рамзидир – сабот ва чидам.
Оҳ, менга барибир, ким не ўйлагай,
Ифегенияман, дунё – Авлидам...

3.ПАРИС

Қулоғимда қиличлар саси:
Жангчи эмас, мени ошиқ денг.
Еленанинг битта бўсаси
Юз мамлакат божи билан тенг.

Ботир эдим мен ҳам, шунчаки
Шондан йироқ эди хаёлим.
Кўнгил берди менга ҳаттоки
Заминнинг энг гўзал аёли.

Афродита, нурли бармоғинг
Дилга севги жойлагани пайт,
Чуқур ўйлаб, қайтиб олмоғинг
Оҳ, шунчалар қийинмиди, айт?

Лойиқмасдим отам тожига,
Ғуноҳга сарф ҳамма фурсатим.
Лекин севгим халқим бошига
Етишини ўйламагандим.



Қулоғимда ибодат саси,
“Жангчи эмас, ошиқ ўлди” денг.
Еленанинг битта бўсаси
Бир мамлакат хуни билан тенг.

4.ПРИАМ

Вайрон бўлди буюк Троя,
Авлодлардан мерос гул шаҳар.
Этолмадим уни ҳимоя,
Заҳар беринг шу тобда, заҳар!

Тожу тахтга ҳеч ачинмайман,
Нима бўпти салтанат, шоҳлик?
Келажакка қандай сўзлайман,
Огир ахир, бундай гувоҳлик...

Эллик қизим, эллик ўғлоним
Бор эди-я, бари навқирон.
Қандоқ айтай, бари полвоним
Бирин-кетин берганини жон?

Ёв кўзига қон тўлмиш мангу:
Бирин ухлоқ жойида сўйди.
Бирин жангда шаҳид этди-ю,
Бирисин нақ пойимда сўйди.





Кўз олдимда муаззам олов,
Гулханинг ҳам гўзал, Троя!
Ночор қўлга тутиб мен ялов
Сени сўнг бор этгум ҳимоя.

Чолни писанд қилмаган душман
Бир зарбага жойлаб кучини,
Ўғлонининг севгиси учун
Отасидан олар ўчини.

Йўқ, Парисни ёзғирмагайман:
Бари гуноҳ менда, ўзимда.
“Завол билмас” дея куйланган
Деворларинг қолар кўзимда.

5. СЕВГИ ҚИСМАТИ

Севги маъбудаси – шўҳ Афродита
Денгиз кўпигидан яралган эмиш.
Азал тўлқинлари қирғоққа элтар
Пайти, бир лаҳзада туғилган эмиш.

Балки шу сабабдан севгида жамдир
Бўрон ваҳимаси, тўлқин қудрати,
Ростин айтай, бу ҳам аслида камдир,
Гирдоблардан бордир дўсту уфати.





Балки шунинг учун рашк тўлқинидан
Денгиздек қирғоққа отилар юрак.
Гоҳ меҳрнинг нафис бир ёлқинидан
Ёришади, бахтдан олгандай дарак.

Аммо унутилар оний суронлар,
Гарчи аламлидир, ўтажак, ишон.
Тўлқинлар тинчийди, тинар бўронлар
Ва сирли кўпикдан қолмагай нишон.

6.СТИКС

Ботирларга она бўлмоқ ҳам
Мушкул эмиш азал-азалдан.
Фарзанд кетса, онага мотам,
Ҳеч бир нарса бўлмагай далда

Ва оғирдир фарзанд қисматин
Билса, гўдак туғилмай ҳали.
Унга тикиб шаъни, исматин
Меҳр билан боққан маҳали

Бош кўтармиш умид қалбида...
Туғилмасдан тақдири аён
Ахиллесни она Фетида
Элтган эмиш Стикс томон.



Кейин буюк дарё сувиға
Чайган эмиш жигаргўшасин,
То метинга тани ўхшасин
Ва ўқ ўтмас бўлсин бадани.

Аммо шошиб қолмиш Фетида,
Ёнар экан алам ўтида,
Товонидан ушлаб ўғлини
Ўзи қисқа этмиш умрини.

Товонига сув тегмабди, бу
Атай эмас, шунчаки қисмат.
Инсон мангу яшамайди-ку,
Ахиллес ҳам инсондир албат...

Гоҳи тунлар тушимда мен ҳам
Стиксни излайман, бироқ
Вужудимда дарёга интиқ
Бир макон бор, ҳаммадан кўпроқ –

Мен юракни чаяман унга,
Бари ошкор, пинҳон сирым йўқ.
Тош, метинга айланса гар у,
Ночор қолар севги деган чўғ.





7. АХИЛЛЕС

(Достонга киритилмаган қўшиқ)

Шон-шарафдир менинг қисматим
Ва тож киймоқ ўлим қўлидан.
Нетай, тақдир музаффар, қадим –
Бари бекор унинг йўлида.

Кўп ботирлар таслим этди жон
Қўлларимда, эслолмам барин.
Тушларимда кўрарман мудом
Троянинг ботир эрларин.

Ана Ҳектор! Девор устидан
Мағрур қараб турибди менга.
Анов Парис – севги дастидан
Жанг чиқишин билмаган банда.

Анависи – Приам, дунёнинг
Энг омадсиз, энг бахтсиз шоҳи.
(Англагандим, ўғли жасадин
Сўраб, менга тиз тиз чўккан чоғи)

Зафар қучдим жангларда такрор:
Пайдо бўлди боқий қўшиқлар.





Аммо дилда пушаймоним бор:
Найзамдан жон берди ошиқлар.

Нетай, шонни аёлдан кўпроқ
Севар эдим, талпиндим унга.
Тўғрилармиш букрини тупроқ:
Энди қалбим очаман тунга.

Оҳ, аёллар бўзлашар бунча...
Рўпарамда видо доवони.
“Аёл” деса, қиёматгача
Сирқирайди энди товоним.

8. СЎНГГИ ЙИГИ

Жон олиб, жон берар Ахейлар,
Гўдаклар – қул, аёллар – чўри.
Ердан кўкка ўрлайди “оҳ”лар,
Рашк уруши – жангнинг энг зўри.

Денгизларда сувмас, оқар қон,
Куюк ҳиди анқир ҳавода.
Аёлларга зар, эрларга – шон.
(Керакмасми сизга мабодо?)



Бир уюм кул – шаҳардан нишон,
Маъбадларнинг ўрни харобот.
Зўр ботирлар ўлар бенишон,
Абадият йиғлар солиб дод.

Ёв дийдаси қотган урушда,
Эритолмас уни нолалар:
Айланамиз деб озод қушга
Деворлардан сакрар болалар.

Юзин юлар гўзал Елена –
Парис ўлди – энди барибир.
Сўқир кўзин юммасдан, яна
Қўшиқ тўқиб ўлтирар Хомер.

12.04.2014 йил





ҚАЛАМНИНГ ШОИРГА ДЕГАНИ

*Айлона-айлона алингга тушди.
И.Мирзо*

Мен ҳам қамиш эдим – шовуллаб ётган
Амр бўлди, умр йўлингга тушдим.
Азал – шамол, ҳар ён отгани-отган,
Айлана-айлана қўлингга тушдим.

Узун кечаларда йиғларди дунё
Говак вужудимни тўлдириб ғамга.
Кундуз кўкда қуёш таратса зиё,
Сиғмайлар кетардим ёруғ оламга.

Йиғиларим сенга келмасин малол,
Улар қисматимнинг оддий арзидир.
Ғаминг вужудимга сиғар бемалол,
Бу асли қаламнинг яшаш тарзидир.



Гоҳо жаҳл билан уриб столга,
Дилингда не истак, олмайсан англаб.
Шоирим, сўзимни олма малолга,
Бир зум қалбингдаги қамишни тингла!

У асл ватанни куйлайди инграб,
Қаршингда очилар янги бир дунё.
Шоирим, улгургин дардимни англаб,
Мен ўша ватанга қайтгунимча то!

08.06.2014 йил





ЭГИЛМАГАН БОШ

– Эгилган бошларни қилич кесмайди,
Эгилган дилларга хавф солмас ўлим.
– Эгилган дилларда умид ўсмайди,
Бош эгилса, ҳаёт ҳаётми, гулим?

– Сукутда қолмишлар валийлар ҳатто
Қилич келган чоғи азиз бошига.
– Асл ботир учун титрамоқ хато
Ўлим акси тушган тифнинг қошида.

– Наҳотки, бахтдан ҳам афзал ғурур, ўч,
Энди буёгига етмагай бардош...
– Эгилган бошларни унутар қилич,
Мангу ёдда қолар эгилмаган бош!

24.06.2014 йил





ҚОР ГУЛЛАРИ

Аёз тўла қиш қучоғида.
Хатто ранглар замҳарирга хос:
Яратганнинг осма боғида
Қор гуллари очилди қийғос.

Гўё кумуш кукуни каби
Жилва билан ёғилади қор.
Учқунлари – миллиард гул барги,
Ёғишида самовий виқор.

Осма боғин силкир Яратган:
Кўринмайди яқин-йироқлар.
Қор гуллари таскин таратгай:
Унут бўлар қайғу, фироқлар.

Замин – сават, оқ гулга тўла,
Олса бўлар кафтни тўлдириб.
Одам, қўлинг тортгин, бир йўла
Гўзалликни қўйма ўлдириб!

24.06.2014 йил





ҲАҚ ЧОЛҒУСИ

А.Н.га

Кўнгил – Ҳақнинг чолғуси, дўстим,
Бир куйласа, тинмас, огоҳ бўл.
Сен ғурурдан осмондек ўсдинг –
Сен чолғуга узатяпсан қўл!

Алмисоқда кўрувдим сени,
Рухлар аро турардинг гирён.
Ҳақ торидан истайсан нени,
Нега бугун севгинг беомон?

Кўнгил – Ҳақнинг чолғуси, дўстим,
Ўз куйидан тўлган, кемтилган.
Инсон борки, чўзади дастин,
Инсон борки, унга интилган...

Шундан “оҳ”га тўлгандир очун,
Шундан ойнинг ўн беши қаро.



Ҳақ чолғусин асрамоқ учун
Йўл излайман туманлар аро.

У куйласа – тингламоқ азоб,
У йиғласа – бўлмас тиндириб.
Ҳаққа қандай айтарсан жавоб,
Чолғусини қўйсанг синдириб?!

Кўнгил – Ҳақнинг чолғуси, дўстим...

30.07.2014 йил





ҚАЛБИНГГА ТАЪРИФ

Қалбинг тош асри ё музлик давридан...
Эрита олмайди оташ, на меҳр.
Қаҳринг туша олмас бир зум ҳовридан,
Сенга кор қилмагай на афсун, сеҳр.

Гиёҳга жон битса, ёрилар харсанг,
Музга амр етса, йўл чизади сув.
Бугун ўт дилимни дуд қилди ғуссанг,
Ҳаётимга кириб келди ёт ғулу.

Қалбинг – тош асридан мерос қолган
тош,
Сувга отсам чўкмас, ёнмайди ўтда.
Унга тегиб, кўп бор ёрилганди бош,
Шунданми ҳаётим турар сукутда.

Қалбинг тош асри ё музлик давридан –
Кор қилмагай унга на қувонч, на ғам.
Дадил бош кўтариб метин бағридан,
Илдам кетмоқдаман оғир бўлса ҳам.

30.07.2014 йил



СУНБУЛА

Шафақ фонуслари қизғиш, оловли,
Каштага тикилган гуллардай алвон –
Шуълалар рақсига тўлганда ҳовли,
Бир четда ўксиниб ётади нарвон.

Сўзсиз кузатасан боғдан нарини –
Шом ичра сирғалар арикдаги сув.
Қўшни боғнинг холдор олмаларини
Шошганча қайгадир элтиб борар у.

Қизғиш сояларни йиғиб олар тун,
Янада сулувроқ кўринар моҳтоб.
Қалбингни – ғалаён, дунёни – суқун
Эгаллаб олгандек туюлар шу тоб.

Осмон – юлдуз оққан тимқора дарё,
Бундай гўзалликдан дилда ғулғула.
Бағрингни каттароқ очиб қўй, Дунё,
Унга қадам қўяр сўлим Сунбула.

01.09.2014 йил





КУЙГАН ҚАНОТЛАР ҲАҚИДА РИВОЯТ

*Мени осмонларга алишмадинг сен.
Усмон Азим.*

Фариштайдинг кўклардан тушган –
Елканг узра оқ, улкан қанот.
Пари эдим орзуни қучган –
Эртак эди мен учун ҳаёт.

Тўзғиб кетди жами эртаклар
Сен қошимда бўлганда пайдо.
Эдим елга дуч келган укпар,
Ер бағридан узилдим гўё.

Замин улкан хобгоҳга дўниб
Сени босди ғафлат уйқуси.
Малак ёдинг бир зумга тиниб
Унутдинг ё осмон қайғусин?..

Ерга тушди самовий кўшиқ –
Чидолмасдан фитна бошладим.
Қанотингни эртакка қўшиб
Тандирдаги ўтга ташладим.





Шунда чўчиб уйғондинг бирдан,
Олов, олов! Хурлик заволи!
Қанотларинг алангасида
Жилва қилди Мажнун жамоли.

Қисматингга секин бердинг тан,
Қолдинг мангу боғланиб ерга.
Тушларимда гоҳо сен билан
Кўкка учгум бахтиёр, бирга.

Бирдан қувонч сўнар кўзингда,
Сўнган қувонч дилни ғашлайди.
Хеч сабабсиз, шундоқ, ўз-ўздан
Қанотларинг ёна бошлайди.

Тушми ё ўнг, билмайман рости,
Ё бу қадим ҳислар уволи:
Аланганинг қоқ ўртасидан
Чиқиб келар Мажнун жамоли...

Рўзинг узун, кечанг – бир тутам,
Интилмайсан кўкка қайтишга.
Қанотлари ёқилган елканг
Кўниккандир ўтин ортишга.

01.09.2014 йил



СЕН ВА ЁМҒИР

Ёмғир ёғар. Том узра қитмир
Бола каби сакрар томчилар.
Ёмғир ёғар. Томчилар ритмин
Тинглаб, ёдим гулдек очилар.

Ёмғир ёғар. Замин олар тин –
Ўйламасдан меҳнат дарсини.
Кўз олдимга келтираман жим
Штрауснинг шўхчан вальсини.

Хўл бўлади пичан ғарами,
Теваракни тутар ёз иси.
Хув теракзор – ҳислар ҳарами,
Ювилади изҳорлар изи.

Босилади йўлларда ғубор,
Мажнунтоллар қарайди ўксиб.
Чуқур нафас олар тутқатор
Нам ҳавога тўлдириб кўксин.

Сен ойнадан боқасан ғамгин,
Наҳот, софлик етмади санга?
Ёмғир синган ойна кўзидан
Сизиб кира бошлар хонангга.

1.09.2014 йил



ДИЛГА БОРАР ЙЎЛ

Сомон йўли қалбингга элтар,
Бироқ унда адашмоқ осон.
Бахт излаган йўқолар-йитар
Сўнган юлдуз каби бегумон.

Ипак йўли – қалбингга кўприк,
Ҳисларимдан карвон тортаман.
Теваларга мангу айрилиқ
Ва кўз ёшим дурин ортаман.

Сомон йўли – само хилвати,
Жимирлайди сирли ёғдулар.
Ипак йўли – ғариб улфати,
Зарралари – порлоқ инжулар.

Ёр, қалбимни тевага ордим,
Тева чўкиб олди, юрмади.
Икки йўлдан танлаб қай бирин,
Сенга қандай борар – билмадим?

11.11.2014 йил



ҚОР СОҒИНЧИ

Ёстикдан бош кўтаргинг келмас,
Ўзни хаста сезасан пича.
Деразангга қўниб, басма-бас
“Ку-ку” лайди икки мусича.

Январ қорга интиқдир ҳамон,
Қараб қўяр осмонга дилгир.
Кун тафтида исинар осмон:
Унга фарқсиз, унга барибир.

Қўшиқ куйлар икки ҳамроз қуш,
Парда нурни тўсолмас бу дам.
Ёстикдан бош кўтарар хомуш
Қорни қаттиқ соғинган одам.

01.01.2015 йил



ТУН ОСТОНАСИ

Ишқ чок этган миллиард бағир
Қонига ғарқ бўлгандай осмон...
Ҳали кундуз топмади охир,
Нур сўнмаган ҳали батамом.

Ортга қайтар оқшом қушлари –
Ҳаёт қайнар боғларда бир пас.
Бошдан учар куннинг ҳушлари –
Кўринмоқда тоғлар ҳам элас.

Нафас олар ойдинлик сўнг бор,
Ҳаёт тўлиб шаффоф бўғзига.
Сўнг ўзини отар улуғвор
Тун аждарин улкан оғзига.

01.01.2015 йил



ҚОРЛИ ОҚШОМ

Қиш. Кўчада одамлар сийрак.
Кўзларингга урилади қор.
Қор тафтида исинган юрак
Тунд фаслга айтмоқда изҳор.

Тунги шаҳар чироқларида
Кумуш нурлар ўйнарган бу дам,
Кўнгил боғлаб фироқларингга
Кетиб борар бир маъюс одам.

Қиш ялтирар оқшом бағрида,
Тўзғиб кетар ўйлар, ғоялар:
Оқ либосли Замин саҳнида
Жилва қилар митти соялар.

Январ зафар қучар: оғушлаб
Дарахтларни, гўзал ўлдирар.
Кимдир кўкдан ҳовуч-ҳовучлаб
Оқ гулларни сочиб ўлтирар.

02.01.2015 йил





ЁЗ МАНЗАРАСИ

Саратоннинг келгандай авжи:
Қоврилади оташда дунё.
Қаршимиздан оққан сой мавжи
Бу дам бизга туюлгай рўё.

Қоқ тепадан қараб, бизларга
Кун тараркан сирли ёлқинлар,
Сувўтлардан пари қизларга
Кўйлак бичар абжир тўлқинлар.

Кундуз юрар тошлар оралаб –
Товонида қуёш тамғаси.
Шундай пайтда сувга мўралаб
Париларни излаш нимаси?

Кўз тинади ёзнинг исидан,
Чиқиб келар қирғоққа шу он –
Кўйлагини сув парисига
Совға қилган сахий саратон.

02.01.2015 йил





ОДДИЙ ҚЎШИҚ

Висол абад йўлсизми,
Ёрдан келмагай хабар?
Қалбимдаги денгизни
Музлатиб қўйди январ.

Тўлқинларим тўхтади,
Чағалайлар берди жон.
Энди бошимда маним
Қовоғи солиқ осмон.

Тўлқиншакл музларни
Қарс-қурс синдириб шу дам,
Кечиб не денгизларни
Келар мен кутган одам.

03.01.2015 йил



ТАҚҚОСЛАР

Қуёшга интилан куз гулларидай,
Ёмғир кутаётган замин мисоли,
Хайём косасини соғингандек май –
Сени соғинтирар маъшук жамоли.

Ҳаллож “Анақҳақ” деб ичганда қасам,
Ҳавода муаллақ туриб қолмиш дор.
Машраб ноласига чидаёлмасдан
Учга бўлинганмиш жигархун сетор.

Найистон аҳлини йиғади Румий:
Бири кулоҳ кийган, бирида жанда.
Аларга умидвор тикилмагин, ҳей,
Биби Робиянинг рўмоли манда.

Қуёшга қўл чўзар чечаклар хушҳол,
Заминга ошиқар ҳаёт ёмғири.
Бу – мангу айрилиқ, абадий висол,
Илло муҳаббатнинг йўқдир охири!

03.01.2015 йил





СОЯ

Сен йўқ эдинг. Эшикдан кириб
Келди Ғамнинг кулранг сояси.
О, йўқ эди бунда сир, фириб,
Тинган эди бахтнинг ҳам саси.

Қафасига ўрганган қушдек
Унга боқдим умидвор, сокин.
Нигоҳимда йўқ эди ҳадик,
Қалбим титраб турарди лекин...

Ярим кеча қайтдинг кайфнинг чоғ
Сўзлаганча ёлғон-ростингни.
Кўзларингда сузарди чарчоғ...
Сен кўрмадинг янги дўстимни!

Мен унга “қол” демовдим, ишон,
Нега ҳануз кетмайди, билмам?
Ўртамизда ўшандан буён
Яшаётир кулранг соя – Ғам.

10.01.2015 йил



КЛЕОПАТРА

Зафар қучган рақибим узоқ
Нишонларкан шоҳликни, шонни,
Мен жонимга қўйганча тузоқ
Нақ кўксимга босдим илонни.

Тахт, гўзаллик, ҳашамат бир он
Кетмас эди пойимдан маним.
Фақат тақдир гоҳида ғирром –
Сароб чиқди эришганларим.

Ўйин бўлди менга муҳаббат,
Эрмакладим дилларни кўп бор.
Илон, илон, бизни кутмас вақт,
Чап кўксимга заҳар соч такрор.

Қазо они қалбим тозадир,
Ўлиб бўлди фано қайғуси.
Мағлубият захрин кесадир
Энг заҳарли илон оғуси.

Бокдим эшик очган рақибга:
Кўзларида бир теран ғусса.
Муҳаббатга ташна лабимда
Музлаб борар охирги бўса.

11.01.2015 йил



ОЛМА

*Олмани дунёга отаман тўлиб,
Бормисан, бормисан, бу оламда, ёр?
Шавкат Раҳмон.*

Шафақ – ол қасида. Мовий кўк уни
Ёзмиш одамзотга бағишлаб атай.
Боқ, қуёш қизарар Отам Атонинг
Ҳавога узатган ишқ олмасидай...

Йўқ, уни тутолмас аёл бармоғи,
Ҳаво, қўлларингни куйдириб олма.
Довулга айланиб диллар титроғи
Кўкдан юмалайди сеҳрли олма.

Одам ўкинч билан боқар ёрига –
Мовий кўзларида жаннатий видо.
Парво қилмай сира оҳу зорига
Заминга ҳайдайди уларни Худо.

Самовот қаърида ўшандан буён
Баҳайбат олмадай айланаркан Ер,
Севги олмасига етгани замон
Қўллар сотиб қўяр бизни барибир...

21.01.2015 йил



СУЗАЁТГАН ОЙ

*Ҳалок бўлган ботир қалқони
Мисол кўкда сузар тўлин ой.*

Николай Гумилёв

Қишда уйғоқ қолган айиқдай
Бесаранжом кезинар кеча,
Ой сузади кумуш қайиқда
Ошиқларнинг хаёлин ича.

Осмон йиғар булутдан қўшин,
Чорлов каби ёнади чақмоқ.
Ой тарк этмай кумуш қайиғин
Нурин тарар: мовий, сарғиш, оқ.

Чақмоқ ёнар яна дарғазаб –
Бирлашгандай миллион кўзлар.
Шоҳ қаҳридан қўрққан канизак
Каби титраб турар юлдузлар.



Ноз қилади Ой, нимасига?
Булут уни қўймагай холи –
Еленани ўз кемасига
Чорлаётган Парис мисоли.

26.02.2015 йил





ЎЗНИ ТАНИШ

*Бир олма киби гумбади мину била ўйнар.
Навоий*

Бир сиқим тупроқнинг бунёди менман,
Жаннат дарахтининг фарёди менман.

Руҳимнинг унсури гоҳ оташ, гоҳ сув,
У оқизган олма – гумбази мину.

Сертомир қўлларим – куйган болу пар,
Аждодим эмасми юнонлик Икар?

Булутларга чўпон эмасдир шамол,
У – олам сарҳадин ўлчаган хаёл.

“Денгиз – денгиз” десанг, бўлмасман рози,
У – осмон руҳининг мовий овози.

О, борликда бисёр бундоқ мисоллар,
Ҳаётимда қолмиш фақат тимсоллар.

2.03.2015 йил



ЧОРАСИЗЛИК

Бағримни куйдирар қасос – аланга,
Ғалатдир тупроқнинг ўтда ёниши...
Сира истамовдим, бу тақдир иши,
Қайдан тушиб қолдим мен бу гулханга?

Медея азобин ҳис қилдим бугун –
Алдов аёл зотин қилишин адо.
Бул олов тафтини босолмас нидо,
Яшайман – жонимда оловли тугун.

Дадил кетмоқдасан – бордир асосинг
Сен, ҳаётга ташна одамлар билан.
Сокин ва хушбахтсан, сира йўқ гинам,
Қайдан ҳам билардинг аёл қасосин...

1.04.2015 йил





ШАМОЛ ВА СОЯЛАР

Кеча сояларнинг салтанатидир,
Улар қачонлардир бўлган бадарға.
Таланган жонимда бир аламли сир,
Соядек кираман мен бу оламга.

Бахтнинг ёқимли ва митти сояси
Ортимдан эргашар эрка боламдек.
Қанотли соялар – бойқушлар саси
Бу дам юрагимга сололмас ҳадик.

Манов узун соя йўлбошчи менга,
Билмасман, йўлининг борми адоғи...
Танимай, ҳайрат-ла боқаман унга,
У – менинг эгилмас ғурурим чоғи...

Улкан ва ваҳмали ўчнинг сояси,
У моҳир овчидир – тушган изимга.
Гоҳо эшитилса қадамлар саси
Хавотир соясин солар кўзимга.





Кеча сирдошимдир, ёлгиз қўймагай:
Боғлар соясига чорлайди ҳилол.
Вужудсиз дунёни қучиб тўймагай
Ҳатто сояси ҳам кўринмас шамол.

Менинг-чи ҳавасим келар шамолга,
У озод – ҳеч кимга қолмас боғланиб:
Бир ҳис деб ўзини урмас заволга,
Бир кас деб сояга юрмас айланиб!

...Қўшиғинг тугади, қолдинг-ку тиниб,
Сен мени англадинг, шамол, афтидан:
Кўринмас қўлинг-ла ташла сидириб
Севги соясини юрак сатҳидан.

1.04.2015 йил.





ХАЙРЛАШУВ ОЛДИДАН

Сен умримга гул эмас, кўтариб кирдинг
ОЛОВ,
Шунданми шеърларимдан куюк ҳиди
анқийди.
Аввал бошда лаҳзалар, сўнг кунлар ёнди
ЛОВ-ЛОВ,
Бу гулханни кўз ёшлар ўчиролса қанийди.

Сен умримга олов-ла кириб келдинг, гул
эмас,
Ўт-оташни оралаб юрибман шундан буён.
Олов кўкка ўрласа – қаҳ-қаҳ отдим басма-
бас:
Куйган товонларимга ўзга манзил йўқ, аён!

Пушаймондан наф йўқдир, қанча ёниб
қуйламай,
Рости гап, бу оловни гуриллатган мен ўзим.





Қўшдим юрак қўримни бирор лаҳза
ўйламай,
Ўтга тушган хазондек жизғанақ бўлди
рўзим.

Ҳар тонг ўзни Қақнусдек қайтадан этгум
бунёд,
Ҳар бир кунимнинг бордир ўз гулхани –
олови.
Ўтинлари жаннатнинг боғидан, лек минг
фарёд
Дўзах тандирларидан олингандир қалови...

Сен умримга гул эмас, олов кўтариб
кирдинг...

04.04.2015 йил.





ГИРЯ

Андухнинг илдизи жонимда маним,
Қобилнинг гуноҳи қонимда маним,
Ёр, исминг дил отли қонимда маним,
Сен менга боқмайин ўтсанг, на илож?

Қонимни қорайтди жаннат соғинчи,
Румий топиб берган найдир овунчим,
Лекин қўлга олсам – қолмагай тинчим,
Ношуд созандангдан кечсанг, на илож?

Гулман – кўз ёшимни гулоб дегайлар,
Азалдан ишқ аҳлин хароб дегайлар,
Саҳронгда кўринсам – сароб дегайлар,
Ташналар интилган рудсан*, на илож?

Осийман, бир бўлди икки дунёйим,
Ўзингга, ўзимга аён савдойим,
Бариға қўл силтар чоғда, Худойим...
Рухим илдизидан тутсанг, на илож?





Сени ўйга солмас аёл қисмати –
Ҳаво гуноҳининг ҳалол қисмати.
Ул – ўт-ла ўйнашган шамол қисмати!
Ёр, рўзи маҳшарда кутсанг, на илож?
Васлингга етолмай ўтсам, на илож?

04.04.2015 йил.

**руд-анҳор*





ГЛАДИАТОР

*Ғам ёр бўлар фақат мардларга,
Улар ғамни кўрмаслар баҳам...
Хушид Даврон.*

Менга синган қилич беришди,
Ёв қиличи асил пўлатдан.
Совутим занг, қалқоним тешик –
Ёв дубулға кияр уятдан.

Сўнг қаҳр-ла келар ортимдан,
Икки йўлбарс тўсади йўлим.
Лекин кўрқмам энди ҳеч кимдан:
Энг муносиб рақибим – Ўлим.

Қарагаймиз бир-бировга тик,
Сиримизни билмайди ҳеч ким.
Ёв бир гулга кўнгил бермиш, лек
Ул гул қалби – дахлсиз мулким.

Азал шундоқ: ўлмаган қулга
Тақдир ногоҳ боқармиш кулиб:
Киран бўлсанг бир мағрур дилга
Тарк этмассан ҳаттоки ўлиб!



...Бир зарбадан синар қиличим,
Икки йўлбарс олар оёқдан.
Билагимга жамланар кучим,
Шу пайт ёрим юрар қаёқда?!

Кўкрагимга қилич санчилар,
Севги учун жон бермоқ – роҳат.
Бу туйғудан бехос очилар
Кўксимдаги эски жароҳат.

Қузғунлар чарх уриб бошимда,
Кўзларимда нур сўнар маҳал.
Пайдо бўлар бирдан қошимда
Ботирларга шон берган ажал.

Дер: “Жангларни кузатдим кўп бор
Ва кўпларни олдим бўғзидан.
Номардларга боқмадим зинҳор,
Оҳ чиқмади мардлар оғзидан.

Шараф тожи менинг қўлимда –
Ололмайди ҳеч ким ўғирлаб.
Сен исмингни мозий бағрига
Қонинг билан қўйгунг муҳрлаб”.



Ажал кўли ошиқ жонимни
Олар экан секин, беозор,
Йўлига жон тиккан ёримни
Ғоят кўргим келар, сўнгги бор...

Ёв телбавор кулган чогида
Музлаб борар вужудим – борим.
Чамбар ясаб дафна шохидан
Наҳот, яна кеч қолди ёрим?!

20.08.2015 йил





АСАД

Бу ғалати арслон ўлжа пойламас,
Дилга ваҳм солмас юрса-да озод.
Кунлар ҳаётига қилгандайин қасд
Теваракка ғамгин боқар бу жонзот.

Ёз адоғи. Барглар сарғара бошлар,
Сунбула сувлари – сеҳрли ойна.
Фақат бир ваҳима юракни ғашлар:
Қай дарахт ортида хазонрез пойлар?

Наҳот, бу арслоннинг емиши фараҳ –
Тўлишган боғлардан узмас нигоҳин.
Ўз ўйига ўзи бўлган каби ғарқ
Сезмасдан қолса-я хазон сипоҳин...

Ногоҳ кўрқувимни лаҳзага ўраб
Шафқатим ўргилар ваҳший жонидан.
Тақдирдан оний бир эврилиш сўраб,
Кийикка айланиб ўтгум ёнидан!

Сезмагай ҳатто тик боққаним замон,
Қилт этмас бу мағрур, тирик қасида.
Наҳот, шундай сокин, ҳайбатли арслон
Чорасиз турибди куз ёқасида?

20.08.2015 йил



ЧИҒАНОҚ

Вужуд – денгиз. Мен ундан
Топиб олдим чиғаноқ.
Ғалат қувончим шундан,
Яширай уни қандоқ?

Билмадим тингласам-да,
Не гавҳар бор бағрида?
Куйлади сайёҳлар... ва
Сув парилар ҳақида.

Гарчи бундан йўқ маъно,
У менга кўп керакдир.
Топганим, ўша танҳо
Чиғаноғим юракдир.

16.06.2013 йил



ЯШИЛ ПЕЧАКГУЛЛАР

Яшил печакгуллар
Ҳовли деворига
Ислимий нақшини
Чизди ёз бўйи.
(Ёз бўйи битмади
бу нафис ижод.)
Тўқсон кун шамолнинг
тўзғиди ўйи,
(Тўқсон кун ҳовлидан
чиқмади.)
– Наҳот?

Яшил печакгуллар,
Нозик рассомлар –
Ки ҳар япроғидан
Таралади ноз,
Кузак шаробига
Тўлганда жомлар





Рух ичра янграйди
Таниш бир овоз:
– Эссиз, печакгуллар...

Юксакка талпинар
Тинмайин бир зум –
Дилшакл барглари
Сиғмас оламга.
Оҳ, топган исмимдан
Ҳайронман ўзим:
Улар гулмас энди –
Нақши аланга!

3.11.2015





ВИДО ШАРОБИ

Куз соқийси қуяр қаҳрабо майин,
Энди сархушликдан ўлмоғим тайин.

Бул майда пинҳондир шамол кулгуси,
Япроқ изтироби, шафақ ёғдуси,

Унга таъм бергандир қуёшни сева –
Қўл етмас шохларда йиғлаган мева,

Жавобсиз ишқ заҳри, ҳижрон гулоби,
Бул оддий май эмас, видо шароби!

3.11.2015



КУЗАК ДАРЁСИ

Кузак дарёсида барг оқар лим-лим,
Сўнгги барг мисоли сирқарар кўнглим.

Кузак дарёсида кўринмас кема,
(Айт, зўр дарғамидинг?
Қўй, ишинг нима?)

Икки соҳилида тизилиб ҳайрон
Ошиқлар туришар – ёқаси вайрон.

Нигоҳлар гаплашар:
– Қайтгум кутолсанг.
– Кузак дарёсидан омон ўтолсанг!

3.11.2015



УЛАР СЕНИНГ ҚУШЛАРИНГ ЭДИ

Улар сенинг қушларинг эди,
Кафтларингдан ейишарди дон.
Сен умримни тарк этган куни
Озод қилдим уларни, ишон.

Улар эди сенинг қушларинг:
Бир оз кибор, бир оз бевафо.
Қолганда ҳам, қасосинг учун
Мен уларни қилардим адо!

Сен солгансан асли шу кўйга:
Севишади бермоқни озор.
Бугун қайтиб келишди уйга
Юрагимга тиғ уриб такрор.

Гарчи Морзе алифбосидан
Хабарим йўқ, олмаганман ёд.
Қуш тилида менинг устимдан
Кулишарди, солай дедим дод.

Сўнгра тўрни ташладим шитоб,
Қасос охир кўрсатди кучин.
Энди улар беради жавоб
Соҳибининг гуноҳи учун.

3.11.2015



ЭТЮД

Оқшом кўйлагининг баридан тутиб,
Дарахтнинг қўллари совқотди пича.
Қуёш ботганини тамом унутиб
Бўғотда қунишди икки мусича.

Сўнгги япроқлардан либос кийди сой,
Сув қизи безади дурлари билан.
Янги афсонани бошлаб берди Ой –
Шу дурларга тушган нурлари билан.

Юлдузлар – абадий порлоқ хаёллар
Каби жилваланди олис осмонда.
Шафаққа эргашган ошиқ шамоллар
Узоқ қолиб кетди мағриб томонда.

Кейин қиш ҳукмига бўйсуниб алҳол
Тиндилар кўнглимда оққан бахрлар.
Рассом бўёқ тортган манзара мисол
Қабариб келарди тунги шакллар.

14.12.2015



МУҲАББАТНИНГ ТАБИАТИ

У келса – йиғлаб туриб, кулишни
 ўрганасан,
 Баҳорги жилгалардай тўлишни ўрганасан.

Кадамин залворидан қулар тупроқ
кўрғонинг,
Ё бошингга урилар бошингдаги осмонинг.

У келса – капалакдай руҳинг тортади
 Ҳаётинг қўнғил, енгил,
 Кейин нур тезлигида самога учар кўнғил.

Не ҳам қилардинг ахир, Мавло ясаган
найсан,
Шўх-шод навосига, ҳам маҳзунига
чидайсан:

У сенга қанот берар, кўкка учади бирга,
Лек бир кун ногаҳонда бошлаб уради ерга!

14.12.2015



МИТТИ ГУЛМОҲИЛАР

Шимолда куз – сариқ балиқча.

Алёна Ельцова

Митти гулмоҳилар каби ҳавода
Япроқлар сузади – майин, беозор.
Қўлларинг узатма сен ҳам... (мабодо
Бу нафис манзара чекмасин озор)

Кун денгиздир шу тоб – осмони мовий,
Соҳиллари сокин, тинган қушлари.
Унда гуллар мисол – сирли, самовий,
Япроқлар сузмоқда – кузнинг тушлари.

Раққоса мисоли енгил айланар
Митти гулмоҳилар тиниқ ҳавода.
Бор журъатин йиғиб, аста шайланар
Тутиб олмоқ учун шўхчан шабода.

14.12.2015



ТОЙИФА

Меҳрожга насиҳат

Ажаб ишлари бор ўзбекнинг, агар
Овчи отар бўлса бирор бўрини,
Овоза бўлади зумда, одамлар
Уйига келтирар қўйнинг зўрини.

Ким ҳадя беради, ким ёпади тўн,
Милтиққа тикилар кимдир ҳавасманд.
Зулмат ҳаётига чиққан каби Кун,
“Мойидан берарсиз”, дейди бир
дардманд.

Тирноғин беришар тумса хотинга,
Тишлари бешикка бўлади тумор.
Иснод келтирганча инсон отига
Терисин талашар неча харидор.

– Ўғлинг мерган бўлса, – ўйлар халойиқ,
– Фақат бўри бўлса ови – нишони.



Эл ичра яшаса ҳурматга лойиқ,
Эту мойга тўла бўлса қозони.

Шу тўда ичида пайқадим Сени,
Ҳайрат-ла боқардинг бўри лошига.
Ўғлим, яқин борма, ингратиб мени
Қўл урма онангнинг қариндошига!

21.01.2016





ВОРИС

Беш яшар ўғилча жўжа қувганча
Кенг-мўл томорқада обдон югурди.
Биттасини тутиб, қийнади анча,
Сўнг зериккан заҳот бошин суғурди.

Ота ишдан қайтгач, онаси ногоҳ
Шикоят бошлади ўғил устидан:
– Болангизни тергаб қўйинг-да, эвоҳ,
Жўжага ҳам кун йўқ бунинг дастидан.

Муаллим ота-чи, салмоқлаб дегай:
– Одам рад этолмас насли-ю зотин.
Ахир, қўлимиздан нима ҳам келгай,
Жаллод ўтганлар-да бовамиз, хотин!

23.01.2016



ҚУШ ҲАҚИДА УЧ ШЕЪР

*Алвон рангли қушим, тасаввур.
Мирослав Валек*

1.Биз қушмиз, қаноти кўринмас бир қуш,
Дунё тўрларида яшаймиз тутқун.
Гоҳ зангор осмонни кўражакмиз туш,
Мунчоқ кўзимиздан ёш тўкиб беун.
Телба дунё бизни қилганча эрмак
Ип боғлаб учирар оёғимизга.
Қинидан чиққудек потирлар юрак,
Эрк ҳиди урилар димоғимизга.
Дунё, қўйиб юбор асир қушингни,
Қара, хўп толиқмиш бугун, афтидан.
Гарчи беҳолдир у, йиғиб ҳушини
Учмоқ истаётир сўлғин кафтингдан.

2.Бир қуш
Учиб келди –
Қанотлари алвон,
Кўзлари мовий,
Гул бандидек нафис оёқчалари,
Чирқиллай бошлади –
Гўёки ровий



Кўҳна бир эртакни
Сўзлаган каби.
Ўшал дам қаршимда
Титради ҳаво,
Кўзимдан сачради
Шафақранг ёлқин.
Титраган ҳавомас,
Йўқ, йўқ, мутлақо,
У – Нуҳ кемасини
Бошқарган тўлқин.
Юзимни елпиди
Қаноти билан,
Умримда анқиди
Жаннат ҳавоси,
Англадим, бу лаҳза
Хаста умримнинг
Ягона авфидир, танҳо давоси.
Оҳ, алвон қуш,
Осмон соғинчини
Туйдирдинг ёмон,
Энди бу туйғуга нимадир қўш-чи...
Юрак қанотлидир –
Қолдирмай гумон,
Қачон имо қилар
Ул Буюк Қушчи?





3.Тийрамоҳ – афсунгар,
Афсунлари бироз ғалатдир, бироқ –
Заъфар гуллар каби хазонлар сочиб
Ўзи ҳайратланар ҳаммадан кўпроқ.
Тийрамоҳ – афсунгар,
У ошиқ дунёда энг гўзал қизга,
Қиз эса султонга унаштирилган.
Бу ғаройиб ошиқ
Пинҳона бир дунё
Тиклай оларми
Афсунларидан?
Тийрамоҳ – афсунгар.
Гарчи кашфларига етмайди ақли,
Дунё суймас сира афсунгарларни:
Гоҳ сувга отади, гоҳ қалар ўтга –
Ўзгариб туради қатлнинг шакли.
Афсунгар тийрамоҳ,
Келди таёқчангни силкитар палла,
Тўхтаб турсин қушлар галаси.
Дуоларинг айтгин баралла,
Парчалансин кўкрак қафаси –
Унда ҳурлик истаган қуш бор...

03.09.2016 йил





КУЗ ПЕЙЗАЖЛАРИ

(туркум)

1-пейзаж

Ношуд соқий мисол қимтинар кеча,
Армон томчилайди, сипқоради ой.
Сунбула тинмайди заъфар май ича,
Олис қаҳқашонда шафақранг чирой.

Митти қўнғизчалар бол ичмоқда, бол –
Гулхайрининг сўлғин дудоқларидан.
Чирилдоқ изидан эргашган шамол
Маст бўлиб чиқади куз боғларидан.

04.09.2016 йил

2-пейзаж

Тун фонус учирар ёнарқуртлардан,
Кузак қараб қолар гўдак мисоли.
Ердан Самогача – бир неча қадам...
Сенга тақдирнинг ҳам йўқдир саволи.





Фақат келажакнинг мавҳум юки бор,
Некбинлик завқидан сархушсан, бироқ.
Нохуш хаёлларни тўзғитиб такрор
Тун фонус ёқади янада кўпроқ:

Ёнарқуртлар учар қара, сен томон,
Умид шуъла сочар гўё қаршингда.
Ёлғизлик фонусин кўтарган инсон,
Қўлингни бер, тушгил Қайғу аршидан.

Тун сен учун ёқди ёнарқуртларни...

06.09.2016 йил

3-пейзаж

Уфқ ёноғида қадимий ғоза,
Тоғлар елкасида қаймоқланар шом.
Шамол боғ оралаб толиқмиш роса,
Мезон – фасл ичра адашган пайғом.

Хайём косасидек тўлиб борар Ой –
Сунбула шароби бормоқда тиниб.
Осмон – дарвозаси пинҳона сарой,
Биз уни топармиз тақдирга кўниб!



Шамол қўли билан тўкар олмалар –
Куз бугун кўп сахий, куз бугун Ҳотам.
Қушлар галасига маҳзун термулар
Муқимлик юкидан эзилган Одам.

13.09.2016

4-пейзаж

Қорлар ёғди кузак устига,
Тирқиратиб қувди соғларни.
Совуқ, аччиқ шамоллар билан
Аллалади руҳи соғларни.
Ўриндиқда мунғайиб қолди
Узуқ-юлуқ суҳбат, висоллар,
Давомийдир ойна ортидан
Интиқ боққан кўзлар, хаёллар.
Сурур оқар кўчада бир зум:
Югурганда жажжи оёқлар.
Куз ёмғири маккора ва шум
Билар:беркинганинг қаёққа...
Сарғиш, заъфар ранглар боладек
Суқилишар мезон бағрига.
Ҳар япроқда титрар бир ҳадик –
Куз шамоли минса қаҳрига.

18.10.2016 йил




5-пейзаж

*Робита чироқлари қоронғудир...
Фўруз Фаррухзод*

Яна ой чиқади, кумуш толалар
Унуттирар кундуз фироқларини.
Қора кимхоб узра сочганича зар
Тун ёқар робита чироқларини.
Шамол япроқларни кўтариб азот
Сочиб юборганда боғлар бағрига,
Тириклик ёғдусин таратиб бот-бот
Ой таҳсин ўқийди кузнинг сабрига.
Фасл таслим бўлмас аёз, шамолга,
Алам-ла чимчилаб ўтар елвизак.
Бир ташбеҳ келади шунда хаёлга:
“Сен менинг қалбимга ўхшайсан, кузак!”

18.10.2016





ЧИЛЛА

Мен –
Ипак куртиман,
Уйқамоқ тўқидим ўзимга.
Ҳеч кимнинг нигоҳи тушмасин
Юзимга, руҳимга, рўзимга.

Толалар суғурдим оғзимдан,
Чирмасин озурда руҳимни.
Айбдор, ижрочи – ўзимман,
Яратган ёзгандир ҳукмни.

Мен –
Қисмат асири, биламан
Азалдан касбимдур шу юмуш,
Мени бу макондан бир замон
Эврилиш қутқарар, эврилиш!

12.09.2016



СОВУҚҚОН ШЕЪР

Дунё қоясига
Прометейдек
Занжирлаб қўйилган маҳкумдир –
Ҳаёт,
Тирикчилик деган ваҳший бургутлар
Унинг жигарини чўкигай бот-бот.
Зевс бургутига ўхшамас улар –
Оқшом келиб, учиб кетмайди тонгда.
Мудҳиш хаёллар-ла қийнайди тунлар:
Ҳаммаси битилган фармонда.
Ҳеракл, Ахиллес, ҳатто Алпомиш
Енголмас – ки улар қисмат қушлари.
Кейин, бу Тақдирнинг ҳукмидаги иш...
Ҳукм ёдга тушса, учар қушлари.
Кўк яна элчисин йўллар баногоҳ,
У ҳам ўз юмушин кўрмагай баҳам:
Занжирларни узар – кўҳна Ер гувоҳ,
Сўнг олар Ҳаётни, бургутларни ҳам.

12.09.2016





ТАСАВВУР САРҲАДИ

Осиёнинг қадим кенгликларига
Қари аждаҳодай ястанмиш Ҳисор.
Қорайган даралар, дўнгликларида
Уни пойлаётган қанча овчи бор.

Қанча камонлар бор – ўқ отмоққа шай,
Қанча қиличлар бор – тиғдор,
қайралган.

Қанча ботирлар бор – елкадор, башанг,
Аждар ўлдирмоққа гўё яралган.

Минг йилки, тошларни тарошлаб беун
Ганжина излаган жони ҳалаклар,
Жондор терисидан этик киймоқ-чун
Навбатга тизилган тантиқ малаклар.

Чимирилган қошлар, тиржайган юзлар,
Нафсига қул бўлган буюк шўрликлар.
Форларнинг бўғзига сиғмаган бўзлар,
Аждар ҳам чидамас азим хўрликлар.





Ох, шўрлик одамзод, нафсининг қули,
Қани, аждарни ҳам олсанг кишанлаб.
Циркка етакласанг – ўнг келиб йўлинг,
Сени кутар қанча томошаталаб...

Шу онда узилар мудҳиш хаёлим,
Идроким жонланар вақт ўтиб пича:
Улкан аждаҳонинг бели мисоли
Тўлғаниб қўяди Тахтиқорача.

12.09.2016





ГЛОБАЛЛАШУВ

Инсоният кексайиб борар,
Унут бўлар эзгу шевалар,
Ғичирлаган шохларда ўсар
Заҳар эмган тахир мевалар.

Гуноҳ ичган хаста тупроқда
Урчиб борар касал қавмлар.
Дарёларда қон оққан чоғда
Очилгандай эски заҳмлар.

Умнат тўзғир, қораяр қуёш,
Кўринмайди осмон йўллари.
Фитналарга беролмас бардош
Валийларнинг тоза диллари.

Нури қочган кўзлар қувнамас
Кўрған чоғи ёғду рақсини.
Танимайди энди бирор кас
Ойнадаги совуқ аксини.



Шерлар тоғда чўпонлик қилар,
Бургутларга қафас етмайди.
Озод қолган фақат бўрилар,
Лек замонга тиши ўтмайди.

Қисқармоқда кунлар, тобора
Олислашиб осмон роҳлари.
Сезмаяпмиз, бошлади нураб
Одамзотнинг суянч тоғлари.

12.09.2016





БИР ШОИРГА

Эй, шоир, дардларнинг зурёди шоир,
Ҳижронни ҳижжалаб қизармиш кўзинг.
Бирорта байтинг йўқ қувончга доир,
Бир телба топилса – у сенсан, ўзинг!

Кундузни елкалаб тунга чопасан,
Сочилиб қолади вақт парчалари.
Ўйлагин, оромни қайдан топасан,
Бир кун нур сочарми бахт дарчалари?

Унсурунг ҳаводир, билсам-билмасам,
Гоҳо бир оз мақтов кифоядир, бас –
Сурур Буроқида кўкка учасан,
Танга топган кулдай оғзинг ёпилмас.

Тўзгин дафтарларинг ўқирми биров,
Замон дафтаридан ўчмасми номинг?
Бир кун зурёдларга бўлмагайми ғов
Эсланган номингу, кечиккан шонинг?

Сен асли ғуссанинг тўнғич фарзанди,
Бахтнинг асрандиси – ўзинг, огоҳ бўл.
Токи руҳинг озод, эмассан банди,
Тахт сенга интизор – қисматга шох бўл!

13.09.2016



ЖУРЪАТСИЗЛИК

Деразам ортида – ҳислар тўлқини,
Деразам ортида - қорайган маъво.
Деразам ортида – зулмат ёлқини,
Деразам ортида – ғалати дунё.

Деразам ортида – ғамгин боғлар бор,
Деразам ортида – уйқусиз қушлар.
Деразам ортида – тун бор вафодор,
Ундан изн кутар қанотли тушлар.

Деразам ортида – тилсиз тилсимлар,
Деразам ортида – сўзсиз сўроқлар,
Чақмоқ бурдалаган тун чоршафига
Юлдузлар ўлчаган улкан қуроқлар.

Деразам ортида – мажхул дунё бор,
Мен унинг нисбатин англаёлмадим.
Қирқ йил куттириб ҳам, қилмадим

қарор:

Иккиланмай уни танлаёлмадим!

13.09.2016



УМР ТАВСИФИ

Умрим –
Учиб бораётган тош,
Вақт қуюни чиқармас сасин.
Кул қилади урилса, Қуёш,
Хўмраяди Замин дарғаси.

Умрим –
Учиб бораётган тош,
Қай манзилни борар қоралаб.
Ё ҳечлигин этаётир фош –
Учаётган тошлар оралаб?

13.09.2016



ЛАБИРИНТ

Умр лабиринтга ўхшайди жуда –
Бир йўлак якуни – иккинчи йўлак.
Адоғи кўринмас девор ичида
Чиқмоққа йўл истаб, бўласан ҳалак.
Аммо лабиринтни бўлмайди енгиб
Бунда ожиз ҳатто тафаккур кучи.
Метин деворларга беаёв сингиб
Кунларинг гал кутар соврилмоқ учун.
Сўл томонинг девор, ўнг томонинг ҳам,
Оёғинг остида ранго-ранг тошлар.
Ёнгинангда сенга бўлганча ҳамдам
Борар ёрилган ё ҳам бўлган бошлар.
Яралмоқ хаёли, англаш азоби,
Истаклар қутқуси бўлганида жам,
Руҳингда чайқалиб узлат сабоғи,
Унутиб қўясан бунда исминг ҳам...
Тангри ҳар синовдан недир кўзлагай:
Пинҳон тутар эркнинг ложувард йўлин.
Умр – лабиринтдир, узоқ излагай
Йўлакларда сени халоскор Ўлим.

18.10.2016 йил





ТАЛҚИН

Ойпараст сув Ой соясида
Тинглаб ётар Тун фарёдини,
Вакт олади ҳимоясига
Шу лаҳзанинг учқур ёдини.

Сой юзига юлдузлар акси
Тушган чоғи уйқуси қочиб,
Сувпарилар соғиниб рақсин
Сув бетига чиқишар шошиб.

Тун бағрига тиғ урар фусун,
Тўкилади қоп-қора қони.
Жароҳатга Ойни босар Тун
Қийналмасдан сира виждони.

Сувпарилар тинади ногоҳ,
Шу лаҳзада узилар эртак:
Шаксиз, Аёл жинсидандир – Мох
Ва шубҳасиз, Тун эди – Эркак.

23.10.2016 йил



ҚАЙҒУ

Тенгликни қулатди аср совуққон,
Дунё гигантлари тизилди сафга –
Замин неъматларин тугатиб инсон,
Олис сайёрани олар ҳадафга.

Олам жим кузатар Шомнинг шомини,
Нажот кутмай қўяр шўрлик гўдаклар,
Нажот кутмас энди, она сутининг
Таъмини тотмайин ўлган буваклар.

Фарёд-ла алмашар ойдин қўшиқлар –
Малайлар Иблисга қилганда хизмат:
Эзилган қурсоқлар, куйган бешиклар,
Ўқ теккан белларда йиғлайди уммат.

Таланган шаҳарлар, хўрланган ҳурлар,
Кўзга қон тўлдирган мудҳиш лаҳзалар,
Шомни ўғай каби четлаган нурлар,
Юракни иккига бўлган ларзалар.





Дунёнинг ярмида ҳукмрон уйқу,
Ҳеч кимни чўчитмас адолат куни,
Шаҳар номи қолган вайроналар-у
Бепарво топталган гулларнинг хуни.

Энди юракларга солмагай даҳшат
Бетонлар остида ёрилган бошлар,
Учоқлар ўтсалар солишиб ваҳшат,
Умумқабрларда инграйди лошлар.

Ўққа учиб ўлса умматнинг ярми,
Қолган ярмин мағлуб этгуси ҳашам:
Тўплам қилар ноёб машиналарни,
Дунё гўзаллари ҳарамида жам.

Уларга хуш ёқар – ўлжасин тутган
Бургут тумшуғидан сачраган саслар,
Олтин саройларда оёқларига
Мушукдек суйкалиб яшар йўлбарслар...

Олам қалқонига тушаётир дарз,
Кўтарилиб борар бахрлар сатҳи.
Энди елкаларни букчайтирмас қарз,
Унутдир инсонга азалий аҳди.



Шомни ямлаб борар ҳасад олови,
Удир – офат сочган шўрлик Ғазога.
Ўшадир – хотинлар “оҳ” ига бефарқ,
Эрларни йўллаган мудҳиш қазога.

Маъносиз боқишга кўникар кўзлар –
Дунё тўлганида зулмга, додга.
Нафосат жон берган ул мудҳиш маҳал
Қўл силтагинг келар адабиётга.

...Яшил сайёрани юрар айланиб
Миллион йилдирки, Қобил отган ўқ.
Бу ўқ тинар фақат жонга жойланиб,
Кўксин тутиб берар бирорта мард йўқ.

23.10.2016





ЧИСТОН

Сендан сенлик чиқса, мендан –
менлигим,
Ойдин йўл тиласа қисматнинг ўзи.
Висол ва фироқнинг оний тенглигин
Илғамасди ҳатто осмоннинг кўзи.

Аммо, не чора бор? Умр эртакмас,
У – шунчаки умр, бунга кўн, ишон.
Шоирлар айтгандек, дoston ҳам эмас,
Умр деганлари – жавобсиз чистон.

28.10.2016





БИР ТУЙҒУГА БАҒИШЛОВ

Эркингни қайтармоқ фурсати етди,
Шундоқ ҳам қалбимда яшадинг узоқ.
Ришталар мезондек учди-ю – кетди,
Рангинлик ўрнида фақат қора, оқ.

Тош қотиб боради кўнгил негадир,
Ўтинчлар армондир, кўз ёшлар – ҳавас.
Рухни чулғаб олган лоқайдлик надир,
Бу қолип ичида юрган мен эмас!

Гоҳида хотирам тикланар элас,
Лаҳзани ёритар инжа хаёлинг.
Ногоҳ етиб келса, нур бўлар абас –
Ёшлик боғларининг беғам шамоли.

Қафасни кўрган қуш тузоққа тушмас,
Бор, шаффоф дунёлар муштоқ васлингга.
Бу қалб энди сенга муносиб эмас,
Зотан, қайтолмайсан сен ҳам аслингга.

28.10.2016





ЎЗИМГА

Туйсанг – ҳар лаҳзангда
Битта Мўъжиза,
Сен уни жонингда
Асраб яша, суй.
Ўзингни билсанг гар
Ношуд, ожиза –
Шу лаҳзада тинар
Руҳингдаги куй.
Туйсанг – ҳар лаҳзангда
Битта Мўъжиза,
Мўъжизалар ичра
Умрингдир талош,
Тоқатинг тоқ бўлмас
Режалар туза,
Асл афсунгарсан –
Сабрли, юввош.
...Туйма – ҳар лаҳзангда
Битта мўъжиза,
Ожизлик – бебаҳо,
Мўъжиза – текин.
Ҳаёт овозингни
Эшитар зўрға –
Сен ҳануз ҳаққингни
Сўрайсан секин.

28.10.2016



ХРИЗАНТЕМА

Пайдар-пай сўнади
Оқшом нурлари,
Чўккалайсан эркни
Унутган қулдай.
Куйдириб дунёнинг
Жами гулларин,
Тун очила бошлар
Қоп-қора гулдай.
Ифори сезилар
Ойна ортидан,
Шакли сал танишдир,
Айт, исми нима?
Соялар қувлашган
Девор ортида
Очилар баҳайбат
Хризантема.

28.10.2016



АСРОР ДЕНГИЗИ

Нодира Афоқовага

Асрор денгизидай чайқалар кеча,
Дарахтлар силкинар сархуш, телбавор.
Ҳой денгиз, сенга ғарқ бўлганлар неча,
Умрлар қаршингда ҳамиша ночор.

Қоп-қора тўлқинлар ёвдай бешафқат,
Уйларга кираркан бостириб ногоҳ,
Яна эрмаклайди руҳингни қисмат –
Денгизнинг ўзидан сўрайсан паноҳ.

Манзили номаълум – маёқ бўлолмас
Умринг гулханининг ўти, дудлари.
Чексизлик бағрида милтирар маъюс
Юлдузлар – осмоннинг ёнарқуртлари.

Шамол – далли соқий, узатаркан май,
Ўчади ёдингдан софлигу шаънлар,
Изтиробнинг чигал ришталаридай
Чалкашиб кетади меридианлар.

...Нариги қирғоқни ёритар недир,
Ё қанотин тараб, кутмоқда Ҳумой.
Аёл журъатидай бесас, бегидир –
Асрор денгизидан сузиб ўтар Ой.

10.07.2016 йил



ШОИРНИНГ ТҮЙИ

(Пушкин таваллудига)

Эврилиш гоҳида замонга ҳам хос.
Гарчи тирилмоққа фурсат бор ҳали,
Масиҳо нафаси етгандек бехос,
Жонланиб кетади шоир ҳайкали.

Тикилади барча ҳайкалларга хос,
Навниҳоллар билан тўлган майдонга.
Ўйлар: “Мухлисларим эслабди бехос,
Бари келаётир тўғри шу ёнга”...

Жингалаксоч бошин чайқаган маҳал,
Шамол келтиради денгиз сасини.
Бошини ғурур-ла тутган ҳар гўзал
Эслатади унга Натальясини.

Гарчи қалб оловин ўчиролмас май,
Кифтидан ололмас иғволар юкин.
Талотўп замон-ла келиша олмай,
Мунғаяр бир четда кибор Онегин.

Ғуллар сочилади шоир пойига,
Цаънига ёғилар мақтов, олқишлар.
Унга ачингандек боқишар нега
Майдонда тунаган кекса дарвешлар?



Юксак рух эзилар чапак остида –
Шоир шуҳратини кўришар баҳам.
Севги кўтарилган Замин устида
Пайдо бўлар ногоҳ Татьяналар ҳам.

Оёқлар остида хун тусли гилам,
Чекинар Заминдан озурда ҳислар.
Кўзларини намлаб тупуги билан
Минбарга чиқади янги дантеслар.

7.06.2016





КУРАШ

Ҳаёт ов аслида, овчи-ю ўлжа
Ёнма-ён: ким қочар, кимдир қувлайди.
Бири минг ҳадик-ла чимдиса майса,
Бири тоқат билан уни пойлайди.

Бири кўкда учар насиба излаб,
Бири унга боқиб лабини ялар.
Бири уюрини изласа бўзлаб,
Ортидан йўл солар яна бошқалар.

Магар овчи бўлсанг, шуни уқиб ол:
Таъқиб ожизни ҳам тўйдиранг жондан.
Шунча кутганларинг бўлади увол –
Ҳужум қилар сенга мавҳум томондан.

6.06.2016



ЁМҒИРЛИ ПЕЙЗАЖ

Чиғанок хўплайди найсон томчисин,
Боғлар соясидан Ой берар садо.
Борлиққа таралиб денгизлар иси,
Хўрсиниб қўяди ёмғирли дунё.

Томчилар ҳалқобга отилар хуррам,
Орзиқиб термилар адашган бахтлар,
Содик мулозимдек бошин қилиб хам,
Фармойиш кутади ботир дарахтлар.

Бўм-бўш уяларга ҳайрон боқар тун –
Хўл бўлган қанотлар ортга қайтмайди.
Деразалар йиғлар одамлар учун,
Уларнинг кўз ёшин ҳеч ким артмайди.

14.05.2016 йил





САРИҚ АТИРГУЛ

Умрингни?
Билмадим,
Кўнглингни асра,
Ҳар недан баланддир
Кўнгил Каъбаси,
Танҳо маёғидан ажралар абад,
Кимсаким,
Йўқолиб қолса қибласи.

Соҳиба эмасман
Умру жонингга,
Билолмам ўйингда
Нелар борлигин,
Тушларимда кўрдим
Пушаймонлар-у
Сўнгсиз ғуссаларга
Сазоворлигинг.

Ошиқлар қалбида
Танҳо қўшиқ бор –
Уни ўзгаларга
Куйлатмагайлар,





Кўнгил ҳарам асли,
Ҳарамга эса
Бегона кимсани
Бўйлатмагайлар.

Қўй, хато демагин
Тақдир ҳукмини,
Сўнгги ришталарни
Кесар нафратинг,
Тушун, айбдормас
Гулноз шаклида
Бир сариқ атиргул
Тутган қисматинг.

14.05.2016 йил





БОЛАЛИК ЁДИ

Дадамга

Саратоннинг узун кундузларида
Тупроқ кўчаларни чангитиб бизлар,
Сўнг ўзни отардик ариқ сувига –
Талашиб толиққан қақажон қизлар.
Қуёшда гуллаган сочларимизни
Шамол тортқиласа тенгқур шоввоздай,
Чўмилиб кўкарган лабларимизни
Кулгудан тиймасдик масхарабоздай.
Офтоб қуритгунча кўйлагимизни
Ўсма кўяр эдик тошлоқ қирғоқда.
Қизиқтирмас эди у дамлар бизни
Бу кенг олам узра нелар бўлмоқда?
Маймунжонлар ўсган тутзор ичида
Излаб бекинмачоқ ўйинига жой,
Савол берар эдик бир-биримизга:
“Қизлар, кимнинг дадаси энг бой?”
Ҳамма ўз дадасин бой деб биларди,
Эшитмай бир-бирин хитобларини
Баравар сўзлашса дугоналарим,
Ўйлардим дадамнинг китобларини,
Китобларга тўла токчамизни ҳам.



“Менинг дадам энг бой!”

Бу хитоб ичимда янграрди фақат,
Фақат юрагимда берарди садо.

Зайф вужудимда етмасди тоқат,
Бўғзимга тиқилиб қоларди нидо.

Жанжални унутиб дугоналарим
Баравар сўзларди боқиб мен томон:

“Нега сен ҳамиша ўтирасан жим,
Менинг дадам энг бой демайсан, дугон?”

Силталаб ташлардим уларни бирдан,
Ўйиндан чиқардим юлқиниб, араз.

Ҳолбуки, йўқ эди ҳали чин дардим,
Ҳолбуки, йўқ эди кўнглимда ғараз.

Сўнг мукка тушардим китобларимга
Ҳамма мендан хафа, дея ҳойнаҳой.

Уйимиз тўларди хитобларимга:

“Менинг дадам энг бой!”

Дадам, вазмин дадам, муаллим дадам

Собиқ қўрбошига эди набира,

Умр синовларда хўп тобласа ҳам

Нолимас, шикоят қилмасди сира.

Чироқсиз уйларда ҳис этдик балки

Муаллим касбининг асли нелигин,

Биз ухлагач, секин кўтарар эди

Дафтар текширмоққа чироқ пилигин.



(“Менинг дадам энг бой!”)

Дада, таскин излаб ҳоридим, рости,

“Энг” лар орасида сарсон умримга.

Қачондир етади қисматнинг дасти

Юрак деб аталмиш ғамгин қумримга.

Болалик елдайин учди-кетди-да,

Осон унут бўлди ўша нолалар.

Лек ҳамон шовқинлар шундоқ

қаршимда -

Беғубор, беҳадик, нодон болалар:

“Менинг дадам энг бой!”

01.11.2016





ШОИР РУҲЛАР

Кузак ёдга солар шоирлар руҳин,
Заминда жам бўлар шоир руҳлар ё?
Боғларда миллиард япроқлар оҳи,
Аламини тишда тишлайди дунё.

Осмонга тик боққан манави чинор
Руҳи эмасмикан Шавкат Раҳмоннинг?
Қара, хазонларга боқмайин зинҳор—
Қолган дарахтларга бермоқда таскин.

Кўҳна ҳикматларни уққан бу гужум,
Қошида унутиб қўйма таъзимни.
Бори диққатингни жамла-да бир зум,
Таниб ол Матназар Абдулҳакимни.

Юксакдан қарамоқ оғир ҳамма вақт—
Тикилмоқ оламнинг асл тарзига.
Яшаш учун кураш авжга чиққан пайт
Ким қулоқ солармиш шоир арзига?

“Манов баланд дарахт Чори Авазми,
Қадди тик—у ҳамон йўлдош ғурурга”
Десам, ёнгинамда яна бириси
Шовуллар айланиб Назар Шукурга.





Мана, бири турар паришон, ўйчил,
Бири Заминдаги мардлик меҳвари–
Ўйчили– Равшан Файз, бисоти кўнгил,
Яна Аъзам Ўктам– назм ахтари.

Манов бақувват тол – Муҳаммад Раҳмон
Ота юрти билан узмай орани –
Ўйчан кўзларини юммасдан ҳамон
Ўйлаб ётар азиз Палангдарани.

Манави оқтерақ кимни эслатар –
Дўстларидай бўйчан, ўзбаки қомат.
Унинг ёди элни ҳануз йиғлатар:
Содда Муҳаммад у, содда Муҳаммад.

Анави мажнунтол Асқар Маҳкамдир,
Бошини эгдими инсонлик юки,
Бунда муқим турар бесас, бегидир –
Риндлар суҳбатига етгандир, балки?

Шоир оғаларим, истагайман, бас
Рухларингиз ором олмоғини, мен.
Оҳ, жуда истайман – кенгайишинмас,
Сафингиз шу ҳолда қолмоғини, мен.

2014-2016 йил





ДОСТОН ЯКУНЛАНГАН КЕЧА

*Ҳазрат Навоийнинг пок руҳларига
бағишлайман.*

Ширин уйқу ичра гувранар Ҳирот,
Сарой ором олар, ухлайди авом.
Бу тун ҳам уйқудан воз кечар у Зот
Мажнун қиссасини этай деб тамом.

Бир ёнида Хисрав руҳи ўлтирар,
Бир ёнда сукутга чўмган Низомий.
Бу оламдан айро шоир ўй сураар:
“Боқийдир ишқ, гарчи одамзод фоний”.

Ҳирот чўчиб тушар қамиш оҳидан –
Яқунламоқ азоб Лайло қиссасин.
Ҳазрат сўнгги бобга етган чоғида
Ўзга сиғдиролмай қолар ғуссасин:



Кўзёшга эврилар буюк андуҳи,
Қалбини ўртагай Қайс оҳи бўлиб.
Икки буюк устоз, икки дўст руҳи
Хонадан чиқишар ҳасратга тўлиб...

Шоир қисматида йўқ оромга жой,
Ухлайди Ҳиротнинг ёшу қариси.
Узун сочларини тараганча ой
Ойнадан термилар илҳом париси.

Илло, Мажнун шу тун ўлмоққа маҳкум,
Дил аҳли, шоирдан чекманг ранж, гина.
Пок севги заминда қололмас бир зум –
Кўкка тегишли ул кўҳна ганжина.

Кезар шодлигу бахт – бари-бариси
Бу дунёнинг яқин-йироқларини.
Шу он кўзга сураб илҳом париси
Ҳазратимнинг озғин бармоқларини.

Шоирга лаҳзалик ором ўтирлаб
Келар, сўнг бошлайди эртақларини,
Шаффоф бармоғи-ла қўяр тўғирлаб
Яшил қабосининг этақларини.





У Шоир кўзёшин артар бетиним,
Лек ўзи ҳам тинмай тўкар жолалар.
Илҳом парисини йиғлатар бу тун,
Достон якунига инган нолалар.

Нуқта қўйгач, чуқур хўрсинар қалам.
Чекиниб боради ҳижрон ва ҳасрат.
Лайли-Мажнун исмин эслаб дам-бадам
Таҳажжуд намозин бошлайди Ҳазрат.

07.03.2016





НИКОЛАЙ ГУМИЛЁВГА НАЗИРА

Ишқ тўфондир, забтига олса
Ғарқ бўласан зумда, қочолмай.
Ишқ тўзондир – ғазаби келса,
Яшагайсан кўзинг очолмай.

У – афсунгар, сиринг билади,
Бахтлисан, чап беролсанг магар:
Бир кафтида ғунча кулади,
Бировида ялтирар ханжар.





БИТИКТОШ

Юрагим –
Заминдаги сўнгги битиктош.
Қачонлардир уни
Ўқиган Одам
Секин ҳижжаларкан
Исмингни,
Мангу сирим
Этиб қўяр фош.

12.11.2016



ТОҒЛАР СОҒИНЧИ

Кўзларимда
Тоғлар соғинчи,
Кенгликларга қафасдир
Руҳим.
Кунларимнинг
Йўқолди тинчи –
Шохчаларда
Ғуссанинг туғи.
Хувиллайди
Кузак сарҳади,
Бок, уялар кетилган ташлаб.
Сўзламоққа сиғмайин ҳадди
Тун термулар юракни ғашлаб.
Тоғларини қўмсаб
Дил хаста,
Шивирларни
Ютаркан сукун,
Деразадан
Чорлайман аста
Қояларнинг
Ҳайбатли руҳин.

12.11.2016



ЯШМА

Осмон – улкан яшма,
Уфқ – унинг сирли гардиши.
Гардишнинг қай вақтда
Қандай товланиши
Худонинг иши.

Осмон – улкан яшма,
Тикилиб қарасанг,
Кўзларингни олар ёлқини,
Лекин сиғар тасаввурингга –
Талқини.

12.11.2016



ПАЙҒАМБАР СУВ ИЧГАН КОСАГА БАҒИШЛОВ

Биз қайдан биламиз, балки тунларда
Кўз илғамас нурга ўралгандирсан,
Яратганга энг кўп саловот айтган
Дарахт поясидан яралгандирсан.

Ул муборак дилни чулғаб оларкан –
Қутлуғ кечаларда ваҳий титроғи,
Балки бағринг узра намоён бўлган –
Фақат Расул кўрган ваҳдат булоғи.

Суратинг ҳайратдан тўлқинлар ясаб,
Йўллади қалбимнинг соҳилларига,
Азон-ла ёришган саҳарларида
Неча бор сув қуйдинг пок қўлларига?

Бахтлиси бўларкан нарсаларнинг ҳам,
Бир бахтки, нур каби суюк ва тоза.
Савобинг биз билан кўрақол баҳам,
Эй қадимий Сирдон, эй қутлуғ Коса!

03.12.2016



ҚОР АФСОНАСИ

Минглаган товушга тўладир кеча,
Музпарда ортида ухлайди сувлар.
Ой куйлар – зерикмай токи тонггача
Сочидан йўл эшар кўкда сулувлар.

Нурқадам юлдузлар афсонасини
Қаватлари узра сочаркан Осмон,
Аёзга ланг очиб дил хонасини,
Яна учмоқ ҳақда ўй сураар Инсон.

Булутларга қўнган улкан оққушлар,
Минглаган парларин сочмоқ қасдида
Тинмай силкитади қанотларини –
Қорлар ёғаверар Замин устига.

Қорга бас келолмас қисмат шамоли –
Ёпади умрнинг дарзи, доғларин.
Ўраб қўяр мунис она мисоли
Дарахтларнинг яйдоқ, хунук шохларин.

Фақат тонгга яқин қанотлар толар,
Теварак ранглари олади хушни.
Санокли одамлар пайқашиб қолар
Ерга қўнганини улкан оққушнинг.

17.12.2016



НАСИХАТ

А.Н.га

Сал букри бўл, тўғрисан жуда,
«Ғурур» сўзин ўчир имлодан.
Рост гапирма ҳуда-беҳуда,
Қутул виждон отлиғ балодан.

Аччиқ кулма, киноя қилиб,
«Сочи узун, ақли...» демагин.
Шу мақолни ўзгартаман деб,
Сочларимни қирқиб олдим мен.

Кел, омадга тутмасдан мотам,
Ўлтирамиз сокин – билгандай.
Фойдаси бор букурликнинг ҳам -
Кўринасан таъзим қилгандай.

17.12.2016



ҚИШ ПАРИСИ


Қиш – сочлари кумушранг пари,
Нақ чўққида ўлтирган моҳтоб.
Қошларини чимирган сари
Кокилларин ўйнайди Офтоб.

Этагида жаранглар нуқра,
Балдоғида ярақлар биллур.
Кўйлагига қадайди тугма –
Тонг палласи икки қатим нур.

Дара унга хиёбон бўлар,
Ўрмон эса зумрад саройи.
Қор тинган чоғ товланар ял-ял
Аёздан ранг олган чиройи.

Учқунларга бўлганча ошиқ,
Тузиб чиқар сир имлосини.
Довуллардан тўқийди кўшиқ,
Куйлатганча тоғ дарёсини.

19.12.2016





ДЕКАБР ҚҰШИҒИ

Эгни бошимда қор, юрагимда муз –
Қишки дала мисол кўнгил ҳувиллар.
Туман пардасига дош беролмас кўз,
“Ҳайдалиш куйи” деб шамол увиллар.

Бу кун дунёсига парвойим йўқдир,
Агарчи бой бердим кўп бор имконни –
Умрим зўр камондан отилган ўқдир,
Бир марта кўзлолгай фақат нишонни.

Минг шукур қаҳрига, шафқатига ҳам,
Ахир, хато бўлмас умр лавҳида.
Меҳрни ёв билан кўрибман баҳам –
Ҳамон уқувсизман кўнгил сарфида.

Лекин пушаймонга қолмади ўрин,
Ҳатто тақдирдан-да йўқ бугун гинам.
Аҳволим чорасиз: минг йиллар бурун
Қонимга ишқ заҳри тушган, дўстгинам.

Эгни бошимда қор, юрагимда муз...

22.12.2016



ДЕКАБР БУЛУТИ

Декабр булути
Укпардан ясалган кемадек
Оҳиста сузади самода.
Унда фаришталар
Сайр қилишар
Зарра из қолдирмай ҳавода.
Дарёлар, денгизлар –
Заминнинг ложувард кўзлари
Тикилар тескари уммонга,
Кечиб илдизидан,
Муқимлигидан,
Дарахтлар қўл чўзар осмонга.

25.12.2016



БОШПАНА

Бугун Кичик Шаҳзода мисол
Ўзимга бир дунё тикладим.
Билмайман, устига эҳтимол
Зилдайин осмонни юкладим.
Сўнг ном бердим унга “Маҳрумият” деб.
Қайтганингда, кўз-кўз қилдим
Сенга дунёмни –
Кўзларингга қўнди ҳайрат сояси.
Нега, ахир?
Сенга тегишли-ку аслида
Бу янги дунёнинг ғояси.

25.12.2016





“Мен” – бир чирок,
Унда қирқ йилки
Бир дев яшар – хизмати ҳалол,
Уни банди этгандир Тангрим,
Халоскори Сенсан, эҳтимол...

“Мен” – бир осмон,
Уфқида унинг
Ҳар лаҳзада чўғланар шафақ –
Сўнган вулқон сўрайди хунин,
Қушлар уни этадилар тарк.

“Мен” – тубсиз чоҳ,
Ёлғиз, арқонсиз
Тушаяпман, билай деб сирин.
Чоҳ ичига аллақаердан
Шивалайди қайғу ёмғири,
Шивалайди қайғу ёмғири...

30-31.01.2017



ҲАҚПАРАСТ ШОИРГА БАҒИШЛОВ

Бир оз шохдирсан-у, бир оз гадосан,
Ҳеч кимса сезмаган янги даҳосан,
Ғамни ўзга тортар оҳанрабосан,
Мудом қўл чўзасан олов-оташга.

Боқсам, икки кўзинг – икки гирён дўст,
Дунёси бир камдир, битмас каму кўст,
Гоҳо кўзни юмиб ўтмоқ ҳам дуруст,
Ростгўйлигинг билан тегмагин ғашга.

Бошинг тик, аларга итобинг керак,
Бўйсунмоқ йўлинда шитобинг керак,
“Таҳ” деб қўлин тутса... жавобинг керак,
Биламан, ўзингни урмайсан пастга!

Аслан юлдузсан-у, осмон билолмас,
Сен-ла тўқислигин макон билолмас,
Шул сўқир мунажжим – замон билолмас,
Билса, шу ондаёқ шайланар қасдга.

Бир оз шохдирсан-у, бир оз гадосан,
Хурлик соғинчисан, тирик видосан,
Соҳибин юксакка элтган нидосан,
Чекига ёлғизлик тушган даҳосан.

19.03.2017



ХАЛҚОНА

Макон қадри йўқдир – кетилмагунча,
Умр арзон мато – титилмагунча.

Кўнгил оғриғидан ғофилмиз тамом,
Кўнгилнинг бир чети катилмагунча.

Ҳеч кима кўрсатма ёшли кўзингни
Ичингдаги исён етилмагунча.

Илдам юр – билинмас йўлнинг оғири
Охиргача босиб ўтилмагунча.

Оломоннинг исми халқ бўлмас, ундан
Бир жўмард ўртага отилмагунча.

Элнинг манглайдан ўчмас эрк сўзи
Шоири шуҳратга сотилмагунча.

**катилмагунча – кемтик бўлмагунча
(шева)*

26-28.04.2017



АПРЕЛ ОСМОНИГА БОҚҚАН ШОИР ТАСАВВУРИ

Денгизни эслатар апрел осмони –
Кўзингни олади мовий тиниқлик.
Унга боқиш асли ўсмоқ имкони –
Шу онда унутдир қуллик, синиқлик.

Хув анави булут – улкан тошбақа,
Ортидан боласи эргашиб олган.
Юнусбалиқ сузар ёнида, унга
Адашган денгизчи мингашиб олган.

Анов булутчалар – денгиз отлари,
Гўё шамол билан ўйнашар пойга.
Митти балиқларнинг шўх-шаддотлари
Бирдан шўнғиб қолар энг чуқур жойга.

Хув анов томонда учта медуза,
Шамол туриб қолса, учар қутлари.
Анов тарам-тарам булутлар эса
Тўлқинда солланган денгиз ўтлари.





Айтсам, бу денгизда мўъжиза бисёр,
Сенга қай бирини таърифлай яна?
Қара, билагига тақиб жавоҳир
Сузиб бораётир улкан Ундина...

Айниқса, недандир огринганимда,
Айниқса, бирлашса дардим, кам-кўстим.
Айниқса, кўзингни соғинганимда –
Апрел осмонига қарайман, дўстим!

**Ундина – сув қизи*

28-29.04.2017





ИЗҲОР

Бу табассум – ёлғон, ишонма,
Алдамоққа ўргатди йиллар.
Улушинг бор бунда, қўй, тонма,
Титрамасин қўлингда гуллар.
Қуригандек кўзлар денгизи
Йигламоққа етмайди кучим –
Шўр томчилар руҳимга сизди,
Тошчаларга лик тўлган ичим.
Йиллар гўё жанг аробаси –
Ғилдиракда умрлар нимта.
Зумда янграр “Урҳо”лар саси
Ва яшиндай ўчади зумда.
Билолмадим... ғалаба недир,
Лек осмонга боқдим умидвор.
Кун Қуёшга қараб бегидир,
Тунда Ойга сўз қотдим минг бор.
Қара, осмон қандай мукамал!
Жўн туюлар бундай чоғ видо –
Қалбимизни миллиард йил аввал
Ой тошидан ясаган Худо!

16.05.2017



САРКАШ ХАЁЛЛАР

Айроликдир умрнинг оти,
Йил, ой, кунлар, соатлар – видо.
Ошсин дея ҳажр сифоти
Бизни Ерга ҳайдамиш Худо...

Томирдаги қон эмас, бода –
Таъмин берган тақиқ олмаси.
Ундан қуйсам Тун косасига,
Париларнинг келар ҳаваси.

Ҳануз Сенга етмоқ матлабим –
Ёғдуларга узатаман қўл.
Тун бағрида оқ илон каби
Ўрмалайди Ой ёритган йўл.

Фурсат – азоб, ўтади жондан,
Сўнгагимда йиғланмас йиғи.
Умрим узра билмам, қачондан
Ҳилпирайди дилсизлик туғи?

Ичимдаги аёл руҳини
Бир замонлар қўйдим ўлдириб.
Фано жоми қўлимда маним,
Энди майдан қуйинг тўлдириб!

22.05.2017



МАШҚ

Биза бир савдо керак,
Ё магар ғавғо керак.

Соврилмак йўлларинда
Бўлғали барпо керак.

Рух қушига ушбу дам
Бир тоза маъво керак.

Бокмасмиз чечаклара –
Ки биза ҳулво керак.

Ғам селида оққан ул
Танҳомиз – танҳо керак!

Бу Кеча Юсуфига
Ойдек Зулайҳо керак.

Умр бир ўқдир, отилгай –
Анга лойиқ ё(й) керак.

Аввалам пайдо эдик,
Охирам пайдо керак.

04.06.2017 йил



ТАҚСИМОТ

Ҳар ботин қулоққа уйғотгувчи сас,
Ҳар бир озод руҳга кўринмас қафас,

Ҳар бир юрак учун адоқсиз жунун,
Ҳар ишқ қиссасига биттадан Мажнун,

Ҳар ғам дарёсига – бўлмаслик адо,
Ҳар бир тийрандозга – бўшамас садоқ,

Ҳар бахтсиз Султон*га – топилмас илож,
Ҳар битта Чингизга мингта Яловоч,

Ҳар ёлғиз дарахтга бир уядан қуш,
Ҳар битта умрга бир бахтиёр туш,

Ҳар хаста маконга бир ғариб оғоч,
Ҳар ғариб оғочга ўсмоқ – минг қулоч,

Ҳар қулочда олсин бахтдан бир қисм
Десак, адолатли бўлади тақсим.

**Жалолоддин Мангуберди назарда
тутилмоқда.*

04.06.2017 йил



ТИЛАК

Бир инжа чечакнинг япроғи бўлсам,
Бир пинҳон чашманинг қароғи бўлсам,
Бир ғариб ватаннинг тупроғи бўлсам.

Афсонадан қочиб чиқолса сирлар,
Ғор ичинда гулхан ёқсалар пирлар,
Кафтимга жаранглаб тушса ёғмурлар.

Ёғдулар илжида само гулласа,
Ҳубоб жилвасинда дарё гулласа,
Жаннат боғларинда Тубо гулласа.

Ҳар оғочдан келса тирилмак иси,
Қушлар нағмасида учмоқ муждаси,
Унутсам Ҳасратнинг қари шевасин.
(Гўёки бўлмаган тақиқ меваси).

06.06.2017 йил



НОКТЮРН-1

Сендан кетганларга ачинмайсан ҳеч,
Нималар келмайди хаёл-ҳушингга...
Қиличидан олов сачратиб ҳар кеч
Бирсийна аёллар* кирар тушингга.

Ёриб юборгудек томирларингни
Бир шаккоклик изғир қонингда бетин.
Икки дунёдаги умрларингни
Ўйлаб дейсан: “Мен ҳам фаришта эдим...”

Лабларингни тутар табассум хуни,
Сиришк соғинчида ёнар кўзларинг.
Нафасинг сиқилар, лекин бўғзингни
Тошдек чангалидан қўймас сўзларинг.

Бирдан қўл силкийсан ҳамма нарсага:
Шу лаҳзада руҳинг қайсар ва беор.
Юрагинг ... умрингни солиб ларзага
Итоат меҳварин бузмоққа тайёр.

Сен билан ўзининг ўртасидаги
Муқаддас ипларни узаркан дунё,
Дубулға-совути ярқираб янги
Бир қўрс Амазонка бўлади пайдо.

**Амазонка аёллар назарда тутилмоқда.*

13.06.2017



СУРАТ

Митти бармоқлари орасидан
Қуёшга қаради болакай.
Сўнг қиқирлаб кулганча
Осмон, Қуёш,
Дарахтларнимас,
Ўзини ўргана бошлади.

05.07.2017





СЎЗЛАР СОҒИНЧИ

Гунаш*, гунаш!
Куйдир кўзимни!
Ўт ичинда кўрай ўзимни.

Кўк, умримга тарат мовийлик,
Ёр, дунёдан бир зум совийлик.

Аё ёғмур, шаффоф зўлдирсан,
Биз кутгандан тоза, мўлдирсан.

Аё оғоч, кўкарчин байтсан,
Тонг, Буюк Ёр жилмайган пайтсан.

05.07.2017

*Гунаш – қуёш





ТАХМИН

Сен – чўққисан,
Мен эса – вулқон.
Собит бўлсанг
Отилмам балки.

05.07.2017





БОСИНҚИРАШ

Бир пас мизғиб, туш кўрдим,
Таъбирини ким айтар?
Елиб борарди тулпор,
Ит деди: “Ортга қайтар”.

Содда Полвон – Айикқа
Тулки тортди шапалоқ.
Бўри думидан тишлаб
Хўтик отди шаталоқ.

Шоқолга бўлди тайёр
Зар ипакли фойтунлар.
Шерга тупук сачратиб
Ирғишлади маймунлар,
Ирғишлади маймунлар.

Ялаб кўрди билай деб
Илон болнинг тотини.
Бир тўп қарға қағиллаб
Юлди бургут патини.



Мушук келса миёвлаб,
Зоғлар қувлади: “Пишт-ей” –
Чирсилларди товада
Сўнгги булбулнинг гўшти.

Учуқ тошиб уйғондим,
Тушим чап келсин, туф-туф...
Лекин чапак чалганлар
Атрофимда бунча кўп?!

05.07.2017





СЎЗЛАРНИНГ УНСУРИ

Сўзларнинг ҳам унсури бордир:
Бири айтилганда
Юрагингни куйдиради
Олов мисоли!

Бири таскин бўлиб янграгай –
Сув сепеди оловга.

Яна бири тупроқдай хоксор,
Босиб ўтиш мумкин бемалол.

Яна бирин унсури – Ҳаво:
Усиз тугар ҳаётинг, бироқ
Кўринмайди ўзи мутлақо.

05.07.2017



БОРЛИҚ ГЕОМЕТРИЯСИ

Синиқ чизикларни хуш кўрар чақмоқ,
Айланани севади ёмғир.

Чизмалари мудом ранглидир –
Камалакнинг юки сал оғир.

Кесма яшаш – дўлнинг ташвиши,
Ўйламайди бошқа ғояни.

Чизмалари нозик, тартибли –
Қор ёд билар симметрияни.

05.07.2017





ТАҚРИЗ

Бу шоир,
Виждони уйғониб қолмасин
Учун –
Ухлайди китобин
Кўксига босиб.

07.07.2017



НОКТЮРН -2

Синглим Нодирабегим Ямоловага

*Две женщины живут во мне.
Страдают – обе.
Людмила Клочко*

Икки аёл яшар ичимда:
Бири тонгда туриб кайфи чоғ,
Қушчаларга қўшилиб куйлар –
Гўё қайғу бўлгандек адо.

Уни ҳар кун кутишар шодон
Маскарадлар, шоу, суҳбатлар.
Атрофида солади сурон
Қаҳқаҳага тўймас улфатлар.

Туш ҳам кўрар ҳаммага ўхшаб:
Таъбирлари юзаки, содда.





Рухида ҳам ўт эмас энди,
H₂O аталмиш модда.

Оқшом чўкса, ойна олдиға
Мукка тушиб, бошлайди йиғи:
Шунда чиқар вужудқолипдан
Унинг қари, рангпар шериги.

Бири боқар ҳасрат-ла, бири
Кулар эски девоналардай.
Сўнг иккиси қучишар, узоқ
Кўришмаган дугоналардай.

08.07.2017





ТАВСИЯ

Севган кишим
Мени пайқасин, десанг,
Оёғига ўралашма –
Сал олисдан,
Сал баланддан
Жимгина кузатиб тур.

08.07.2017





АКСИОМА

Шоира қиз воз кечди
Табиатшунос ошиғидан,
Кўриб қолгач унинг уйида
Қуритилган капалакларни.

09.07.2017



ТОҒ ДАРЁСИ

Тоғ дарёсиман – сувим, ҳам тошим
Ўзимники,
Ювсам қирғоқларимни – талошим
Ўзимники.

Азалдан сал ёввойи, чеккагирман, айб
этманг,
Мағлубман ё музаффар – савошим
ўзимники.

Дараларни оралаб йўлбарсдай югураман,
Қайроқтошлар чархлаган бардошим
Ўзимники.

Тонг нури силаб берган, парилар тилаб
берган,
Сувсумбул йиғлаб берган кўз ёшим
ўзимники.

Тоғ дарёси музламас, бекор уринма, ағёр,
Муз чўққи узра кулган қуёшим ўзимники.

30.07.2017 йил, Чирокчи.



ДАШТДАГИ ЙЎЛОВЧИ

Кун тиғида кўнгилдай хувиллайди
кенгликлар,
Қуёш ялаган даштда жазиллайди
саратон.
Ҳисобимга ўтсин деб ўрлар, сойлар,
дўнгликлар,
Минг кўзли элагини қирларга тутар осмон.

Гармселлар гард сочган чашмаларнинг
кўзига
Разм солиб қарасанг, ҳуркади балиқлари.
Шомда урилар бориб нақ шафақнинг ўзига
Саратон дарёсининг оловли қайиқлари.

Яккам-дуккам дарахтлар пирларнинг
арвоҳидай
Бир-бир ўтар ёнингдан: бор сени ҳам
қўлловчи,
Буни англамасанг бас умрнинг адоғида,
Эй, осмон элагидан тушиб қолган йўловчи!

06.08.2017 йил.



ФАЛСАФА

Кўз ёши – ягона қуроли аёлнинг:
Гоҳи жуда мўрт ришталарни
Асрай олар қисқа муддатга.
Кўз ёши – ягона қуроли аёлнинг:
Севги бўлмаса-да, ҳарқалай
Юракда ачиниш уйғотар.
Таъми шўр бўлса-да, ҳартугул
Пасайтирар ғазаб ўтини.
Ягона қуролин йўқотган аёл
Шуларни ўйлади
Ғазабнок бир эркак қошида.

10.08.2017 йил





ТОНГ

Аёл қарамасдан чой узатади,
Эркак ундан хўплар индамай.
Ўзини ноқулай сезган сукунат
ТВ пультаин олар қўлига:
Маъносиз сериал давом этади,
Аёл уни кўрар (йўлига).

Эркак янги газетадаги
Эски хабарларни жим ўқий бошлар:
Оғирдир бу ёшда араз ё талаш.
Хонтахта устида митти шайтондай
Хушнуд депсинади ёвқараш.

10.08.2017 йил.



КЕМА ҲАҚИДА ИККИ ТУШКУН ШЕЪР

Туннинг бедор кўзида
Бир савол: “Умр нима?”
– Тириклик денгизида
Улоқиб юрган кема.

Тўзғиган елканларин
Эрмаклайди шамоллар,
Сув қизларин сочидек
Узун эрур хаёллар.

“Борми бизни кутганлар?”,
Дея этолсанг нидо –
Қалбингдаги мазордан
Марҳумлар берар садо.

Шишага мактуб жойлаб
Сувга ташла, элтар сув.
Содиқ ошиғинг – гирдоб,
Сени йиллаб кутар у.

Тош каби оғир бошинг,
Бу қандайин ҳолсизлик?
Синдиради бардошинг
Руҳингдаги ёлғизлик.



Кема эдим, боримни ортиб
Сузар эдим уфққа томон.
Қисматимнинг риштасин тортиб,
Гоҳо довул йўллади осмон.

“Сархуш кема”* мисол чайқалиб
Тўлқинлар-ла талашиб узоқ,
Туманлардан ўтдим сирғалиб,
Кўп ёритди йўлимни чақмоқ.

Дўстим бўлди сув жонзотлари,
Парилар ва алланималар.
Ҳижжаладим кўҳна отларин –
Қалқиб чиқди чўккан кемалар.

Сўнг уларнинг бирида ногоҳ
Дўст исмини кўрганим ғалат.
Қирғоқ, мени кутмагин, қирғоқ,
Энди менга азиз бу узлат.

13.08.2017

**Артур Рембонинг шу номли шеъри
назарда тутилмоқда.*





ВАҚТ ВА МЕН

Атлант қадами-ла кетиб борар Вақт,
Ортида баҳайбат оёқ излари.
Чопаман ортидан, чопаман фақат,
Қадамларин санаб толар кўзларим.

У юксак тоғлардан ошади осон,
Бир ҳатлаб ўтади дарё устидан.
Унга ўтлоқ бўлиб туюлар ўрмон,
Дарахтлар майсадир унинг дастида.

Ўтар қасрлардан, мағоралардан,
Гил изин ёпади, ювиб кетар сув.
Қулоғин беркитиб олар дафъатан
Урушлари тинмас манзилларда у.

Ҳайбатидан қўрқмас бирорта одам:
Кўзлари қалбини этиб қўяр фош.
Софдил паҳлавонни қувватлаб ҳар дам
Ой йўлин ёритар, нур сочар Қуёш.

Атлант қадами-ла елиб борар Вақт,
Мен унинг олдида гарчи йўқдайман,
Изидан қолмасман, билдирманг фақат:
Ортига қараса – мен ҳам тўхтаيمان.

14.08.2017 йил



СИРДОШ

Изтиробу ўйларим мубҳам,
Хаёлимдан кетмаслар нари.
Ёниқ турар тунда деразам
Девнинг якка кўзи сингари.
Қалам, қоғоз, талай китоблар
Ва гулдонда август берган гул,
Ташқарида дайди хитоблар...
Ёлғизмасман бунда ҳартугул.
Тақиллайди ойна қўққисдан,
Топилдими мен кутган надим?
Ой нур тарар жуда олисдан:
Ким ёритди менинг узлатим?
Ҳаётимга боқиб яқиндан,
Сирларимни ўқимоқчи ким?
Гуноҳкорни қидириб бирдан
Деразани очиб юбордим:
Шунда тун бағрига сурилиб
Тортди узун-узун ҳомуза.
“АКФА” деразага урилиб
Қанотлари лат еган Муза.

21.08.2017 йил



АВГУСТ

Марина ЦВЕТАЕВА хотирасига

Тугаяпти август, Марина,
Астралар ҳам гуллади қийғос.
Биз томонда митти мевалар
Яккам-дуккам ўсади, холос.

Боғлар қўнғир, сувлар тиниққан,
Завқ-ла сузар августнинг оyi.
Фақат менинг рангим синиққан,
Истакларим мавҳум, савдойи.

Айбололмайман сени, Марина,
Бой берувдинг ҳамма имконни.
Тушунолмай доғдаман сенга
Арқон тутган қотил замонни.





Август бағри тўладир сирга,
Чекингандек рутубат, кўз ёш.
Аниқ кўрдим, уфқ ортига
Ўтар эдинг – кафтингда Қуёш.

Август адо бўлгани сайин
Шеърларингга талпинар юрак.
Мен-ку сени кечирдим, лекин
Кечиролмас ўзин Пастернак.

21.08.2017 йил



АЛАМ

Мьянма ичмоқда уммат қонини,
Ғўдаклар бўйнига арқон солинган.
Кулиб олмоқдалар одам жонини,
Ҳаёт дарахтининг барги юлинган.

Дор бўлиб чайқалган йўргакларда қон,
Болалар ўйнаган йўлакларда қон,
Рўмоллар, саллалар, кўйлакларда қон,
Ғазабини ютган юракларда – қон.

Мьянма, жонимга ўт ёққан алам,
Мьянма – бўғзимга тиқилган йиғи.
Шаҳидлар қонига тўймаган олам,
Умматнинг бой берган биринчи туғи.

Бу туғ чўкиб кетди болалар билан,
Бу туғ эркакларга қўшилиб ёнди.
Гоҳ кўкка ўрлади нолалар билан,
Кейин алвон бўлди – туғ қонга қонди.

Вале ҳеч бир зулм жавобсиз қолмас,
Бостирар Аллоҳнинг битта имоси.
Тошотар қушларга тўлса ажабмас
Умматга тор бўлган юртнинг самоси.



Ё шахид қонларни ичган дарахтлар
Найза ясаб отар золимлар томон.
Гўдаклар арвоҳи уриб, хор бўлар
Зафар қучиб турган разил оломон.

Унгача лаҳзалар ўтади йилдай,
Унгача томирда оқади қасос.
Тонг чоғи кипригинг туюлар зилдай,
Яшамоқ шунчаки кун кўрмоқ, холос.

... Бостириб бўлмаса, Тангрим, зулмни,
Магар хўрлик бўлса кўпга келган тўй.
Йўлбарсга айлантир ҳар бир муслимни,
Ҳар бир муслимани бўри қилиб қўй.

03-04.09.2017





ТАРОЗИ

Дунё мезонидан маймун ҳам кулар:
Латифа бормикан бундан зиёда:
Гоҳ отлик жанг қилмай қаҳрамон бўлар,
Жангнинг бошидаёқ ўлар пиёда.

04.09.2017





САБР КОСАСИ

Бу идиш кўринмас қалпоқни кийган,
Қисматдан бир бора тўлмоқ қарзи бор.
Аллақачон тошиб кетарди, лекин
Инсонга кўринмас кўҳна дарзи бор.

04.09.2017



ТУШЛАР

Тушларинг ҳақида ўйлайсанми ҳеч?
Тушлар ўхшар туннинг кўйлакларига.
Рўё отли чевар тушганида кеч
Шойи тахлар зулмат йўлакларида.

Тушларинг гоҳ одми, гоҳо серҳашам,
Излаб тополмайсан гоҳо қиёсин.
Бахт каби тез тугаб қолади баъзан,
Баъзида эслатар мотам либосин.

Уйқучан бош чайқар толиққан боғлар –
Тушлари сунбула каби фаромуш.
Шаҳарнинг кўксидан ювилиб доғлар,
Чорчаманлар ухлар кўриб рангли туш.

Нега ним уйқуда ҳовузнинг кўзи –
Кўйлаги битмаган унинг, ҳойнаҳой.
Кумуш игнасидан ёғду ўтқариб
Заминга эгилар кекса дарбон – Ой.

Сўнг Рўё кўринар – қора шойидан
Тикилган этаги майин шитирлаб.
Митти уйқусига кўйлак истаган
Ўшларнинг юраги урар потирлаб.

04.09.2017 йил



АВТОПОРТРЕТ

Илғаб қолдим, руҳи бўлинган:
Гоҳ зардали, гоҳо ҳимоли.
Тўсаман деб уни замондан
Ярим йўлда қолмиш рўмоли.

Сочларининг фарқидан кириб
Ғойиб бўлмиш митти оқилон.
Қошларининг қоқ ўртасидан
Қалам тортмиш мусаввир чунон.

Сийраклашган киприкларининг
Ўқ бўлмоққа йўқдир даъвоси.
Рангпар юзи, рангсиз ёноғи
Билмам, балки Мажнун мероси.

Чизаяпман уни борича,
Яширмасдан ҳеч каму кўстин.
Меъёрдан сал каттароқ бурун,
Суқилмагай умрингга, дўстим.





Оз сўзлаб, оз кулади оғзи,
Лек қалбига яширмиш яғмо.
Мийиғида қолган табассум
Мазахларга этмагай парво.

Йиғлатажак уни қисматнинг
Гоҳо гули, гоҳи тошлари.
Сочларини излаб юришар
Оқилоннинг қариндошлари.

18.09.2017





Кафтимга сув олиб
Ташна юлдузларга тутдим –
Ичдилар.

Улардан ортганин
Чап кўксимга сепдим –
Гулханлар ўчдилар.

Тарқаганда гулханимнинг
Сўнгги тутуни,
Шамол ўйнаб юрар эди
Куюк ҳидини.

20.09.2017



ЯНА МАРИНАГА

Пожирающий огонь – мой конь...
М.Цветаева

Кет десанг, изсиз кетмас,
Қол десанг, келар малол.
Сенинг тулпоринг – олов,
Менинг тулпорим – шамол.

Бирисининг ортида
Култепалар бунёддир.
Иккинчисин кишнаши
Чидаб бўлмас фарёддир.

Бири йўл озуғига
Жонни сўрайди фақат.
Бирин жон риштаси-ла
Боғлаб кўр – этмас тоқат.



Тумшуғига чақмоқ қанд
Тутсалар – парвоси йўқ.
Шунда чорлайсан уни –
Ҳовучингда лағча чўғ.

Оҳ, бедовинг чўғ кавшаб
Ўзин урса тўрт ёнга.
Қўрқув ичра титрар шаб,
Ой беркинар осмонга...

Йўл яримлар, Марина,
Биласанми, нетамиз?
Бўшатиб тулпорларни,
Энди яёв кетамиз.

24.09.2017





ХУРШИДГА

Умрда бир лаҳзалар борки,
Зарур бўлар еттинчи сезги:
Миядаги ўсимта каби
Оғритади бошингни севги.

Ўсимтадан қутулиб бўлмас,
Давоси йўқ унинг айтарли.
Нафрат деган кимёвий дори
Бор-у, лекин у ҳам хатарли.

25.09.2017





ЧЕКИНИШ

Андухлардан қўшин тузганлар,
Эрк берганда кўнгил майлига,
Гул сайридан умид узганлар
Ошиқмасми хазон сайлига?

Умринг ичиб қонталаш бўлган
Юракларни бўлмасми босиб,
Шамол урён дарахтларингга
Мезонларни кетганда осиб?

Қўл силкисанг қуш галасига,
Гала бирдан ортга қайрилса,
Айт, умрингнинг тунд палласида
Бўлмайдами шундай айрилсанг?

Йиртқичларни чақирсанг увлаб,
Кўнгил узиб Одам зотидан.
Ой париси ортингдан “Хув” лаб,
Деса: “Кимнинг зурриёдисан?”

Унга боқсанг беруҳ ва бесас,
Сўнг ёдингга келмаса отинг.
Ва йиғласанг... оҳ бўлиб эмас,
Увлаш бўлиб чиқса фарёдинг!

18.10.2017



УМИДСИЗЛИК

Ҳар япроқда бир ҳис, бир сезги,
Ҳар шамолда қутқу, ҳаяжон.
Ҳар дарахтда муқим бир севги,
Ҳар умрда ношуд бир имкон.

Ҳар дийдада юракшакл тош,
Ҳар бир кўзда андуҳ чашмаси.
Ҳар ҳовучда ушалмас дуо,
Ҳар денгизда узлат кемаси.

18.10.2017



Октябрнинг сийрак хиёбонида
Қунишиб ўлтирар кузак париси.
Сездирмай бораман унинг ёнига,
Сўнг дуо қиламан: “Дардинг арисин”.

Заъфарон кўзлари чуқур ва мунглиғ,
Қандоғам ёнидан кетардим нари.
Эртага бу сийрак хиёбон ичра
Ўлтирар қунишиб иккита пари.

25.10.2017





ДЕВОНАНИНГ ҚЎШИҒИ

Тийрамоҳнинг сўнгги куйи сингар экан
юралка,
Ғуссаларни қувмоқ учун шеър тўқиймиз
эрмакка.

Вақт ўйнайди қадримизни – бизга ёт бу
ўйинлар,
Замон мағрур бошимиздан сочиб турар
тийинлар.

Ҳамёнимиз бўшдир гарчи, тангаларга
боқмаймиз,
Бу такаббур кўринишда биз ҳеч кимга
ёқмаймиз!

Қиличларга армон бўлар эгилмаган
бўйнимиз,
“Шиқир-шиқир”... пуч ёнғоққа тўлиб
қолган қўйнимиз.





Тилимизни тушов каби боғлаб турар
ростимиз,
Миллионлар қаторида қолмагай бир
дўстимиз.

Олазарақ қараб бизга, айт ўтяпсан қай
томон,
Ал-кимёни билсанг, биздан ажратиб ол
заъфарон.

Ки беморлар сўраб келса, тайёр турсин
малҳаминг,
Заъфаронга бой бўлурсан – кузлар бўлса
маҳраминг.

Нима бўлса бўлар, кўн Гул, маҳрамингдан
айрилма,
Қадринг ерга урмоқ бўлган тийинларга
қайрилма.

26.11.2017





“ҲЕЧ” ҲАҚИДА ШЕЪР

Аямоқда бизларни ҳаёт,
Ўзгардими олам мантиғи?
Карам қилгач сирдошлар бот-бот,
“Ҳеч”га тўлди умр сандиғи.

Биз қуриган гулбарглар мисол
Сепаладик “Ҳеч”ларни бошдан.
Бу ўйинни олмангиз малол,
Ахир, қайтиб келмаймиз бошқа.

Бу навозиш “Ҳеч”нинг рағбати -
Жондан кетмас бир туғма дарддай.
Шубҳа йўқки, етгач фурсати
Исмимизни “Ҳеч” кўмар гарддай.

27.11.2017





КЕЧА ЭТЮДИ

Тунни кийиб олди Тасаввур,
Юлдуз-тугмаларин қадади.
Жонга тегди олтин тугмалар –
Ҳеч ким билмас улар ададин.

Очиққан Сой қайроқ тошларни
Каппалади солиб оғзига.
“Яққув” айтди зериккан Шамол,
Ўзин уриб Ғорлар бўғзига.

Кузат бир он тасаввур кучин,
Учган юлдуз – отилган чақа.
Шаҳзодага айланмоқ учун
Ойни ўпиб кўрар Қурбақа.

Тоғ йўлида мавжланар “Яққув”,
Чайқалади боғлар маст-аласт:
Сочларига илашиб ғулу
Югуради сўнгги Ойпараст.

27.11.2017



РАНГЛАР ТИЛИДА

(Беназир Муҳаммад йўлида)

Мовий асрор, қўнғир зоҳир,
Қаро коса, қаро коса.

Йашил ҳаёт, сориғ ровий,
Зангор қисса, зангор қисса.

Оқиш чўққи, сафсар уфқ
Орзу биза, орзу биза.

Кулранг соч-у заъфар чехра
Бизим хосса, бизим хосса.

Алвон йурак, жигарранг бахт,
Рангсиз ғусса, рангсиз ғусса...

28.11.2017





МАНОЗИЛ

Қудратнинг ичида Коинот,
Коинот ичида Замин,
Заминнинг ичида Макон,
Маконнинг ичида Замон,
Замоннинг ичида Одам,
Одамнинг ичида Ҳаво,
Ҳавонинг ичида Найшиша,
Найшиша ичида Капалак,
Унинг исми – Севги.

28.11.2017



МУБТАЛО

Кеманг тинмай сузар ҳаёт баҳрида,
Сени таъқиб этар минг бир сўроқчи.
Кўнмайсан қисматнинг қатъий шартига:
Йўлчисан, сайёҳсан... гоҳо қароқчи.

Рўмолча силкитган қўллар ортингда,
Қарамайсан – бефарқ бўлиб қолгансан.
Дунё харитаси кўзларингга жо,
Уни тенг иккига бўлиб олгансан.

Ҳамма қаҳрамонлар каби ҳеч қачон
Беркитмайсан хунук чандиқларингни.
Ортига қайтсин, деб тунда юлдузлар
Тўлдиради улкан сандиқларингни.

Ташналикда қолсанг, денгиз бир муддат
Сувидан ажратиб турар тузини.
Очлик исканжага олгани фурсат
Балиқлар кемангга отар ўзини.

Кеча йўл кўрсатар, Кун қилар дуо,
Тўлқин сувўтлардан тўқир қайиқлар.
Менга ҳам “кет” дема, ахир ҳамиша
Кемага эргашар Юнусбалиқлар.

29.11.2017



ҚИШНИНҒ ИЛК ҚҰШИҒИ

Ғарч-ғурч... ғарч-ғурч... Келаётир қиш,
Оёғида биллур ковуши.
Ноз уйқуга кетган боғларни
Чўчитолмас шамол товуши.

Қор ёритган ойдин кечада
Насиб этса қисматга шоҳлик,
Чорлайверар руҳингни яна
Қорлар кечиб ёлғиз юрмоқлик.

Ёлғизликда олам фусункор,
Кўрсатолмас ҳаёт ҳам найранг.
Ёлғизликда руҳинг телбавор,
Ёлғизликда қиш ҳам сержаранг.

18.12.2017



СЕНИНГ БАЙРАМИНГ

Сен ичингда байрам қиласан,
Ташқарида байрамлар ёлғон.
Бахтни енгган кунинг айниқса
Тонгни кутиб оласан шодон.

Шунда ногоҳ силкиниб олар
Руҳинг ичра қартайган аждар.
Туйғуларинг бирлашиб муштдай,
Гул ўрнига сиқимлар ханжар.

Лек тинч қўймас, байрамингга ҳам
Кириб борар изқувар титроқ:
Қаҳрамонлар қизил гулгамас,
Ўз қонига чўмилар кўпроқ.

20.12.2017





ИШОРАЛАР

Давраларда айтилмас исминг.


Одамлар сен ҳақда
Ишоралар ила сўзлашар.


Асли таваллудинг қутлуғ ишора,
Бир ҳур ишорадир борлигинг.

Бир ғамгин ишорадир
Видоларга сазоворлигинг.

Эй гўзал ишора,
Бармоқларим ёд олар сени.

25.12.2017





ДЕВОНАНИНГ ЎЗИГА НАСИҲАТИ

Ҳаёт сени кўмса тириклай,
Мағлуб руҳлар шовқини аро
Бир қўлда шеър, бир қўлингда май –
Айлан гирён ва мотамсаро.

Эҳтиёт бўл, май тўкилмасин,
Эҳтиёт қил, йўқолмасин шеър.
Шаклингдаги руҳ йиқилмасин,
Ҳар уфқингда балқмасин Бадр.

Шунда балки сен билан бирга
Вақт айланар – замон айланар,
Бармоқларинг тараган нурда
Ўнта сирли макон айланар,
Эврилишдек имкон айланар.

06.01.2018





УЧЛИКЛАР

1. Ҳа, бу одам қаролмайди тик.
Кўзидаги қасос ўтини
Таъзим билан яширади у.

2. Жимлик, қалъа эдинг мустаҳкам,
Сени енгдим бир оғир “уҳ”-ла –
Иккимизга керакмас ҳакам.

3. Ой улкан тангага ўхшайди,
Абдуллажон ясаган тангага,
Сохта тангаларни ишлатиб бўлмас.

4. Шамол шохга ўралиб ухлар.
Боғда фақат туш кўрар олча
Ғунчалашин кўкламда илк бор.

5. Биринчи бор севиб қолган қиз
Энг сеvimли ўйинчоғини
Беркитади темир сандиққа.



6. Гуноҳ билан қоришган севги
Ёдга солар анжир дарахтин –
Гулламасдан мева тугар у.

7. Рашк ойнага урар шамолни –
Деразада турган ёронгул
Дарпарданинг розини тинглар.

8. Мендан қолмиш онамнинг кўнгли.
Сизга айтсам, шу кундан бошлаб
Дилозорлик айланди касбга.

9. Қамаб олдим уйимга бахтни.
Меҳмон қилдим хотира билан –
Ортиб қолди меҳмондан таом.

10. Зарда билан исмимни дилдан
Ўчирасан – ишларинг пухта.
Не қилсанг-да, қолар бир нуқта.

06.01.2018- 14.01.2018






ЭСЛАТИШ

Ёдингдадир, бир кун
Исмимизнинг бош ҳарфларини
Ўйиб ёздик қир устидаги
Энг баланд дарахтга –
Ўртасида қўшув белгиси.

Гулдуракли кечада
Яшин шу дарахтни танлади.
Ямлаб қўйгач ҳарфларни олов
Фақат белги қолди –
Илк севгининг ёдгори бўлиб.

Қир шамоли ўшандан буён
Қўшиқ қилиб куйлармиш уни,
Кечалари ўша тарафдан
“Қў-ш-у-в” деган садо келармиш.

09.01.2018





ЁҒМУР ЧЕЧАКЛАРИ

Уввос солса абрларда
Самонинг хур буваклари,
Очилади ҳалқобларда
Қўнғир ёғмур чечаклари.

Очилади қўша-қўша,
Тарам-тарам очилади.
Япроқ-япроқ, парча-парча
Тўрт томонга сочилади.

Бул чечаклар умри қисқа
Капалакнинг умри мисол.
Кезмай туриб ёғмурларда
Аларни ҳам кўрмоқ маҳол.

Қўнғир ёғмур чечаклари
Бокмайин нур толаларга,
Кулар ҳалқоб узра сакраб
Ҳайноқлаган болаларга.





Куннинг кулранг қабоғига
Ол сурмоққа уринган шом,
Кўришмоқ-чун чечаклар-ла
Етти рангдан йўллар салом.

Қўнғир ёғмур чечакларин
Кўрмоқ учун керак тоқат.
Инжа ёғмур чечакларин
Хур лаҳзалар терар фақат.

09.01.2018



КЕТМОН

Балким ишонмассиз,
Эшқобилнинг кетмони учади –
Гоҳ рангпар болаларига,
Гоҳ сонсиз хотинига қараб.

Эшқобил бўлса,
Яшилтоб кўзлари пирпираб
Дуоибад қилар кетмонни:
“Илоё мўлжалга тегмагин!”

06.01.2018



АЙБЛОВ ХУЛОСАСИ

Жами хотираларни ўлдирганча
Хонадан чиқасан –
Қучоқ очар сенга Ёруғлик.

Ҳеч ким қўли билан кўрсатмас сени.
“Қотил!” дея қичқирмас биров –
Капалакка ўхшаб
Қони йўқдир хотираларнинг.

16.01.2018



РОБИТА

Шеър – кутилган фарзанд.
(Ҳеч қандай лайлакка дахли йўқ унинг).
Чинданам шеър бўлса –
Уни келтиражак бургутнинг ўзи.

16.01.2018





ПАРВОЗ

- Негадир шеърингда бошқа одамсан,
Қандайдир бегона, хаёлчан, дайди.
- Сўзларингдан асло хафа бўлмасман:
Парвоз чоғи қушни таниб бўлмайди!

18.01.2018



ҲИССА

Бахтсизлик – оғир юк.
Тақдир уни
Иккига бўлиб
Узатади икки томонга.
Аммо томонларнинг бирови
Улушини олмас
Ҳеч қачон.

21.01.2018





ЭРК

Қафасман мен—
Танҳо қушнинг қафаси —
Уни Худо қамаган менга.

Сирдоши узлат,
Озиғи армон
Рангсиз қушимнинг.

Кўринмас қушим,
Гап уқмас қушим
Ҳар тун татиб кўрар
Юракни.

03.02.2018





ШАФАҚ ЭТЮДЛАРИ

Уфқ бу кеч
Сим-сиё(х) лолалар
Гулхонасидир.

Уларга узанган қўлларга
Гулбарглар илашар,
Гулбарглар.





* * *

Кўк –
энг теран денгиздир,
Булут – зангори парқув.
Денгизнинг адоғида
Таранар кулранг оққув.

Ҳой оққув қуш, гўзал қуш,
Сирли-сирли ҳаётинг.
Етар энди, ерга туш,
Қизармайин қанотинг.

Шафаққа тегиб кетса,
Куйиб қолар парларинг.
“Оҳ” урма, тумшуғингдан
Тўкилмасин сирларинг.

Қанотларинг силкима –
Тўлиб қолмасин бўшлиқ.
“Оҳ” ингни асра Ерга –
Шоирлар излар қўшиқ.





* * *

Ҳар кеч уфқ томонда
Бир вулқон отилар –
Булутларга сачраб чўғлари.

Тикилиб-тикилиб қарайман...
Ростдан чўғмикин?

Ё ҳилпираб турар
Қўмондони валий бўлган
Қўшин туғлари?

03.02.2018





ШИВИРЛОҚ ХИТОБ

Эй, ҳаёт тухмини асраб келган Нур,
Эй, ғам илдизидан сув ичган Шажар,
Бўлинмак онидан туйганча ҳузур
Қутлуғ доғларидан севинган Қамар,
Эй, ҳар қабатида теранлашган Кўк,
Камонидан тинмай нур отган Гунаш,
Эй, Тоғ исмин олган буюк тева, чўк,
Мажнун келмагунча - йўқ энди жўнаш!
Эй, Нур жамолига ошиққан Тупроқ,
Борлиғу борлиғин ювиб берган Сув,
Эй, умр кафтида музлаган Идрок,
Эй, Идрок қамчисин соғинган Туйғу.
Эй, гоҳ ортиб, гоҳи етмаган Ҳаво,
Эй, ҳеч бир ҳукмни тан олмаган Вақт.
Эй, Абад тонгини оттирган Наво,
Эй, исми улкан-у, ўзи инжа Бахт.
Эй, ҳаёт тухмига “куҳ-куҳ” лаган Нур...

03.02.-04.02.2018



СЕН ВА МЕН

Оқламайман ўзимни, зотан
Ҳаққим эмас оқлаш, қоралаш.
Туғилишдан чекимга тушган
Қалбни бутлаш ёки ... поралаш.

Ва на ҳожат сени ёзғириш?
Сен ҳам битта гуноҳкор банда –
Қаҳрдан кўп кўшиб юбормиш
Тангри лойинг қораётганда!

06.02.2018





ҒАМГИН СУРАТ

Тиззаларин кучиб
Ўлтирар аёл,
“Бўзламам” аҳдида
Қимтилган лаби.

Ўлтирар -
Қачондир
Ўз маъбадидан
Чиқариб ташланган
Маъбуда каби.

06.02.2018





СЎНГАН ГУЛХАН, ОДАМ ВА БЎРИ

Кеча узун ва совуқ эди.
Сўнаётган гулхан эгаси
Ҳақиқатин ташлади ўтга.
Бироқ яна гурлаган олов
Жунжиктирди уни негадир.

Кеча узун ва совуқ эди.
Сўнаётган гулхан эгаси
Кўзидаги туман ортида
Кўрди икки маъюс юлдузни –
Бўри турар эди қошида.

Кеча энди шунчаки узун –
Кеча энди билар ҳаддини.
Кучга кирди тўда қонуни:
Бир-бирининг пинжига кириб
Исинишар Одам ва Бўри.

11.02.-12.02.2018





ТУШДА ЁЗИЛГАН ШЕЪР

Эзиб-эзиб ёғади ёмғир,
Эзгин-эзгин ёғади сирлар.
Жасадидан таралганча нур
Гўрларида сиқтайди пирлар.
Эзиб-эзиб ёғади ёмғир,
Сув элайди зориққан само.
Қай бир синиқ қовурға ичра
Неларнидир пичирлар Ҳаво.
Бир лаҳзада ҳаётинг олтин,
Бир лаҳзада жонинг арзондир.
Бир қарасанг, арқонинг – йўлдай,
Бир қарасанг, йўлинг - арқондир.
Эзиб-эзиб ёғади ёмғир,
Сал юмшайди тошлар эртаги.
Ошиқмайди баҳорга шунда
Совуқ урган умид куртаги.

15.02.2018



ҲАҚИҚАТ

Шеърларимни донга алмашгум,
Оч қолганмиш қушлар галаси.
Буни менга айтди деразам.

Увоқларга алмашиб олиб,
Ошиқаман дарёга томон –
Мени унда балиқлар кутар.

Увоқ сочсам, улардан олдин
Чиғаноқлар очар оғзини.
Яшираман қўлим орқага.

Чиғаноқлар, кечиринг мени,
Шеър қиймати дур эмас асло,
Шоир керак эмас дунёга.

15.02.2018



ҲАҒТА

Ҳафта асли –
Олти бошли дев.
Ҳар кун битта боши кесилар.
Лекин бағрикент
Якшанба
Уни яна этади афв –
Бошлар ўсиб чиқар қайтадан.

20.02.2018



ҚИШ

Қиш – депутат, мен сизга айтсам,
Эсланг,
қор жуда кўп эди
Унинг дастурида.
У эса бажара олмади
Ваъдасининг ўндан бирини.

20.02.2018





АТВОР

Сўзамоллик ҳар доим ҳам
Севги билан келиша олмас.
Шундай экан, севгилинг билан
Сўзлашиб тур –
Хўрсиниқлар,
Кўзёшлар,
Воз кечишлар,
Исёнлар тилида.
Айниқса, исённи севади севги!

20.02.2018





ЮЛДУЗ МЕВА

Юлдузлар –
Осмон дарахтининг
Энг баланд шохида
Ўсган мевалар,
Банди жуда қаттиқ уларнинг.

23.02.2018





ҒАЛАТИ АЙБЛОВ

Тушларимдан
Учиб чиққан қушчалар
Тушган эмиш
Тушларингда
Ёйилган тўрга.

24.02.2018



СИРЛИ ОДАМ

Тирикликда
Йиғисини яширганидек
Кулгисин ҳам кўрсатмади
Мархумлигида.

Тупроқ унинг ғариб
Табассумини
Мозор гулларига
Юрар улашиб.

23.02.2018





ИШҚ

*Ишқ – Мустафо меърожидир,
бари, бари – ишқ.
Фарзона*

Отилган оққушдан учган пар ила
Шамол ёзар бир ишқ ҳикоясини...
Оққуш фарёдидай туйғулар хира,
Хўрсиниб кутамиз ниҳоясини.

Дил – “ишқ” калимаси битилган оғоч,
Орзулаб яшайди қисмат рандаси.
Туйқус ёдимизга тушади Халлож
Ва унинг тўфонни тўсган жандаси.

Юнусни тушириб балиқ қорнига,
Сўнг қирғоқда уни пойлаган ҳам – Ишқ.
Жаброил кафтидан ясаб ойина,
Ойиша суратин жойлаган ҳам – Ишқ.





Ишқ – бир ўқи хато кетмаган мерган,
Одамнинг “оҳ” идан тушган олов – Ишқ.
Буюк жангчиларга “Ур-хо” айттирган,
Қўлдан қўлга ўтган оғир ялов – Ишқ.

Ишқ – қон билан кўз ёш аралаш оқиб,
Томирларда бўртиб турган дарёдир,
Хар сабоҳ шудрингдан маржонлар тақиб,
Уфққа тикилмиш Янги Дунёдир.

У – қиш оқлиги-ю кўклам яшили.
Ёз офтоби, кузнинг заъфарлиги – Ишқ.
Туйғу диёринда хуштаъм, асили
Ва шаксиз жонолуд, заҳарлиги – Ишқ!

Ишқ – кўклам жарчисин чорлаб
қирларга,
Лола қадаҳини майга тўлдирган,
Эски қудуқларни кўмиб сирларга,
Кўҳна сир соҳибин яна кулдирган...

Ишқ – шамол эрмаклаб учирган уқпар.
Сўраманг шеъримнинг ниҳоясини,
Отилган оққушман – мен ташлаган пар
Ёзар Ишқнинг янги ҳикоясини.

26.02.2018





ИШҚ ВАҲИЙСИ

Қалб – бир соҳибжамол.
Ўлтирар қирқ қават
Парда ичинда.

Дейдиларки,
Ҳақнинг изнисиз
Жамолини кўрмагай биров.

Қалб соҳиби эса ҳамиша
Ваҳий каби
Кўкдан тушади.

03.03.2018



НАВРҮЗ

Бугун жуда сахийдир очун,
Зумрадланар жамики оғоч.
“Вал-фажр”ни айтмоқлик учун
Томоқ чайиб келар қарлуғоч.

Бугун Кун ҳам нур тарар кўпроқ
Ва сийлагай ҳар тирик жонни.
Қўйворишни истамас Тупроқ
Офтобрўйга шошган Йилонни.

Ҳаво кийиб шойи атворин
Илиқ сутдек ўтар томоқдан.
Жамики бахт ёнингда бугун,
Жами андуҳ сендан йироқда.

Сувлар гўё ўзи сархуш май,
Ҳар қатрада кулади гуллар.
Сувлар хушбахт – тунда ухламай
Ҳамал Ойин оқизган улар.





Шамол – чопар, ҳоримас сира,
Ялангликда тинмай елади.
Гоҳ эргашиб битта гулбаргга
Узоқларга бориб келади.

Адл тоши вақт мезонида:
Тенглашади кеча ва кундуз.
Тарозунинг шундоқ ёнидан
Чечак сочиб ўтади Наврӯз.

21.03.2018



ҚЎРҚОҚ(ЛАР) ҲАҚИДА АФСОНА

Бир қўрқоқ овлоқда
Юраги ёрилиб ўлди қўрқувдан,
Чўчитганди уни сояси.
Устидан неча Ой, неча Кун ўтди,
Хок бўлиб тўзғиди, сочилди.
Бир улуши ҳавога сингди,
Бир улуши тупроққа,
Оғочларга қўнди бир улуши.

Ўша ерда ўсган оқтерак
Дағ-дағ титрайдиган бўлди
Шамол бўлмаса ҳам.
Охир кесиб қутулдилар.

Фалакнинг гардиши айланиб
Терак ётар эди нонвойхонада.
Ўтга тушганида эса
Олов чатнаб кетди бехосдан.






Теракка илашган хокнинг бариси
Хамирга сачради.
Қарсиллатиб муштлади новвой...

Ўша нонни бир қавм едим
Ёки бир миллат,
Буёғини айтолмайман.
Янги афсонадир буёғи.

24.03.2018





СИР ИМЛОСИ

Мажнуннинг жавҳарли хокидан
Сир имлосин ажратиб олдим,
Қалбим ойнасига “куҳ-куҳ” лаб
Ёзиб қўйдим уни.
(Шаффоф ойналарни хушламайди сир)

Кейин қўлларимни силкидим,
Шамолдан самоъ дарсин олган
Муқим дарвишлар –
Оғочлар мисоли.

Ногоҳ сўз палахмонидан
Отилган бир тош
Қалбим ойнасига урилиб,
Дув тўкилди имло.
(Узоқ асролмасдим уни барибир)

Кейин палахмон эгаси
Бру Осмон аро
Ярқираб турган ҳарфларни
Ўкинч ила қилди талаффуз:
“Айн, шин, қоф...”

25.03.2018



БУТ (ПАРАСТ)

Бир тимсол топдим.
Севдим уни юрак етгунча.
Кейин ўйлаб қолдим,
Кам эмасми севгининг ўзи?

Мадҳ этишни бошлаганимда,
Семира бошлади тимсолим,
Баландлай бошлади
Будда ҳайкалидай.

Бир зум ваҳм чулғади мени,
Қаршисида тиз чўкдим шартта.
Жуда узоқ чўзилди саждам...

Кўз остидан қараганимда
Қаршимда бут турарди –
Инсон йиқа олмайдиган бут!

27.03.2018



ҚАЛДИРҒОЧЛАР

А.Н.га

Рўзғоринг – қалдирғоч уяси.
Учиб киришинг билан
Оғзин очар полапонларинг.

Уларни кўрган заҳоти
Дунёга қанот силкиб
Емак тақсимлашни бошлайсан...

Кейин сериал бошланади.
Бойвачча, бевафо, ўйинқароқ
Қалдирғочлар қатнашар унда.

Сериалдаги қаср – полапонларинг
орзуси.

Қиз қалдирғочлари эса
Тунда тушларингга киришар учиб.

Хушёр жуфтинг улар чуғурин
Эшитиб ётса ҳам
Қувиб чиқармагай тонггача.

27.03.2018

ФОТОРЕПОРТАЖ
(шеърый публицистика)

БИРИНЧИ КАДР

Одам
Инжа бир
Ташрифга эди интизор.
Мегапаловлар дамлаб,
Мегаварраклар учирар,
Мегасумалаклар қайнатар
Баҳор.
У энди
Ичида ғўдраниб
“Мегахлорофил” деб
Сўкар баҳорни.

ИККИНЧИ КАДР

Туғруқхона зинасида
Уч кунлик
Чақалокқа
Томоша кўрсатиб чарчаган





Микки-Маус
Ғамгин ўтирар.
Қора “Жип” да мудраб борар
Бир кунлик пошшо.

УЧИНЧИ КАДР

Китоб дўкони олдида
Ғала-ғовур.
Узун навбат,
Одам тизилган.
Бугун олибсотарлар
Китобхон
Ёллайдиган кун.

ТҶРТИНЧИ КАДР

Ижтимоий тармоқ лентасида
Бир хабар айланар:
“ Ой энди АҚШ мулки”.
Бир кўзингда
Таажжуб айланар,
Бирисида
Ғазабнок кулги.





БЕШИНЧИ КАДР

Бир қиз
Чимирганча
Сунъий қошларин
Баҳор билан
Тушар селфига.

ОЛТИНЧИ КАДР

Ҳеч ким
Гул тутмаган бир хотин
Гул сотиб ўтирар бекатда.
Бепарво ўтиб-қайтишар
Хунук аёллардан
Гул олмайдиган
Эркаклар.

ЕТТИНЧИ КАДР

Марҳум Шоир туғилган кун.
Давра озод собиқ дўстлардан.
Шогирдликка номзод ёш шоввоз
“Устозим”, деб сўз бошлаган чоғ,
Суратдаги Одам кўзидан
Сачраб кетар тирик истехзо.





САККИЗИНЧИ КАДР

Мантифуруш аёл
Таги тушган мантиларни
Ажрата бошлар –
Қўнгироқ чалинар мактабда.

ТЎҚҚИЗИНЧИ КАДР

Куппа-кундузи.
Кўча супурётган таълимни
Уриб кетар “КАМАЗ”.
Таълимнинг аянчли
Жасадини кўрган ҳақиқат
Яширинар “КАМАЗ” ортига –
Тирикларга хизмат қилар у!

ЎНИНЧИ КАДР

Яқинлашиб келар Рамазон.
Ҳалқумини ҳалоллаш учун
Наҳанг сотиб олар бир жаноб.

ЎН БИРИНЧИ КАДР

Хиёбон. Ўриндиқ.
Қиз пулдор йигитнинг



Ҳақоратини
Эшитаркан табассум билан,
Хўрланган муҳаббат
Силжиб борадир
Ўриндиқнинг э-э-энг чеккасига.

ЎН ИККИНЧИ КАДР

Автобус ойнаси –
Чанг босган экран.
Чиққанингда бошланган
Овозсиз фильм
Уйинг бекатида тугайди.

СЎНГГИ КАДР

Қўнғироқ тугмаси босилар.
Қушча сайрар,
Сапчиб тушар ўйингдаги қуш.
Ичкарига ёлғиз кирасан.
Сен чойлашиб ўтирганингда
Бугунги кадрлар
Бирма-бир мўлтирар
Мўралагичдан.

29.03-30.03. 2018





ҲИЛОЛ

Кўк чечаги ғунчалади –
Ғунчаси яккагина.
Ошиғи кўп бу ғунчанинг
Макони чеккагина.

Яхшиямки, чеккагина
Бу ғунчанинг макони.
Ўн тўрт кунсиз ким узалса,
Кириб кетсин тикони.

12.04.2018





ХИРГОЙИ

Ёзуғин таъбири Кўкни юзунда,
Икки “шаъмнома” бор икки гўзунда,
Дарвишлар сужуди пинҳон тизинда,
Ёр одини эслаб қолмасам бўлмас.
Тарбият этганмиш Қайсни жунуни,
Китобсиз ўқилмиш ишқни фунуни,
Один сўрсам, айтар: “Замон Мажнуни”,
Манам бир Лайлоя дўнмасам бўлмас.
Субҳ доманидан тутмиш чечаклар,
Очилмак фаслина етмиш чечаклар,
Дилга муҳрин босиб кетмиш чечаклар,
Алар талабига кўнмасам бўлмас.
Нетай, кўнгул отлиғ беқарор манда,
Кетсам ҳам, қолсам ҳам – ихтиёр манда,
Ким билар, гоҳи муз, гоҳ шарор манда –
Оташдан, гулзордан кечмасам бўлмас.
Майга тўлмиш бу кун қисмат косаси,
Фалак имо қилар: “Ичгин, тозаси!”
Гулман, дийдамга жо ҳасрат ғозаси –
Кўклам гулобидан ичмасам бўлмас.

13.03.2018



КЕЛАЖАК БОЛАСИ

Келажак боласи,
Сен ҳақда ўйлайман,
Билмайман, кўзларинг кўнғирми,
қорами,
Худосиз асрнинг қонталаш қўлидан
Ўтолган хатларим сенгача борами?
Отанг бой бўлса гар,
Келажак боласи,
Сен учун зирҳланган бир хона қуражак.
Онанинг-чи,
Қўлида ҳаволи ёстиқча –
Нафасинг қўриқлаб ёнингда юражак.
Иккиси мисоли
Вафодор соқчидай
Бир лаҳза жонингдан бошқасин
ўйлашмас.
Уларни ниманинг уволи урдийкин?
Ғафлатда қолмай деб кулишмас,
ёйлашмас.
Тепанигда саноксиз
Ўчоқлар учадир,
Биласан, бомбалар замондай турланган.
Жаханнам





Бир зумда Заминга кўчадир –
Сен тенги болалар хўрланган,
зўрланган...

Волиданг

Даҳшатдан, очликдан галдираб,
Сен учун умидли эртаклар тўқийди.

“Чипта йўқ...”

Отанг ҳам ... ичида ... қалтираб

“Онлайн касса”нинг хабарин ўқийди.

Нафаси қисилиб

Ўлган бир инингни

Отанг хўп қизғаниб – заминга бермади.

Айтдики:

“Укангни урушсиз ерларга

Элтамиз учганча қанотли кемада”.

Оқ парда ортида ётибди жасади,

Ётибди қалбидай шаффоф бир тобутда.

Кулгисин соғиниб, тобутнинг устидан

Лабларин силасанг – тафтингни

совутгай.

Келажак боласи, нетамиз,

Бошингда

Учган чоғ тезлиги нурга тенг бомбалар.

Уларга чўт эмас

Зирҳланган хоналар,



Чўт эмас қўрғонлар, лабиринт, дамбалар.
Келажак боласи,
Бормисан, йўқмисан,
Зирҳланган хонадан чиқолмас фарёдим.
Маҳшарнинг умматни улитган ҳукмисан,
Билмайман, сен менинг нечанчи
авлодим,
Мен сени ўйлайман, келажак боласи!

14.04.2018





СҮНГГИ КАДР

Яшил киносаройга
Янги кино келган:
Уруш ҳақидаги энг янги фильм.

Кириш чиптасини
Текин тарқатишар
Ҳар доимгидай.

Э-н-нг тепа қаторда
Яратганнинг
Ўзи ҳам ҳозир.

Ҳой, томошабинлар,
Киносарой шакли
Нега юмалоқ?

Айтинг, у сизга ҳам
Эслатарми
Баҳайбат“ноль”ни?

Кинода актёрлар
Ростакам ўлмакда –
Битта томошабин сизди бу ҳолни.

16.04.2018



Шамолнинг кўзи йўқ,
Оёғи ҳам йўқ –
Бордир
Улкан қанотлари,
Сезгир бармоқлари.

Ҳаммамиздан
Ўзганча шамол
Дунёни
Ўқишга улгурар –
Брайл алифбосида.

18.04.2018





Сен ҳақингда ёзаётганда
Компьютерим
Тўсатдан
Фортепианога айланар –
Сен ҳақингда ёзаётганда
Чолғучиман шоирдан кўра.

19.04.2018





Капалак пиллага
Кирди,
Одам
Чиллага.
Қай бирига
Узлат
Қанот беражагин
Кутамиз энди.

19.04.2018






... Бахт тугагач
Фақат соя қолди аёлдан.
Эркак эса
Ҳамма эркаклардай
Вужудсиз соянинг эмас,
Соясиз вужуднинг ошиғи.

19.04.2018





* * *

Кечир, ишқ...
Қонингни уфққа сачратиб
Бўғзингга бир ханжар урдим мен,
Рухингни жонимдан ажратиб
Бир лаҳза телбаҳол турдим мен.

Кечир, ишқ...
Ол рангинг ўчмагай қўлимдан,
Бизларни айирар инсонлик.
Ёсуман ҳаётни қаҳридан
Туширар балки бу қурбонлик.

02.05.2018





КОМЕТА

“Юлдузим бўл” – дер эдинг менга,
“Юлдузим бўл, кутар осмоним”.
Хаёлимда сўзлардим сенга:
“Осмон менинг олти томоним!

Кейин ... Юлдуз бўлмоқ эски гап,
Ёритолмас умрингни учқун.
Уфқдан уфққа бир бор нур тараб
Кел, комета бўлай сен учун!”

02.05.2018



НАВОЗИШ

Камзулингга илгакдир Ой ўроги,
Ҳар сабоҳ сочингда Гунаш тарағи,
Қуш каби чарх уриб ҳаёт сўроғи,
Қўнмак учун изн сўраб туродур.
Нур кафтида кўкка учган мен эдим,
Уфқдан уфқка зумда кўчган мен эдим,
Сени излаб Ерга тушган мен эдим,
Эй ёр, исмим умринг ичра зиёдур.
Дединг: “Недир қолдими айт,
фаҳмингда?”

Ақл қолармишми ошиқ ақлинда?
Бир саробни кўргач Лайло шаклинда
Англаюрсан, ишқ энг гўзал рўёдир.
Умр – дала, меҳнат экиб ўтгайсан,
Ғоҳ гўзингни кўкка тикиб ўтгайсан,
Тоқ оққушдек фарёд чекиб ўтгайсан,
Оҳинг тинмагунча, умринг сиё(х)дур.
Гўзинг сувин авло билар чечагинг,





Ошкор йиғлаб, пинхон кулар чечагинг,
Қўлинг тегса – зумда сўлар чечагинг,
Лек борлигинг анга меҳригиёдур.
Айб этма, кўздан тошса ноласи,
Ўттиз тўққиз йиллик қайғу жоласи,
Гул ҳам асли ўзга дунё боласи –
Ул маҳзун гуллара лойиқ дунёдир.





ЭНГ ҚИСҚА ҲАСБИ ҲОЛ

Сўз бошида келган “Гоф” дек мағрур
руҳинг,
Ани “Лом” га элтган илмоқ ҳам Рухдадур.
“Нун” чизгиси санинг ярим
қайсарлигинг,
Сувайдонг ҳам “Зе” дан қолмиш бир
нуктадур.





БОЛАЛИК

Ҳақиқат кўпинча отасиз ўсар.
Отаси ё қамоқда бўлар,
Ёки қабрда.
Оч қолмас баъзида
Бошқа сағирлардек –
Улғайгунча тўқ тутар уни
“Онали етим – гул етим”
Мақолининг тахир мазаси.

08.05.2018



МАЙ ТОНГЛАРИ

1-чизги

Қоқигуллар митти булутдек
Сузиб юрар май даласида.
Тунда қаймоқ боғлаган сутдек
Жимирлар сув тонг палласида.
Бу жимирлаш бир тўлқин бўлиб
Йўл оларкан қирғоққа томон,
“Қизил, сориғ, яшил” га тўлиб
Ҳазратимни такрорлар Осмон.

2-чизги

Хўп ювиниб-таранмиш баҳор,
Ҳаво чашма сувидек тоза.
Ниначилар тўплашиб ифор
Ўтлоқларда очмиш мағоза.
Ғимирлаган хонқизиларга
Ховучидан ичириб шудринг,
Тонг шўх имлар боғлар томонга:





“Имилламай, мен билан юринг”.
Афсун атрин таратар жийда,
Қулаб тушар сархуш арилар.
Ҳисортоғнинг этакларида
Қувлашмачоқ ўйнар парилар.
Тоғ очади улкан кўзларин,
Сиғдиrolмас лекин ақлига:
Париларнинг кўриб юзларин
Тошлар кирмиш одам шаклига.
Қувват олиб тавба, ҳоллардан
Қайтиб олам баҳорларига,
Жинлар яшил мажнунтоллардан
Чивик эшар тулпорларига.
Дунё бахтга интиқ ҳали ҳам –
Нур кафтида ҳавойи бўса.
Шамол “пуф” лар дарёни хуррам –
Сув сатҳида ҳарир кулимса.

08.05.2018



ПАРВОЗ

Бир ҳовуч тупроқдай тўкилмақдамиз
Замон ҳовучининг ораларидан,
Ўқ теккан қушлардай йиқилмақдамиз
Заминнинг ҳайбатли яраларига.

Оҳ, бу яралардан сачрагай алвон –
Пажмурда танимиз урилган чоги,
Соврилган йилларга тўланса товон –
Хирож карвонининг бўлмас адоғи.

Майли, қўл чўзмагин, лекин овоз бер,
Биламан, шу карвон ичида Сен бор.
Жон қуши қамалган қафасни синдир,
Ё вақт денгизига улоқтир такрор!

Шунда кўражаксан – юнусбалиқлар
Домакон сайрига кўчиб чиқади.
Озод қушни кўрган ҳамма балиқлар
Бирдан қанот боғлаб учиб чиқади.



Бизни ҳам чорлагай у сирли гала
Замонни, маконни унутиб буткул,
Ҳамма тақиқларни бузиб, у палла
Қатламлар оралаб учамиз нукул.

Шамол чечаклардай севиб учирар
Тупроқ эканлигин унутганларни.
Олис экзосфера кутиб ўтирар
Ҳавосиз муҳитга кўникканларни.

20.05.2018



САЛОМНОМА

Шафақдан ранг симирган
Гуллара салом ўлсун.
Бахт қадами қирқилган
Йўллара салом ўлсун.

Руҳи осмонни кийган
Гиллара салом ўлсун.
Ўнглар, ҳам оғдирмаган
Сўллара салом ўлсун.

У на гўзал ифтихор –
Хурлара салом ўлсун.
(Қуллигидан бахтиёр
Қуллара салом ўлсун.)

Қалтирамай рост ёзган
Қўллара салом ўлсун,
Қайғуси қувончидан
Мўллара салом ўлсун.

Салом ўлсун оташдан
Улуш олган диллара,
“Эрк” сўзида қайралган
Тиллара салом ўлсун.

20.05.2018



“ХАЁТ ҲАҚИДА ИБТИДОИЙ ШЕЪРЛАР” *туркумидан*

ҲАВО

Эр Одамдир – шикорга чиққан,
Хотин – олов қўриган Ҳаво.
“Нозик хилқат” деган таърифнинг
Дахли йўқдир унга мутлақо.

Сочларига теголмас шамол,
Чечак етмас қучоқларига.
Қўлларига ов қони ҳалол,
Ўт ёнса бас ўчоқларида.

Жим ўлтирар, гулхандан олмай
Ярқираган икки кўзини.
Чақин чақса, оқбилақлардай
Ёр пинжига урмас ўзини.



Таъқиб қилса гоҳо йиртқичлар
Қадамларин топширар шахдга –
Ханжар тишлаб, боласин ушлаб
Тирмашар энг баланд дарахтга.

Шер айланар дарахт остида,
Ҳаво эса йиртқичдан қайсар:
Новдаларни йўниб ханжар-ла
Одам учун ясайди найза.

30.05.2018



ДАРВИНГА ДАҲЛИ БЎЛМАГАН ШЕЪР

Қўрқоқ ўлиб биринчи жангда,
Довюраклар кўп яшар эди.
Ур-йиқитда битта тойифа
Дарахтларга тирмашар эди.

Ҳар жонзотга жони албатта
Ширин бўлар жанг кўпган маҳал.
Пастда қолган довюракларга
Чийиллашиб берарди халал.

Лек зафарни ҳаммадан олдин
Байрам қилган ўшалар эди.
“Хув-хув” лашиб, бураб думларин
Қарсак чалган ўшалар эди.

Ўлмадилар йиртқич тишидан,
Қулашмади ё ўққа учиб.
Сўнг тамаддун зиналаридан
Одамлардай келишди тушиб.

Кўйлак кийиб, тақиб бўйинбоғ
Юришибди одам сиёқда.
Лекин хатар етса баногоҳ
Югуришар тўртта оёқда.

30.05.2018



МАЙ ОҚШОМИ

Кулранг кукун сепиб, кеча мудрайди,
Олам бу ёмғирдан кетолмас нари.
Шамол новдаларни сувга судрайди,
Дарёнинг пульсини ўлчар Сувпари.

Ранглар мажлис қураб Ой теграсида –
Осмон чечаклари урадилар қулф.
Фурсат теранликка ўқир қасида,
Самодан Заминга осилар бир зулф.

Бир қизнинг тушига кирмоқ бўлар у,
Бироқ туш очмайди дарвозасини.
Жимгина ортига қайтса бўлар-ку,
Осмон йиғиб қўяр ҳавозасини.

31.05.2018






РЎЁ

Туннинг ёруғ чегарасида
табассуминг боғлайди қанот.

Ой нурлари кумушлаб ўтар
унинг ҳарир қанотларини.

Энди у кирмоғи мумкин
исталган парининг тушига.

2018, июнь





* * *

Агар
Ҳаво бўлса муҳаббат,
Рамзи ҳаёт (ва ёки ўлим).

Тупроқ бўлса,
Гиёҳ унмас тенг ярмисида.

Сув бўлса гар,
Куйдириб ўтади бўғзингни.

Олов бўлса,
Бас келолгай қалбинг тафтига.

Ҳосил бўлса,
Фақатгина илдизмевадир.

2018, июнь





ҲУКМДОР

Тепасида олчоқ
Ғажирлар айланар,

Шоқоллар пайт пойлар
Ёнгинасида,

Ёш шерлардан бири
Жуфтидан кўз узмас.

Ўлаётган Шерни
Бир савол қийнайди:
“Лойиқмикин тахтга рақиби?”

12.04.2018





ҚИЗИҚАРЛИ МАТЕМАТИКА

Дунё – ғаддор ҳисобчи, ҳамон
Маъкул кўрар аниғу нақдни
Ва ўзгармас амаллар билан
Шарт айирар севгидан бахтни.

Тиним билмас “минус” белгиси.
Сўнг дунёга виқор-ла қараб,
Нимагадир қистаб кулгиси,
Шон ёнидан кетади шараф.

Бўйсунмаслар топилар ҳар вақт.
(Қилолмайсан уларга зўрлик).
Амалларни қилмасдан писанд –
Ҳамон бирга зулм ва хўрлик.

20.07.2018



А.Н.га

Қалбимизда куйчи чиганоқ,
Бўрон турса – тинмас товуши.
Чиганоқни бизлардан олмоқ
Тақдирнингмас, Худонинг иши.

Ажратишлар, чекловлар сира
Совутолмас юрак ўтини.
Айт, қачондир Ой ёғдусида
Тотганмидик бўри сутини?

Ўгайласа бизни давралар,
Ўксимаймиз – руҳимиз кибор.
Соч устида сийрак қировлар,
Қалбимизда абадий баҳор!

04.07.2018



ҚИШЛОҚ ТОНГИ

Соялар ўзини сойларга ташлар,
Дарахтлар кўксида ҳаёт ёрлиғи.
Рўё пардасини тортқилай бошлар
Қушларнинг сабуҳий бахтиёрлиғи.

Тункезар руҳларни элитар уйқу,
Баргларга мунчокдай ёғар фароғат.
Офтоба тубида қолиб кетган сув
Бомдод намозидан ичар ҳаловат.

Уйлар сурур ила Қуёшга тутар
Қарлуғоч уй солган пешайвонини.
Онам лойсупада хушҳол силкитар
Чумоли ризқи бор дастурхонини.

18.07.2018





БИР СОНИЯЛИК ХАЁЛ

Сайёралар айланар тинмай,
Тоғлар Кўкни тутар елкада.
Фурсат рангли пайпаслагичдай
Сузиб юрар галактикада.

Замин – башар қайнаган уммон.
Долғалари қўрқинчли, зотан
Бу уммоннинг юзасида ҳам,
Тубида ҳам Одам бор, Одам!

18.07.2018





ОЛТИН ОЛМА

(Нодира Афоқовага)

Ким ҳам кўз тикмагай осмон боғидан
Бир олтин олмани узмоқ бахтига,
Гарчанд синовдадир ошиқлар ҳамон
Ва гарчанд синовлар ишлар нақдига.
Гарчи юракларда ҳижрон етилган
Ва унга ризқ ташиб турган ўзимиз,
“Энг ошиқ аёлга” сўзи битилган
Бир олтин олмага тушса кўзимиз!
У бир армон эрур, бир буюк матлаб...
Дарахтлар хўрсинар – бели толмалар.
Шабий боғлар аро синиқ шивир-ла,
“Ўн тўрт” гача санар олтин олмалар –
Қолган рақамларни қўйган унутиб
Тартибсиз яшашга кўниккан дунё.
Қўлида тишланган бир олма тутиб,
Замон эшигидан боқар Зулайҳо.
Бармоқларда олтин олма илинжи,
“Кир” деб айтолмаймиз ёшу қаримиз.
Гарчанд руҳимизнинг ранги норанжий,
Олмаранг ҳисларга очмиз баримиз!
“Юсуф борми?”
Ногоҳ сўрар Зулайҳо,



Кўзида соғинч-ла ҳайрат қоришиқ.
Қўлидаги олма шуъласи аро
Бир янги манзара кетар ёришиб.
Шу оний ёруғлик силсиласида
Нур каби узайиб кўринар бир йўл,
Ўхшаб Ой юзига кулган гўдакка
Биз ҳам ўша томон узатамиз қўл.
Куламиз чарх уриб.
Юксак боғларда
Дарахтлар гуркирар – бели толмалар.
Милтироқ нур ўпган зумрад шохларда
Кўринар товланиб ... олтин олмалар.

19.07.2018





ЯНГИ ХИРГОЙИ

Уфқ эски майпараст,
Фақат саҳбо ичади.
Майкосасин тутиб даст
Ҳар кеч ўздан кечади.

Шафақ – кўҳна оловзор,
Ўтолмайсан қадамлаб.
Қўл силтар чекиб озор
Ўтдан қочган одамлар.

Булутлар олар чирмаб
Чақмоқнинг боласини,
Ўзанлар ичар титраб
Дарёлар ноласини.

Оқиб борар ол дарё,
Югуриб етолмайсан.
Севгинг – бир юрак саҳбо,
Уфққа тутолмайсан.

05.08.2018



КАЛЛАЛАР

Ўтир, гапларимни эшит, қариндош,
Биз шундай туғилдик, шундай яшаймиз:
Юз калла ичидан чиқса битта бош,
Иккиланмай чопиб ташлашга шаймиз.

Ногоҳ ёш кўзлардан сачраса учқун,
Энг катта муаммо шундай паллалар:
Енгил шиорларни урчитмоқ учун
Каллалар кўп керак бизга, каллалар.

Токи эгалари йўлда олтинга
Дуч келган тентакдай сўлжайиб турсин.
Йўллари бошламас гарчи олдинга,
Куйдирган калладек тиржайиб турсин.

Давр издиҳоми қайнаган чоғи
Ғашга тегар экан чимрилган ҳар қош.
Бошинг бўлса ҳамки, бундан буёғи
Калла қилиб кўрсат, хўпми, қариндош?

06.08.2018



ҲОДИСА

Муҳаббат туғилмас.
У шунчаки бўлади содир
Энг ғаройиб ҳодиса каби.
Айтайлик, кўкнинг ёришиши,
Булутнинг қат-қатланиши,
Қушнинг илк учиши,
Сув юзидаги жимирлаш ё
Заминнинг баҳорги тўлғоғидай.
Ҳодиса гўзаллиги
Оқибатдан чалғитар бизни.

05.08.2018





МАНЗАРА СОҒИНЧИ

Болаликда кўнглим тўлиб мубҳам

ҳислардан

Тез-тез чиқиб турар эдим қишлоқ йўлига.
Катта ариқ тубидаги рангли тошлардан
Тасбеҳ тизиб бермоқчийдим тутзор қўлига.
Дадам кесиб берган қамиш қалам қўшиғи
Тараларкан қогоз узра майин ғичирлаб,
Синглим терган маймунжоннинг

пуштиранг ҳиди

Пиёлада турар эди ширин пичирлаб.

Укам чизган нақшларни онам севинч-ла
Деворларга осар экан – юзда табассум,
Ёзувимни чаплаб қўйган томчи ўкинч-ла
Аралашиб кетар эди манзара бир зум...
Оқшом сувлар сепганида супа юзига,
Семиарди тупроқ ҳидли уйлар воласи.
Тол шохига қўниб, уйғоқ болалигимга
“Зарбулмасал” айтар эди бойқуш боласи.
“Бошқуш қўнган уй - вайрона”

деган гапларга

Қўлим силкиб, сукут билан қилардим

меҳмон:

Олам нафас ростлаётган кеча қўйнида
Сирлашарди ухламаган икки қўлабон.



Қайрағочнинг япроқлари ой ёғдусида
Танга-танга кумушларин сочаётган дам,
Тунчироқлар вазифаси тушиб эсига
Парвоналар бўлишарди мажлис ичра жам.
Намозшомгул суҳбатига ошиқар эди
Шамол, унга зарур эди хушбўй эртақлар,
Сўнг кирпилар – туннинг бедор

фуқаролари

Айланишга чиқишарди бола етаклаб.
Ҳали-ҳамон тил битмаган дудуқларига,
Ҳали-ҳамон шундай ухлар толиққан

қишлоқ.

Сув ўрнига заҳмат тўлган қудуқларига
Қўрққанидан тушмай қўймиш Ойлари
бирок.

Лекин тирик ... Боз устига умиди бордай...
Тун бағрига қўмиб қўйган нолаларини.
Бойқушларни сайратганча ухлатмас атай
“Зарбулмасал” ўқиётган болаларини.

11.08.2018



Мен ҳақдаги шеърни
Қон билан ёзгин.
Суратимни чизсанг,
Ханжар билан чиз.
Қум устига бўлса ҳам, майли.
Ишон, шамол ўтмас у ердан,
Севгили исмлар чўчитар уни:
Қачондир оташин бир қалб устидан
Учиб ўтаётиб
Қаноти куйганин унутмагай у!

22.09.2018





* * *

Хатжилдга сифмади
Сенли хаёллар.
Жойладим уларни
Ниначи қаноти,
Хонқизининг нукталари,
Япроқнинг кузги парвози,
Ёғду торлари
Ва қўлларимнинг қанот ҳақидаги
орзусига:
Энг инжа юракка
Муҳтожсан энди.

22.09.2018



Гарчи қалбингдаги қизғанч бир севги,
Ўтинчим бор: ўлганимдан сўнг
Шамолга бер бармоқларимни,
Мен учун ўрмонни ўтсин сийпалаб.
Кўз ёшимни дарёларга соч,
Мунчоқ бўлсин сув қизларига.
Қушларга бер луғатимизни –
Сайрамаган бир қуш қолмасин.
Кўзларимни берсанг осмонга,
Иккитага ортар юлдузи.
Сўнган вулқонлар кўп юрагим учун...

22.09.2018





* * *

Жимжилоғи куйиб қолган булутлар
Таҳсин айтар уфқнинг саботларига,
Кечиккан қушчалар урилиб ўтар
Шомнинг ёнаётган қанотларига.

Қанотлар ортида ястанар Қуёш,
Чўғистон бўлади Тоғлар елкаси.
Миллиард кўз ўнгида фош бўлажак, фош
Дард каби чўзилган Зулмат ўлкаси.

22.09.2018





Сўз эмас, ишора кутаман сендан:
Севгили икки кўз ишорасини,
Ҳеч сўнмас бир юлдуз ишорасини,
Энг ёруғ бир кундуз ишорасини.
Эрий бошлаган муз ишорасини...

Сен-чи тан олмайсан ишораларни:
Луғатингда фақат сарғарган сўзлар,
Ҳамма биладиган – тарқалган сўзлар,
Тиллар қамчисида савалган сўзлар,
Йилон кўзи каби қаварган сўзлар...

22.09.2018





АСЛ ЎЗАНЛАР САРИ...

Ёхуд сўнгги сўз ўрнида

Ҳазрат Навоийнинг “Назмда ҳам асл анга маъни дурур, Бўлсун анинг сурати ҳар не дурур” деган машҳур байти бор. Бунда олга сурилган мазмун шарқ-ислом адабиётининг туб моҳиятини ифода этади. Ушбу хайрли анъана ўзбек шеъриятида Навоийдан ҳам уч-тўрт аср олдинроқ бошланиб, ўтган асрга қадар изчил давом этиб келди. Аммо афсус-надомат билан таъкидлаш керакки, XX аср ўзбек шеърияти бундай анъаналардан анча узилиб қолди. Миллий шеъриятимизнинг тошқин дарёдек шиддатли ва улкан бадий қуввати сон-саноксиз бегона ўзанлар бўйлаб сочилиб кетди.

Чамамда, бугунга келиб, шеъриятимиз асл ўзанлари томон йўл излаётгандек. Умидли шоирамиз Гулноз Мўминова шеърияти адабиётимизда юз кўрсатаётган ана шундай қувонарли ҳодисалардан. Шеърлари мазмундан муаллифнинг асл маъни сирларини англаб, ўзгаларга ҳам англатишга уринаётганига амин бўламиз.

Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ,
филология фанлари доктори



МУНДАРИЖА

Такдим	3
Заминга хитоб	5
Зорро ниқоби	7
Шерлар.....	9
Довон тошлари	11
Мутантлар.....	13
Саратон қўшиғи	15
Қуш билан сўзсиз суҳбат	16
“Кундуз – менинг такаббур дўстим”	17
Ғордаги суҳбат	18
“Биз сен билан ҳамон икки қутбмиз”	20
“Вале озурдамиз озор ичинда”	21
“Ўша кўхна ҳисдан ҳамон адоман”	23
Дил синиқлари	25
Истаюр	36
“Эй дил, ғам ризқини ол – ғаниматдир айрилиқ”	38
“Шўх фасллар ичра маним диёрим йўққа ўхшайдир”	39
Меҳрожға.....	41
“Иқрорман – сен бугун ғолибсан, Нафрат”	43
“Тоҳи қаро соч узра”	44
“Сан ҳам менинг каби маҳзунмидинг, ёр”	45
“Ёра, Юсуф ётган чоҳингни кўрсат”	46

“Сени сокин севдим – умринг боғида”	48
Изҳор	50
“Воҳ, бу дун оташи мудроқ ёнадир”	51
“Сенсиз тақдир измиға риоят истармидим?”	52
Қурбонжон додхоҳ монологи	54
“Абри найсон кима нафдур, қатра ҳам, дур ҳам бўлмаса”	57
Отелло монологи	59
“Абри найсонким, ёғмоқни ёр кўз ёшидан ... ўрганмиш”	61
“Ғофил ёра, бу дийдор ғамларинг Синосидур”,	63
Иқрорлик	64
Гина	66
“Ишқ десам, сочда қор йиғлар”	68
Сотқиннинг фалсафаси	69
“Қул севгиси каби беўхшов сукут”	70
Кўзинг рахшонини кўргач	71
Пайдо	73
Кўзларингга ишонгин мени	74
Лаҳза	75
Оломон	76
“Бевралнинг”	77
Навоий ҳайкали пойида	79
Меҳр	81

Севги ўлими	82
Рашк.....	83
Кеч куз манзараси	85
Пейзаж	86
Гулхан	87
Афсона	88
Куз.....	90
“Хазонрезги тилида айтар”	90
“Борлигим бормоқда сарғариб”.....	91
Сунбуланинг сувлари мисол.....	91
“Куз– васл кўприги”.....	92
Ойпараст.....	93
Ўқ	95
Чақиргайман.....	96
Сенли тушлар	98
“Билмам, нега ёнимдасан-у”	99
Мен дарахтга ўхшайман.....	101
Тонгги ҳислар	102
Гина.....	104
Дунё.....	106
Муҳаббат	107
Оҳу.....	108
Қиш кечаси.....	110
Қўшиқ.....	111
“Кўзларинг ойнадир – қорайтирилган”.	112
Сен.....	113

“Ришталарни боғлайди кеча”	114
Ойбарчиннинг пенелопага мактуби	115
Яшил елканлар	117
Ховуз ва мажнунтол	124
Шоира ва тун	125
Чилтор	126
Эски дафтар	127
Ҳар кунги эртак	128
“Илиада” оҳанглари туркум	129
Қаламнинг шоирга дегани	139
Эгилмаган бош	141
Қор гуллари	142
Ҳақ чолғуси	143
Қалбингга таъриф	145
Сунбула	146
Куйган қанотлар ҳақида ривоят	147
Сен ва ёмғир	149
Дилга борар йўл	150
Қор соғинчи	151
Тун остонаси	152
Қорли оқшом	153
Ёз манзараси	154
Оддий кўшиқ	155
Ҳаққослар	156
Сон	157
Клеопатра	158



Олма.....	159
Сузаётган ой.....	160
Ўзни таниш.....	162
Чорасизлик	163
Шамол ва соялар.....	164
Хайрлашув олдидан.....	166
Гиря.....	168
Гладиатор	170
Асад	173
Чиғанок.....	174
Яшил печакгуллар	175
Видо шароби	177
Кузак дарёси	178
Улар сенинг қушларинг эди	179
Этюд.....	180
Муҳаббатнинг табиати.....	181
Митти гулмоҳилар	182
Тойифа	183
Ворис	185
Қуш ҳақида уч шеър	186
Куз пейзажлари	189
Чилла.....	193
Совуққон шеър.....	194
Тасаввур сарҳади	195
Глобаллашув	197
Бир шоирга	199





Журъатсизлик.....	200
Умр тавсифи	201
Лабиринт	202
Талқин	203
Қайғу.....	204
Чистон	207
Бир туйғуга бағишлов.....	208
Ўзимга	209
Хризантема	210
Асрор денгизи.....	211
Шоирнинг тўйи	212
Кураш	214
Ёмғирли пейзаж.....	215
Сарик атиргул	216
Болалик ёди	218
Шоир руҳлар	221
Достон якунланган кеча.....	223
Николай Гумилёвга назира	226
Битиктош.....	227
Тоғлар соғинчи	228
Яшма	229
Пайғамбар сув ичган косага бағишлов ...	230
Қор афсонаси	231
Ҳасихат.....	232
Қиш париси	233
Декабр.....	234





Декабр булуту.....	235
Бошпана.....	236
“Мен” – бир чироқ	237
Ҳақпараст шоирга бағишлов	238
Халқона	239
Апрел осмонига боққан	
Шоир тасаввури	240
Изҳор	242
Саркаш хаёллар.....	243
Машқ	244
Тақсимот	245
Тилак	246
Ноктюрн-1	247
Сурат	248
Сўзлар соғинчи.....	249
Тахмин	250
Босинқираш	251
Сўзларнинг унсури	253
Борлиқ геометрияси	254
Тақриз.....	255
Ноктюрн -2	256
Тавсия	258
Аксиома	259
Тоғ дарёси	260
Даштдаги йўловчи	261
Фалсафа.....	262





Тонг	263
Кема ҳақида икки тушкун шеър	264
“Кема эдим, боримни ортиб”	265
Вақт ва мен	266
Сирдош.....	267
Август	268
Алам	270
Тарози.....	272
Сабр косаси	273
Тушлар	274
Автопортрет	275
“Кафтимга сув олиб”	277
Яна Маринага.....	278
Хуршидга	280
Чекиниш.....	281
Умидсизлик	282
“Октябрнинг сийрак хиёбонида”	283
Девонанинг қўшиғи.....	284
“Ҳеч” ҳақида шеър	286
Кеча этюди.....	287
Ранглар тилида	288
Манозил.....	289
Мубтало.....	290
Ҳаётнинг илк қўшиғи.....	291
Сеннинг байраминг	292
Ишора.....	293





Девонанинг ўзига насиҳати	294
Учликлар	295
Эслатиш	297
Ёғмур чечаклари	298
Кетмон.....	300
Айблов хулосаси.....	301
Робита.....	302
Парвоз	303
Ҳисса.....	304
Эрк.....	305
Шафақ этюдлари.....	306
“Кўк”	307
“Ҳар кеч уфқ томонда ”	308
Шивирлоқ хитоб	309
Сен ва мен	310
Ғамгин сурат.....	311
Сўнган гулхан, одам ва бўри	312
Тушда ёзилган шеър	313
Ҳақиқат	314
Ҳафта	315
Қиш.....	316
Атвор.....	317
Юлдуз мева.....	318
Ғалати айблов	319
Сирли одам.....	320
Ишқ.....	321





Ишқ ваҳийси	323
Наврӯз	324
Қўрқоқ(лар) ҳақида афсона.....	326
Сир имлоси	328
Бут (параст)	329
Қалдиргочлар	330
Фоторепортаж	331
Ҳилол.....	336
Хиргойи	337
Келажак боласи	338
Сўнгги кадр	341
Шамолнинг кўзи йўқ,	342
“Сен ҳақингда ёзаётганда”	343
Комета.....	347
Навозиш.....	348
Энг қисқа ҳасби ҳол	350
Болалик	351
Май тонглари	352
Парвоз	354
Саломнома.....	356
Ҳаво.....	357
Дарвинга дахли бўлмаган шеър	359
Май оқшоми	360
Рўё	361
Ҳушдор.....	363
Қизиқарли математика	364





А.Н.Га	365
Қишлоқ тонги	366
Бир сониялик хаёл	367
Олтин олма.....	368
Янги хиргойи	370
Каллалар.....	371
Ҳодиса.....	372
Манзара соғинчи.....	373
“Мен ҳақдаги шеърни”	375
“Хатжилдга сиғмади”	376
“Гарчи қалбингдаги қизғанч бир севги”..	377
“Жимжилоги куйиб қолган булутлар”	378
“Сўз эмас, ишора кутаман сендан”	379
“Асл ўзанлар сари”.....	380



Гулноз МЎМИНОВА

КОМЕТА

Шеърлар

Муҳаррир *Ирода Муҳиддинова*
Бадий муҳаррир *Акбарали Мамасолиев*
Техник муҳаррир *Хосият Хасанова*
Мусахҳиҳ *Доно Тўйчиева*
Саҳифаловчи *Умида Валижонова*

Нашриёт лицензия рақами AI № 290. 04. 11. 2016.
2018 йил 11 декабрда босишга рухсат этилди.
Бичими 70x100 $\frac{1}{32}$. Neuristica гарнитураси.
Офсет босма. 15,88 шартли босма табоқ.
13,2 наshr босма табоғи. Адади 2000 нусха.
627-рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа
иждодий уйида чоп этилди.
100128 Тошкент, Лабзак кўчаси, 86.

Телефон: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29

Факс: (371) 241-82-69

www.gglit.uz

info@gglit.uz